

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

ТЎПЛАМИ

32-сон
(948)
2020 йил
17 август

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

368. «Қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назорати жараёнлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 августдаги ЎРҚ-631-сон Қонуни

369. ««Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 августдаги ЎРҚ-632-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

370. «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги ПФ-6041-сон Фармони

371. «2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 августдаги ПҚ–4798-сон қарори
372. «Сирдарё вилоятида қуввати 1 500 МВт бўлган янги иссиқлик электр станцияси қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги ПҚ–4799-сон қарори
373. «Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги ПҚ–4801-сон қарори
374. «Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги ПҚ–4802-сон қарори
375. «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги ПҚ–4803-сон қарори
376. «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги ПҚ–4804-сон қарори
377. «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги ПҚ–4805-сон қарори
378. «Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги ПҚ–4806-сон қарори
379. «Тошкент вилоятида қуввати 240 МВт бўлган иссиқлик электр станцияси қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 августдаги ПҚ–4807-сон қарори

Бешинчи бўлим

380. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2020 йил 6 июндаги 390-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олишни ташкил этиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани

тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3272*)

382. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 54, 1-сон «Халқаро шартнома лойиҳасини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани ишлаб чиқиш ҳақидаги услубий кўрсатмаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3273*)

383. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2020 йил 30 июлдаги 01-15/1106-сон «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомнинг 5-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2893-3*)

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

368 Қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назорати жараёнлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 23 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 7 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида**»ги 432–II-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 213-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 3, 162-модда, № 5, 261-модда, № 8, 468-модда, № 9, 588-модда) **12-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин: «Парламент сўровига, сенатор сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида**»ги 434–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 3, 162-модда, № 5, 261-модда, № 8, 468-модда, № 9, 588-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 августда эълон қилинган.

1) **12-модданинг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Парламент сўровига, Қонунчилик палатаси депутатининг сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади»;

2) **15-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлигига номзодлар кўрсатиш ва сайлаш тартиби қонунда ҳамда Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради ҳамда фракция таркибига кириши мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас.

Қонунчилик палатасида тузилган фракция ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун фракция, қоида тарикасида, ўз фракцияси раҳбарининг номзодини киритади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Қонунчилик палатаси қўмиталаридан бирининг таркибига сайланиши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари халқаро парламент ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантиришни амалга оширади, бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар, комиссиялар, қўмиталар, ишчи гуруҳлар ва бошқа тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштиради, парламентлараро дипломатияни ривожлантиришни амалга оширади, халқаро шартномаларнинг ҳукумат томонидан бажарилишини назорат қилишга доир ишларни ташкил этади, шунингдек вазифалар тақсимотига биноан ташкилий ва бошқа вазифаларни бажаради.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси Спикерининг топшириғига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради.

Қонунчилик палатасининг Спикери йўқлигида ёки у ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, у йўқлигида эса Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарларидан бири бажариб туради».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида**»ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари-

нинг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 8, 468-модда, № 9, 588-модда, № 12, 884-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси Спикери ва Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас»;

2) **9-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси Спикери ва Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради ва фракция таркибига кириши мумкин эмас»;

3) **15-модданинг:**

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисларида биринчи ўқишда қўриб чиқиш чоғида уни қабул қилиш зарурати, қонун лойиҳасининг концепцияси, унинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек қонунни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ҳамда молиялаштириш манбалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинади. Биринчи ўқишдаги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза билан, қоида тариқасида, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ёки унинг вакили, кейинги ўқишларда эса масъул қўмита вакили сўзга чиқади.

Масъул қўмита биринчи ҳамда кейинги ўқишларда фракцияларнинг фикрлари ва таклифларини депутатларга етказиши шарт.

Фракцияларнинг қонун лойиҳаси бўйича фикрлари ва таклифлари мажбурий тарзда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим»;

ўн иккинчи қисмдаги «боблар ёки бўлимлар бўйича» деган сўзлар «боблар ёки бўлимлар бўйича, шунингдек бир неча моддалар бўйича бир вақтнинг ўзида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **32-модданинг еттинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Парламент сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади»;

5) **32¹-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Қонунчилик палатаси депутатининг сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади»;

6) **33¹-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33¹-модда. Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш

Қонунчилик палатаси зарур бўлган ҳолларда ўзининг мажлисида ҳукумат аъзоларининг давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиши мумкин.

Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш тўғрисидаги масала фракциялар ташаббусига кўра Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилади.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотини Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасида дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда йилга икки марта эшитади.

Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш тўғрисида Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади. Ҳукумат аъзоларини эшитиш тўғрисидаги Қонунчилик палатаси қарори олдиндан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш тўғрисидаги қарори эса тегишли давлат органига, хўжалик бошқаруви органига юборилади.

Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади, унда тегишинча ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар бўлиши, шунингдек уларнинг ишига баҳо берилиши мумкин.

Ҳукумат аъзоларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича қарори эса тегишли давлат органига, хўжалик бошқаруви органига юборилади»;

7) 33⁶-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Қонунчилик палатасининг қарори билан парламент текшируви ўтказилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси парламент текширувини ўтказиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан комиссия тузади.

Комиссия парламент текширувини ўтказишда қуйидагиларга ҳақли:

давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг вакиллари-

ни, мутахассисларни, экспертларни ва олимларни комиссия ишига жалб этишга;

давлат органларидан, хўжалик бошқаруви органларидан, бошқа ташкилотлардан, шунингдек фуқаролардан зарур маълумотларни сўраб олишга;

давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини, шунингдек фуқароларни тушунтиришлар бериш учун таклиф этишга.

Комиссия Қонунчилик палатасининг қарорига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Комиссия бажарилган ишлар тўғрисида Қонунчилик палатаси томонидан белгиланган муддатда уни хабардор қилади.

Парламент текшируви Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма қарори билан ҳам ўтказилиши мумкин».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида**»ги 523–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 2, 47-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 8, 468-модда, № 12, 884-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **31-модданинг еттинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Парламент сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади»;

2) **31¹-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Сенатор сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади»;

3) **32¹-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32¹-модда. Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш

Сенат зарур бўлган ҳолларда ўз мажлисида ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиши мумкин.

Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини

эшитиш тўғрисидаги масала Сенат томонидан қўмиталарнинг ташаббусига кўра кўриб чиқилади.

Сенат Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахборотини Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўз фаолияти ҳақидаги ахборотини Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда йилига икки марта эшитади.

Сенат ҳар йили Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисидаги ахборотини Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасида дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда эшитади.

Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш тўғрисида Сенат қарор қабул қилади. Ҳукумат аъзоларини эшитиш тўғрисидаги Сенат қарори олдиндан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш тўғрисидаги қарори эса тегишли давлат органига, хўжалик бошқаруви органига юборилади.

Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, унда тегишинча ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар бўлиши, шунингдек уларнинг ишига баҳо берилиши мумкин.

Ҳукумат аъзоларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича қабул қилинган Сенат қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича қарори эса тегишли давлат органига, хўжалик бошқаруви органига юборилади»;

4) 32⁷-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Сенатнинг қарори билан парламент текшируви ўтказилиши мумкин.

Сенат парламент текширувини ўтказиш учун Сенат аъзолари орасидан комиссия тузади.

Комиссия парламент текширувини ўтказишда қуйидагиларга ҳақли:

давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг вакиллари, мутахассисларни, экспертларни ва олимларни комиссия ишига жалб этишга;

давлат органларидан, хўжалик бошқаруви органларидан, бошқа ташкилотлардан, шунингдек фуқаролардан зарур маълумотларни сўраб олишга;

давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини, шунингдек фуқароларни тушунтиришлар бериш учун таклиф этишга.

Комиссия Сенатнинг қарорига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Комиссия бажарилган ишлар тўғрисида Сенат томонидан белгиланган муддатда уни хабардор қилади.

Парламент текшируви Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма қарори билан ҳам ўтказилиши мумкин».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида**»ги 704–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 588-модда, № 12, 880-модда) **10-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Депутат давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан, сенатор эса тегишли ҳудудларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан сўров юборишга ҳақли.

Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат, сенатор сўровига, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ёзма жавоб юборади. Депутат ёки сенатор сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «**Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида**»ги 706–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 10-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда) **8-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин: «Депутат сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрда қабул

қилинган **«Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»**ги ЎРҚ–60-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 537-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 5, 261-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **5-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қонунчилик палатасида ўзи киритган қонун лойиҳаси кўриб чиқиладиганда иштирок этиш учун, шу жумладан қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида, қоида тариқасида, маъруза билан сўзга чиқиш учун ўз вакилини тайинлайди. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг бошқа субъектлари ҳам (Қонунчилик палатаси депутатларидан ташқари) қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида кўриб чиқиладиганда иштирок этиш, шу жумладан қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида, қоида тариқасида, маъруза билан сўзга чиқиш учун ўз вакилини тайинлаши мумкин»;

2) **26-модда:**

биринчи қисмининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги қарорда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг вакили кўрсатилади, у қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш чоғида иштирок этади. Қарорда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида маъруза билан сўзга чиқадиغان вакили ҳам кўрсатилади (бундан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти шахсан сўзга чиқадиغان ҳоллар мустасно)»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган **«Парламент назорати тўғрисида»**ги ЎРҚ–403-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 123-модда; 2017 йил № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 9, 588-модда, № 12, 884-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисларида ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш»;

2) **10-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10-модда. Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисларида ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш

Қонунчилик палатаси, Сенат зарур бўлган ҳолларда, ўз мажлисларида ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиши мумкин.

Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш тўғрисидаги масаласи Қонунчилик палатаси томонидан фракциялар ташаббусига кўра, Сенат томонидан эса қўмиталарнинг ташаббусига кўра кўриб чиқилади.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотини Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасида дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда йилига икки марта эшитади.

Сенат Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахборотини Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўз фаолияти ҳақидаги ахборотини Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда йилига икки марта эшитади.

Сенат ҳар йили Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисидаги ахборотини Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасида дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда эшитади.

Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш тўғрисида Қонунчилик палатаси, Сенат қарор қабул қилади. Ҳукумат аъзоларини эшитиш тўғрисидаги Қонунчилик палатаси, Сенат қарори олдиндан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш тўғрисидаги қарори эса тегишли давлат органига, хўжалик бошқаруви органига юборилади.

Ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича Қонунчилик палатаси, Сенат қарор қабул қилади, унда тегишинча ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар бўлиши, шунингдек уларнинг ишига баҳо берилиши мумкин.

Хукумат аъзоларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатаси, Сенат қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш якунлари бўйича қарори эса тегишли давлат органига, хўжалик бошқаруви органига юборилади»;

3) **14-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Парламент сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади»;

4) **15-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўровига жавоб ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс томонидан имзоланади»;

5) **18-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарори билан парламент текшируви ўтказилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси, Сенат парламент текширувини ўтказиш учун тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари орасидан комиссия тузади.

Комиссия парламент текширувини ўтказишда қуйидагиларга ҳақли:

давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг вакиллари, мутахассисларни, экспертларни ва олимларни комиссия ишига жалб этишга;

давлат органларидан, хўжалик бошқаруви органларидан, бошқа ташкилотлардан, шунингдек фуқаролардан зарур маълумотларни сўраб олишга;

давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини, шунингдек фуқароларни тушунтиришлар бериш учун таклиф қилишга.

Комиссия Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарорига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Комиссия тегишинча Қонунчилик палатасини ёки Сенатни бажарилган ишлар тўғрисида Қонунчилик палатаси, Сенат томонидан белгиланган муддатда хабардор қилади.

Парламент текшируви Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан ҳам ўтказилиши мумкин».

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

10-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 10 август,
ЎРҚ-631-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

369 «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 22 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 7 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 октябрда қабул қилинган «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги ЎРҚ-501-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2018 йил, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **13-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи — олтинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларга ёзма шаклда билдиришнома берилиб, унда ишга жойлаштириш бўйича кўрсатилган хизматлар учун фуқаролардан ҳақ ундиришга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек хусусий бандлик агентлиги томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, мурожаат қилиш учун хусусий бандлик агентлиги-

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 августда эълон қилинган.

нинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг почта манзиллари ҳамда алоқа боғлаш учун телефон рақамлари кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар хусусий бандлик агентлиги ва иш қидираётган шахс ўртасида тузилган хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида кўрсатилади ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш масаласи бўйича чет эллик шериклар билан ўз ваколатлари доирасида музокаралар (суҳбатлар) ўтказиш, шартномалар, битимлар ва баённомаларнинг лойиҳаларини тайёрлаш;

эҳтимол тутилган иш берувчиларни қидириш, хорижий мамлакатларнинг меҳнат бозорини ўрганиш асосида бўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларга ахборот тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида меҳнат фаолиятини амалга оширишни хоҳлаётган шахслар ҳақидаги ахборотни фақат уларнинг розилиги билан чет эллик иш берувчилар ўртасида тарқатиш;

иш қидираётган шахсларга Ўзбекистон Республикасидан ташқарида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун дастлабки тайёргарлик тадбирларини ўтказиш йўли билан кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлашиладиган мамлакатда бўлиш қоидалари, меҳнат шароитлари, ижтимоий ва уй-жой-маиший таъминоти, чет эллик иш берувчилар билан меҳнат шартномаларини тузишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида хабардор қилиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахслар билан иш берувчилар ўртасида меҳнат шартномаларини тузишга кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахслардан Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар учун ҳақ ундириш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш учун хусусий бандлик агентликлари захира қилинадиган сумма сарфланган тақдирда маблағларнинг ўрнини тўлдириш, шунингдек лицензия тугатилган ёки бекор қилинган тақдирда маблағларни қайтариш шартлари билан базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз минг беш юз баравари миқдоридаги маблағларни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасида захира қилиб қўяди»;

2) **14-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишга жойлаштириш соҳасидаги ахборот ва маслаҳат хизматларини хусусий бандлик агентликлари ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида кўрсатади. Ишга жойлаштириш соҳасида хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар асосида хусусий бандлик агентликлари ишга жойлаштириш соҳасида тақдим этадиган ахборот ва маслаҳат хизматларининг қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридан ошмаслиги керак»;

3) **15-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Хусусий бандлик агентлиги томонидан хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «labor-migration» ахборот тизимида реал вақт режимида рўйхатдан ўтказилади»;

4) қуйидаги мазмундаги **15¹-модда** билан тўлдирилсин:

«15¹-модда. Хусусий бандлик агентлигининг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича чет эллик иш берувчи ва (ёки) чет эллик шерик билан ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома

Хусусий бандлик агентлиги Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш учун чет эллик иш берувчи ва (ёки) чет эллик шерик билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузади.

Хусусий бандлик агентлигининг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича чет эллик иш берувчи ва (ёки) чет эллик шерик билан ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилади ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш шартларини (касб ёки мутахассислик тури, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори, ажратилган квоталар сони, иш вақтининг давомийлиги, иш жойигача ва иш жойидан транспортда ташиш, ишидан маҳрум бўлган тақдирда ижтимоий ҳимоя қилиш, санитария-гигиена тадбирларини ҳамда тиббиётга оид бошқа тадбирларни ташкил этиш, меҳнат ва дам олишни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги юзага келган тақдирда компенсация олиш тартиби ва бошқа шартлар);

тарафларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини;

шартноманинг муддатларини, уни ўзгартириш ва бекор қилиш тартибини, шунингдек унинг бошқа шартларини.

Хусусий бандлик агентлигининг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича чет эллик иш берувчи ва (ёки) чет эллик шерик билан ҳамкорлиги тўғрисидаги шартноманинг матни хусусий бандлик агентлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Хусусий бандлик агентлигининг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича чет эллик иш берувчи ва (ёки) чет эллик шерик билан ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномани тузмасдан, хусусий бандлик агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш тақиқланади»;

5) **17-модданинг саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилари** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи — ўн биринчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг сўровига кўра ўз фаолияти ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши;

хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «labor-migration» ахборот тизимида реал вақт режимида рўйхатдан ўтказиши;

хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги бажарилган шартномаларга оид архив материалларини шакллантириши ва сақлаши;

хусусий бандлик агентлиги тўғрисидаги, шунингдек унинг филиаллари ва (ёки) ваколатхоналари ҳақидаги маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигини етти иш куни ичида хабардор қилиши шарт»;

6) **20-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Хусусий бандлик агентликлари томонидан қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг текширувларини (молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмасдан) ўтказиш ҳуқуқига эга. Бунда текширувлар Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилиш тартибида ўтказилади. Хусусий бандлик агентликлари фаолиятини текшириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида:

хусусий бандлик агентликларининг ҳудудлари ва биноларига монеликсиз кириш;

текширувга тааллуқли барча зарур ҳужжатлар билан танишиб чиқиш;

хусусий бандлик агентликларининг мансабдор шахсларидан текширув ўтказиш чоғида аниқланган қоидабузарликлар фактлари юзасидан ёзма тушунтиришлар, шунингдек ҳужжатларнинг зарур бўлган, тегишли равишда тасдиқланган кўчирма нусхаларини олиш ҳуқуқига эга»;

7) **23-модда учинчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** «эллик минг АҚШ доллари» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз минг беш юз баравари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 13 август,
ЎРҚ-632-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

370 Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркин- ликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада ку- чайтириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд ишларини юритишнинг барча босқичларида тарафларнинг тортишув тамо-йили қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стан-дартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш ва фуқаролар мурожаатларини ўрганиш натижалари жинойт процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича ме-ханизмлар тўлиқ ишга солинмаганлигидан, шунингдек, қонунчиликда жинойт ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ белгилаш билан боғлиқ бўшлиқлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Мамлакатимизда жинойт ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўёб-га чиқариш, жинойт-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлан-тиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш, жинойт процессида далил-ларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, уларга баҳо бериш тизимини илғор хори-жий тажрибада кенг қўлланиладиган исботлаш стандартларини инobatга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жинойтларни фош этиш бо-расидаги фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, содир этилган ҳар бир жинойт учун жавобгарликнинг муқаррарлигини ҳамда шахс, жамият ва давлатга етказилган зарар тўлиқ қопланишини таъминлаш;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 ав-густда эълон қилинган.

шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш, шунингдек, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш;

жиноят ишларини тергов қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш;

жиноятчиликнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоатгўйлик руҳини шакллантириш механизмининг жорий қилиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг жиноятларни фош этиш фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олишни мазкур жиноят иши юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга ошириш (белгиланган тартибда ҳимоячидан воз кечилган ҳоллар бундан мустасно);

жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддатини у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш;

шахс амалда ушланган ёки уни жиноят устида ушлаш билан боғлиқ тезкор тадбир амалда якунланган ёхуд гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги ҳақидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб у билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказишдан олдин унинг адвокат билан холи учрашиши таъминланиши шартлигини белгилаш;

айбига иқрорлик бўйича келишув институтини жорий қилиш. Бунда, айрим жиноятлар тоифалари бўйича шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган ҳолларда суриштирув ва дастлабки тергов органлари билан ёзма келишув тузилиши ҳамда унга нисбатан суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан кўп бўлмаган миқдори ва (ёки) муддатигача жазо тайинлаш;

жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ва жабрланувчини оғир касаллиги ёки узоқ муддатга чет давлатга чиқиб кетиш зарурати туфайли кечроқ сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, уларнинг кўрсатувларини гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, прокурор ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра суд томонидан тарафларнинг иштиро-

кида олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) тартибини жорий қилиш;

ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқиляётганда ҳимоячининг иштирок этиши шартлигини белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган масалалар юзасидан тегишли қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг жиноят ишларини судда кўришни янада такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

агар суд тергови вақтида судланувчининг унга илгари айблов қўйилмаган жиноятни содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритиш ҳуқуқини иш бўйича барча тарафларга бериш;

агар суд тергови вақтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ушбу шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун асосларни аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритиш ҳуқуқини иш бўйича барча тарафларга бериш;

шахсга эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўриляётганлигидан қатъи назар, ярашув институти доирасига тушадиган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда ярашув институтини қўллаш тартибини жорий қилиш;

судланувчининг жиноят содир этилишига дахли бўлмаганлиги асоси билан оқлов ҳукми чиқарилган ҳолларда жиноятни ҳақиқатда содир этган шахсни аниқлаш ва айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш учун жиноят ишини прокурорга юбориш тартибини ўрнатиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган масалалар юзасидан тегишли қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

4. Қуйидагилар тақиқлансин:

терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан шахсни ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ун-

даш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш. Бунда, тезкор-қидирув тадбирлари натижалари фақат улар қонун талабларига асосан олинган ва шахсда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ёки тезкор тадбирда иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлгандагина суд ҳукмида далил сифатида тан олиниши мумкин;

шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда (экспертиза ёки тафтиш ўтказиш талаб этиладиган ҳоллар бундан мустасно), уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, шунингдек, унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилгунига қадар ундан бирон-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш;

ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш;

суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан мазмунан кўриб чиқиш учун судга юборилган жиноят иши доирасида судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва бошқа суд процесси иштирокчиларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ёки сўроқ қилиш (улар билан боғлиқ бўлган алоҳида иш юритувга ажратилган жиноят иши ёки суднинг ёзма топшириғи мавжуд ҳоллар бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган масалалар юзасидан тегишли қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

терговга қадар текширув ёки терговда ушланган шахсни ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган маҳкумни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек, вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини гувоҳлантириш уларнинг ёки адвокатининг илтимосномасига асосан 24 соат ичида вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналари ёки жазони ижро этиш муассасалари тасарруфида бўлмаган тиббий муассасалар ходимлари томонидан амалга оширилиши шарт, бунда харажатлар илтимоснома киритувчи тараф ҳисобидан қопланади;

оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод этилмаслигига оид қоида вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, олтимиш ёшдан ошган эркаклар ва эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди;

вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳамда пенсия ёшига етган шахсларга нисбатан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга йўл қўйилмайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда жиноят ишининг терговга тегишлилиги институтини янада такомиллаштириш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган ҳолларда жиноят иши бир суриштирув ёки дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказилиши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан амалга оширилиши мумкинлигини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар вазири, Миллий гвардияси қўмондони ва Давлат божхона қўмитаси раисининг алоҳида эътибори жиноят ишларининг терговга тегишлилиги тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларига сўзсиз риоя этилиши учун жиноят ишларини тергов қилиш ваколатига эга бўлган тегишли тузилмалар раҳбарлари шахсан жавобгар ҳисобланишига қаратилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори жиноят ишларини терговга тегишлилигига оид қоидаларга сўзсиз риоя этилишини таъминлаш бўйича тизимли чоралар кўриб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

«Электрон жиноий-ҳукукий статистика» ягона ахборот тизимида яратилган жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни электрон рўйхатга олиш ва уларни кўриб чиқиш натижаларининг ягона электрон ҳисобини юритиш имконини берувчи дастурий модулни барча терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларга уланишини ва 2021 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ ишга туширилишини;

уч ой муддатда жиноятлар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, терговга қадар текширув ҳаракатларини ўтказиш тартибини белгиловчи норматив-ҳукукий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 июнга қадар:

суриштирувчи ва терговчиларни видеотасвирга олиш воситалари билан таъминлаш;

тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларини тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказишда фойдаланиладиган техник воситалар ва ускуналар билан тўлиқ жиҳозлаш ва уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги:

2021 йил 1 январга қадар Тошкент шаҳар прокуратураси тергов бўлинмалари ва Ички ишлар бош бошқармаси тергов бошқармасининг фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибага мувофиқ намунавий тарзда ташкил этсин. Бунда, уларни замонавий криминалистик ускуналар билан жиҳозланган автотранспорт воситалари, процессуал ҳаракатларни аудио ва видеога қайд этиш тизимлари ҳамда стенография юритиш ускуналари билан таъминлашга, шунингдек, хизмат биносида махсус тергов ҳамда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимоячи билан холи учрашиш хоналарининг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилсин;

2021 йил якунига қадар тергов бўлинмаларининг намунавий фаолиятини ташкил этишнинг натижаларини инобатга олган ҳолда бундай тажрибани бошқа барча суриштирув ва дастлабки тергов тузилмаларида жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу Фармоннинг 8 ва 9-бандларида назарда тутилган тадбирлар билан боғлиқ сарф-харажатлар тегишли давлат органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва халқаро ҳамкорлар кўмаги ҳисобидан ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

бир ой муддатда Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тергов соҳасида малакали кадрларни тайёрлашга ихтисослашган олий таълим муассасасини ташкил этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

икки ой муддатда прокуратура органларининг белгиланган штат бирлиги доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокуратуралари тизимида прокурор-криминалист лавозимини жорий этиш;

уч ой муддатда Давлат бюджети параметрларида прокуратура органлари учун ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан прокурор-криминалистларни замонавий махсус жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

11. Ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (Йўлдошев), Давлат хавфсизлик хизмати раиси (Азизов), ички ишлар вазири (Бобожонов), Миллий гвардия қўмондони (Джураев) ва Давлат божхона қўмитаси раиси (Азимов) — республика ва вилоятлар даражасидаги ҳайъат йиғилишларини онлайн тарзда ўтказиб, унда суриштирув ва дастлабки тергов тузилмалари

раҳбарлари ва масъул ходимларига суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича янги қабул қилинган чоралар мазмун-моҳияти етказилиши ва амалиётга тўғри татбиқ этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси (Камилов) — Олий суд Пленумининг навбатдан ташқари йиғилишида қабул қилинган Фармон нормалари судларда тўғри татбиқ этилиши, шунингдек, суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш устидан суд назоратини кучайтириш масалаларини кўриб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори (Ходжаев) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси ва «Дунё» ахборот агентлиги билан биргаликда — оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларини жалб қилган ҳолда ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирларни аҳоли ва экспертлар ҳамжамияти орасида кенг ёритиш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу Фармонда назарда тутилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар чоракда ахборот бериб борсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 10 август,
ПФ-6041-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**371 2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Фарғона вилояти Сўх туманининг мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизациялаш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, саноат салоҳиятини янада ошириш, қишлоқ хўжалиги, сервис ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, шунингдек, коронавирус пандемияси шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш ҳисобига туман аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида:

1. 2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари этиб белгилансин:

замонавий рақобатбардош саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ташкил этиш ва уларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, хизматлар соҳасини ривожлантириш, тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш;

қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, соҳада фойдаланилмаётган ва фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни ўзлаштириш, ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш, чорвачилик, шу жумладан, паррандачилик ва балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш;

йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга, аҳолининг уй-жой маиший шароитларини яхшилашга, соғломлаштириш ва маданий ҳордиқ чиқаришини ташкиллаштиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, туман марказини ободонлаштириш;

таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт соҳаси ва педагог ходимларнинг меҳнатини янада рағбатлантириш, туманда олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш, таълим ва тиббиёт хизматлари сифатини ошириш;

аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Дастурни амалга оширишнинг асосий устувор йўналишларини инобатга олган ҳолда Дастурнинг мақсадли параметрлари ва молиялаштириш манбалари асосида 2020-2021 йилларда Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирларининг манзилли дастурини тасдиқласин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 8 августда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. 2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш бўйича республика ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Республика ишчи гуруҳи) таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Республика ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мутасадди раҳбарлар иштирокида Дастур доирасида амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳанинг ўз муддатида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш;

Дастурга киритилган лойиҳаларнинг бажарилишини мунтазам равишда ҳар ойда бир марта Сўх туманида, ҳар чоракда бир марта республика даражасида муҳокама қилиб бориш ва муаммоли лойиҳалар ечими юзасидан зарур ва тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш;

Дастур доирасида белгиланган лойиҳаларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш, лойиҳаларнинг ўз муддатида ва сифатли бажарилишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни бартараф этиш юзасидан тезкор ва амалий чоралар кўриш;

тумандаги камбағалликка оид реал аҳволни ўрганиш, камбағалликни қисқартириш ва бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш.

5. Фарғона вилоятининг Сўх туманида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиёт тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида:

а) 2020 йилда жисмоний шахслар ер солиғи ва мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилсин;

б) жорий йил 1 августдан бошлаб 2021 йил 31 июлга қадар:

якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи амалдаги қатъий белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгилансин;

алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини олиш учун йиғимни тўлашдан озод қилинсин.

6. Тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит фоиз ставкасининг 10 фоизли пунктдан юқори бўлган қисмини, бироқ Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган миқдорини Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация қилиш тартиби жорий этилсин.

7. Молия вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда Сўх тумани аҳолисига янги уй-жой қуришлари учун ипотека кредитлари ажратилишини таъминласин.

8. Фарғона вилоятининг Сўх тумани ҳокимига Фарғона вилояти ҳокимлиги билан келишган ҳолда 2022 йил 1 январга қадар туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилган лойиҳалар учун, истисно тариқасида, суғориладиган ер майдонларидан ташқари ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш ҳуқуқи берилсин.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фарғона вилояти ҳокимлиги билан биргаликда тумандаги соғлиқни сақлаш муассасаларига юқори малакали мутахассисларни ишга жалб қилсин.

10. Белгилансинки:

Сўх туманида жойлашган тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган шифокорларнинг лавозим маошларига соҳадаги иш стажининг биринчи уч йили учун тариф ставкасига нисбатан 40 фоиз ва ҳар бир кейинги икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 15 фоиз миқдорда, устаманинг энг кўп миқдори 100 фоиз ўрнатилади;

Сўх туманида жойлашган тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган шифокорларнинг лавозим маошларига ойлик қўшимча устамалар, ижтимоий нафақалар ҳамда Сўх тумани маҳаллий бюджетининг солиқлардан берилган имтиёзлари ҳисобига вужудга келган йўқотишлари жорий йилда Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилади.

11. Ташқи ишлар вазирлиги Мудофаа вазирлиги билан биргаликда Қирғизистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланиш масаласини ҳал этсин.

Транспорт вазирлиги Қирғизистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланиш масаласи тўлиқ ҳал этилгандан кейин бир ҳафта муддатда Фарғона шаҳридан Сўх туманига кичик авиация транспорти орқали аҳолига мақбул нархларда қатновлар йўлга қўйилишини таъминласин.

Фарғона вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда Сўх туманида самолёт ва вертолётлар учун учиниш-қўниш майдончаларини ташкил этсин.

Молия вазирлиги Фарғона шаҳридан Сўх туманига кичик авиация транспорти қатнови бўйича кўрилган зарарларни қоплаш учун компенсация тўловларини жорий йилда Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан қопланишини ва келгуси йилларда Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

12. Фарғона вилояти ҳокимлиги:

Сўх тумани аҳолиси учун Фарғона вилоятининг Ёзёвон, Қўштепа, Бағдод, Риштон ва Бувайда туманлари ҳудудида деҳқончилик қилиш учун экин ер майдони ва ипотека кредитлари асосида квартиралар ажратсин;

Фарғона вилояти ҳудудида марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларига, шунингдек, саноат корхоналарида янги ташкил этилаётган иш ўринларига Сўх тумани аҳолисини кенг жалб қилсин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Сўх туманининг иш билан бандлиги таъминланмаган аҳолининг бир қисмини Тошкент шаҳрида йирик объектларда амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларига тизимли равишда жалб қилинишини таъминласин.

13. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси белгиланган тартибда Дастур доирасида қурилиш материаллари ва бошқа саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида ер қаъри участкаларидан фойдаланиш

хуқуқи учун лицензиялар ҳамда ер ости ичимлик сув манбалари бўйича тегишли хулосалар берилишини таъминласин.

14. Энергетика вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда аҳолини электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ, ичимлик суви ва канализация тизими билан таъминлаш бўйича муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, Дастур доирасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари асосида ишлаб чиқариш корхоналарининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига ўз вақтида уланишини ҳамда уларга мавжуд ресурс ва техник имкониятлардан келиб чиқиб, талаб этиладиган табиий газ ва электр энергияси етказиб берилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

15. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги марказлашган манбалар ҳисобига Дастурнинг 2020 йилда амалга ошириладиган лойиҳаларини 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурининг 2020 йил учун тасдиқланган параметрлари доирасида амалга оширсин ва кейинги йиллар учун белгиланган тадбирларнинг асосий кўрсаткичларини аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда, келгуси йиллар Инвестиция дастурини шакллантиришда кўзда тутсин.

16. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига — мазкур қарорнинг ижросини ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш, белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишга масъул вазирлик ва идораларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига — ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун Давлат бюджетидан зарур маблағларни ўз вақтида ажратиш ва бошқа молиявий ресурсларни жалб қилиш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига — туманда инвестиция муҳитини яхшилаш, инвесторлар ҳамда инвестицияларни, айниқса, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда туманнинг экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноев зиммасига — туманда қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш, фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни ўзлаштириш, мева-сабзавотчилик, чорвачилик ҳамда қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига — туманда ижтимоий соҳада кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш, ижтимоий инфратузилма объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 8 август,
ПҚ-4798-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**372 Сирдарё вилоятида қуввати 1 500 МВт бўлган янги
иссиқлик электр станцияси қурилишини ташкил этиш
чора-тадбирлари тўғрисида***

Электр энергетика тармоғига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ҳамда иқтисодиёт тармоқларини ва аҳолини энергия ресурслари билан барқарор ва сифатли таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Хукумати номидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, «The International Company for water and power projects» (Саудия Арабистони) (кейинги ўринларда — Инвестор) ва «Acwa Power Sirdarya» МЧЖ (кейинги ўринларда — Лойиҳа компанияси) ўртасида 2020 йил 6 мартда қиймати 1,2 млрд АҚШ доллари-га тенг бўлган Сирдарё вилоятида қуввати 1 500 МВт бўлган буғ-газ электр станциясини қуриш инвестиция лойиҳасини (кейинги ўринларда — инвестиция лойиҳаси) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига амалга ошириш бўйича Инвестор мажбуриятларини назарда тутувчи инвестиция битими (кейинги ўринларда — Инвестиция битими) имзоланганлиги;

б) Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун Инвестор номидан Ўзбекистон Республикасида иш юритадиган Лойиҳа компанияси таъсис этилганлиги;

в) «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва Лойиҳа компанияси ўртасида 2020 йил 5 мартда Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисида битим (кейинги ўринларда — Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битими) тузилганлиги, унга мувофиқ:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 11 августда эълон қилинган.

Лойиҳа компанияси ишлаб чиқарилган электр энергиясини кафолатланган тарзда «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ тимсолидаги ягона харидорга сотиш мажбуриятини олганлиги;

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим шартларига мувофиқ 25 йил давомида электр энергиясини кафолатланган тарзда харид қилиш мажбуриятини олиш ва электр энергияси учун тўловни миллий валютада амалга ошириши;

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ электр энергиясини олти ой мобайнида сотиб олишни қоплаш учун мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида Лойиҳа компания фойдасига чет эл валютасида тасдиқланган, тикланадиган, қайтариб берилмайдиган ва шартсиз банк кафолати тақдим этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инвестор ва Лойиҳа компанияси ўртасидаги Инвестиция битими тасдиқлансин.

Белгилансинки, Инвестиция битими у имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

3. «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва Лойиҳа компанияси ўртасидаги Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим маъқуллансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва Сирдарё вилояти ҳокимлигига Лойиҳа компанияси ва инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда иштирок этаётган кредиторлар билан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида имзоланган битимлар бўйича мажбуриятлар лойиҳа компанияси томонидан бажарилмаган тақдирда Лойиҳа компанияси ҳуқуқларини кредиторларга бериш юзасидан битимлар тузиш ҳуқуқи берилсин.

5. Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимга мувофиқ «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖга:

Лойиҳа компанияси томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясини олти ой мобайнида сотиб олишни қоплаш учун мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида Лойиҳа компанияси фойдасига Ўзбекистон Республикасининг юқори даражадаги рейтинги бўлган тижорат банкининг тасдиқланган, тикланадиган, қайтариб берилмайдиган ва чет эл валютасида шартсиз банк кафолати тақдим этилсин;

инвестиция лойиҳаси эҳтиёжи учун табиий газ ва техник сув етказиб берувчи сифатида иштирок этишга ҳамда жалб қилинадиган чет эл инвестициялари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларини, истисно тариқасида, чет эл валютасига боғлаган ҳолда белгилашга рухсат берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва «Ўзтрансгаз» АЖ «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ билан Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимда кўзда тутилган ҳажмларга ва параметрларга мувофиқ Лойиҳа компаниясига табиий газ ва техник сув етказиб бериш тўғрисида шартномалар имзоланишини таъминласин.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва «Ўзтрансгаз» АЖнинг айби билан табиий газ ва техник сув етказиб берилмаслиги натижасида «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ томонидан Лойиҳа компаниясига етказилган зарарлар, шу жумладан, барча турдаги жарима ва бой берилган фойда суммаларини тўлаб бериш мажбурияти юзасидан агарда шартномада бошқа шартлар кўрсатилмаган бўлса, табиий газ ва техник сув етказиб берувчилар «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ олдида қонун ҳужжатларига мувофиқ регресс тартибда жавобгар бўлиши белгилаб қўйилсин.

7. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Лойиҳа компаниясига, истисно тариқасида, қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

кредитлаш, чет эл валютасидаги маблағларни олиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан, бошқалардан ташқари чет эл валютасида кредит маблағлари тушумлари) учун чет эллардаги хорижий банкларда банк ҳисобварақлари очиш ҳамда республикада очилган банк ҳисобварақларидан хорижда очилган банк ҳисобварақларига пул маблағларини ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқарисидаги хорижий пудратчилар, етказиб берувчилар ёки хорижий кредиторларга тўловларни Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварақлари орқали ўтказмасдан тўғридан-тўғри амалга ошириш.

8. Сирдарё вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳа компаниясига Инвестиция битими ва Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимда кўрсатилган шартларда қонунчиликда белгиланган тартибда ерни ижарага бериш бўйича шартнома имзоласин ва инвестиция лойиҳасини амалга ошириш муддатига тенг даврга ер участкаси ажратиб берсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Инвестиция битими қоидаларига мувофиқ имзоланган битимлар юзасидан юридик ҳулосалар берсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги лойиҳа ҳужжатлари белгиланган тартибда давлат экология экспертизасидан ўтказилишини ҳамда инвестиция лойиҳасини амалга оширишда табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликка риоя этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Лойиҳа компаниясининг буюртманомаларига асосан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш даврида иштирок этадиган хорижий мутахассисларга, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари расмийлаштирилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Лойиҳа компанияси буюртманомаларига асосан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш даврида иштирок этадиган хорижий мутахассисларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига кўп марталик визалар расмийлаштирилишини, берилишини (муддати узайтирилишини) ҳамда вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтишини ва унинг муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Лойиҳа компанияси буюртманомаларига асосан Ўзбекистон Республикасига хорижий ишчи кучини (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаганлар орасидан) жалб этишга рухсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 10 август,
ПҚ-4799-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

373 Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоратадбирлар тўғрисида*

Сўнгги уч йил мобайнида ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурлари доирасида Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 170,4 км ирригация тизимлари каналлари, 145,2 км лоток тармоқлари, 33 та гидротехник иншоотлар, 734 км коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда бошқа сув хўжалиги объектлари қурилди ва реконструкция қилинди.

Натижада 104 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг сув таъминоти яхшиланди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 15,6 минг гектарга камайди, сизот сувлар сатҳи ер юзасига яқин жойлашган майдонлар 28,6 минг гектарга қисқарди, 85 минг гектардан ортиқ майдоннинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлашга эришилди.

Шунга қарамасдан, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 93,4 минг гектар

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 12 августда эълон қилинган.

суғориладиган ерларнинг сув таъминоти паст даражада қолмоқда, 109 минг гектар суғориладиган майдонлар ўртача ва кучли шўрланган.

«Сардоба» сув омбори тўғонидан сув тошиши оқибатида Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларидаги аксарият сув хўжалиги объектлари, шунингдек, «Марказий Мирзачўл» коллектори ва унга қуюлувчи коллекторлар жиддий талафот кўрди.

Жиззах ва Сирдарё вилоятларида суғориладиган ер майдонларини сув билан ишончли таъминлаш, сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг жорий қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда илмфан янгиликларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш ва илғор ўқитиш услубларини қўллаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2020 — 2023 йилларда Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини таъмирлаш бўйича манзилли рўйхатлар 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ;

2020 — 2023 йилларда Жиззах ва Сирдарё вилоятларида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ирригация тизимларини таъмирлаш ва тиклаш ишларининг прогноз кўрсаткичлари 3 ва 4-иловаларга* мувофиқ;

2020 — 2023 йилларда Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув истеъмолчилари уюшмалари, кластерлар ҳамда фермер хўжаликларининг ўз маблағлари ҳисобидан суғориш тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишларининг прогноз кўрсаткичлари 5 ва 6-иловаларга* мувофиқ;

2020 — 2023 йилларда Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилишнинг прогноз кўрсаткичлари 7 ва 8-иловаларга* мувофиқ;

Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги сув хўжалиги объектларини бошқариш, сувни ҳисобга олиш ва мониторинг юритишда рақамли технологияларни жорий қилиш прогноз кўрсаткичлари 9 ва 10-иловаларга* мувофиқ;

Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги суғориш ва дренаж қудуқлари ҳамда мелиоратив объектларда сувни назорат қилиш бўйича рақамли технологияларни жорий қилишнинг прогноз кўрсаткичлари 11 ва 12-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Сув хўжалиги вазири, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳамда туманлар ҳокимларига мазкур қарорда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

2. Мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларидаги лойиҳалар, шунингдек, 3 ва 4-иловаларида белгиланган прогноз кўрсаткичлари доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар:

ҳар бир лойиҳанинг натижадорлиги ва мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб, тегишли лойиҳа ҳужжатлари асосида амалга оширилади;

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг олти минг бараваридан

* 1 — 12-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ортиқ бўлган ҳар бир лойиҳанинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ва туманлар ҳокимликлари, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, сув истеъмолчилари уюшмалари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар иштирокида ҳамда мустақил экспертларни жалб этган ҳолда муҳокама этилади ва уларнинг ижобий хулосаси асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги:

мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларига кўра 2020 йилда амалга ошириладиган лойиҳаларни 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурининг 2020 йил учун тасдиқланган параметрлари доирасида ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширсин, келгуси йиллар учун асосий кўрсаткичларни аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда Инвестиция дастурини шакллантириш жараёнида инобатга олсин;

Давлат бюджетининг 2020 йил параметрлари доирасида мазкур қарорнинг 7 — 12-иловаларидаги 2020 йил учун белгиланган чора-тадбирларни амалга оширсин, 2021 — 2023 йиллар учун белгиланган тадбирларни келгуси йиллар Давлат бюджети кўрсаткичларида ўрнатилган тартибда назарда тутсин.

4. Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари:

мазкур қарорнинг 3 ва 4-иловаларида белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши учун талаб этиладиган маблағларни маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратиб борсин;

мазкур қарорнинг 5 ва 6-иловаларида белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилишида сув истеъмолчилари уюшмалари, кластерлар ҳамда фермер хўжаликларига кўмаклашсин.

5. Сув хўжалиги вазирлиги, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари:

мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ тасдиқланган манзилли рўйхатлар, шунингдек, 3 ва 4-иловаларига мувофиқ тасдиқланган прогноз кўрсаткичлари доирасида объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқирилишини, бош пудрат ташкилотларининг тендер (танлов) савдолари асосида аниқланишини ҳамда қурилиш ишларининг амалга оширилишини ташкил қилсин ва қатъий назоратга олсин;

объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда, тендер танловларини ўтказиш жараёнларида шаффофликни таъминлаш ҳисобига объектларнинг қийматини мақбуллаштириш чораларини кўрсин;

лойиҳаларни амалга ошириш доирасида зарур асбоб-ускуна, хом ашё, бутловчи буюмлар ҳамда қурилиш материалларининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилилишини таъминласин (мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар учун);

энергия тежамкор технологияларни қўллаш ҳамда объектларни қуриш

ва реконструкция қилиш ишларига маҳаллий пудрат ташкилотларини кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноевга тасдиқланган ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш ишлари лойиҳаларининг манзилли рўйхатларига зарур ҳолларда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. 2021 йилдан бошлаб ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш бўйича устувор лойиҳаларни танлаш ва амалга оширишнинг шундай тартиби ўрнатилсинки, унга кўра:

устувор лойиҳалар бўйича таклифлар сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, геология, ер тузиш ва лойиҳа ташкилотлари мутахассислари ҳамда мустақил экспертлар, шунингдек, манфаатдор фермер ва кластерлар иштирокида жойида ҳар бир ҳудуднинг сув таъминоти, ерларнинг мелиоратив ҳолати ва бошқа ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳамда муаммолар таҳлилини қилган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда шакллантирилади;

устувор лойиҳалар бўйича таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашларида муҳокама қилинади ва маъқуллангандан сўнг белгиланган тартибда амалга оширилади;

ҳар бир лойиҳанинг амалга оширилиши ҳолати тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан назорат қилиб борилади.

8. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларида назарда тутилган ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг 3 фоизигача бўлган қисми тузиладиган шартномалар асосида ушбу лойиҳаларни илмий-техник жиҳатдан таъминлаш учун йўналтирилади.

Мазкур лойиҳаларга бириктирилган илмий ходимлар тегишли олий таълим муассасаларининг докторант, магистрант ҳамда иқтидорли талабаларини жалб қилган ҳолда:

лойиҳаларни амалга оширишнинг энг муқобил йўлини танлаш ва техник топшириқларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

объектларнинг лойиҳаолди бирламчи ҳужжатларини тайёрлашда иштирок этади;

бош лойиҳа ташкилоти томонидан тақдим қилинган лойиҳа-қидирув ишлари, материаллар ва ҳисоб-китобларни ҳамда қабул қилинаётган технологик ечимларни илмий-техник жиҳатдан асосланганлигини, замонавий қурилиш материаллари, ресурс тежамкор технологиялар ва техниканинг қўлланилишини таҳлил қилади, тегишли хулосалар ва таклифлар тайёрлайди;

қурилиш ишларининг тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ ва сифатли бажарилишини илмий-техник жиҳатдан таъминлаб боради;

қурилиши яқунланган объектларни белгиланган тартибда фойдаланишга топширишда иштирок этади ва буюртмачига ўзининг хулосасини беради.

9. Ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини илмий-техник жиҳатдан таъминлаш бўйича Ишчи гуруҳ таркиби (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳи) 13-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳига (Ў.П. Умурзаков) мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларида назарда тутилган ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини илмий-техник жиҳатдан таъминлаш юклатилсин. Бунда, Ишчи гуруҳининг вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларида келтирилган илмий ходимлар томонидан лойиҳаларни илмий-техник жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳар бир лойиҳанинг ўзига хослиги ва хусусиятидан келиб чиқиб, ресурс тежамкор ва ахборот технологиялари қўлланилиши бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

бириктирилган илмий ходимларнинг таклифларини умумлаштирган ҳолда сув хўжалиги соҳасига илм-фан ютуқларини, сувни тежовчи технологиялар ва илғор тажрибаларни, сув хўжалиги ва сувдан фойдаланиш тизимини бошқаришнинг инновацион усулларини жорий қилиш бўйича илмий ва услубий тавсиялар ишлаб чиқишни ташкил қилиш;

илмий-техника ютуқларини чоп этиш ҳамда оммавий-ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш, семинарлар, республика ва халқаро миқёсдаги анжуманлар ташкил қилиш;

сув хўжалиги лойиҳаларини илмий-техник жиҳатдан таъминлаш бўйича Жиззах ва Сирдарё вилоятлари тажрибасини бошқа турдош олий таълим муассасаларини жалб этган ҳолда республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

10. 2020/2021 ўқув йилида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида (кейинги ўринларда — Институт) таҳсил олаётган талабаларнинг ёзги малакавий-ишлаб чиқариш амалиёти эксперимент тарикасида Жиззах ва Сирдарё вилоятларида қуйидаги тартибда ташкил қилинсин:

а) талабаларнинг ёзги малакавий-ишлаб чиқариш амалиёти Сув хўжалиги вазирлиги томонидан Институт билан келишилган ҳолда тасдиқланган жадвал ва дастур асосида ихтисослашган кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида мазкур қарорнинг 1 — 4-иловаларида назарда тутилган объектларда, шунингдек, буюртмачи, пудратчи ва сув хўжалиги эксплуатация ташкилотларида ўтказилади;

б) малакавий-ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилишда:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда талабаларни ҳудудларга олиб боради, жойлаштиради ва зарур шароитларни яратади;

* 13-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лойиҳаларнинг буюртмачиси, бош пудратчи ва сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари талабаларни қурилиш ва сув хўжалиги объектларига даврий равишда олиб чиқади, уларга лойиҳа-смета ва қурилиш назорати хужжатларидан фойдаланишга ҳамда замонавий қурилиш ва сувни оқилона бошқариш услублари, техникаси ва технологияларини чуқур ўрганишлари учун амалий шароит яратади.

11. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти талабаларининг 2020/2021 ўқув йилида ёзги малакавий-ишлаб чиқариш амалиётини ўташ даврида Жиззах ва Сирдарё вилоятларида амалга ошириладиган ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш лойиҳаларида иштирокини таъминлаш жадвали 14-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Сув хўжалиги вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Дўстлик Сув хўжалиги ва мелиорация коллежи ҳамда Гулистон давлат университети ҳузуридаги Оқолтин саноат техникумида Институт талабаларининг ёзги малакавий-ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноев:

а) лойиҳаларни илмий-техник жиҳатдан таъминлаш бўйича:

мазкур қарорнинг 8-бандида назарда тутилган лойиҳаларни илмий-техник жиҳатдан таъминлашга маблағларни йўналтириб борсин;

хар чоракда Ишчи гуруҳининг таклиф ва тавсиялари асосида сув хўжалиги ташкилотларининг таълим ва илмий муассасалар билан ўзаро интеграциясини кучайтириш, илм-фан ютуқларини ва инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ қилиш чораларини кўриб борсин;

б) Институт талабаларининг ёзги малакавий-ишлаб чиқариш амалиётини мазкур қарорнинг 5-бандида назарда тутилган объектларнинг қийматини мақбуллаштиришдан бўшайдиган маблағлар ҳамда 8-бандида назарда тутилган лойиҳаларни илмий-техник жиҳатдан таъминлаш учун йўналтириладиган маблағлар доирасида ташкиллаштирсин.

13. Сув хўжалиги вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 апрелга қадар сув хўжалиги объектларини рақамли технологиялар асосида мониторинг қилиш бўйича дастурий таъминот ишлаб чиқирилишини ва амалиётга татбиқ этилишини таъминласин.

14. Сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари ҳамда Ишчи гуруҳи билан биргаликда соҳа олим ва мутахассисларини жалб қилган ҳолда икки ой муддатда «Марказий Мирзаҷўл» коллектори ва унга қуюлувчи коллекторлар тизимининг техник ҳолатини жойида ўрганиб, уларни тиклаш юзасидан комплекс чора-тад-

* 14-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Инновацион ривожланиш вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги таълифига асосан соҳанинг мавжуд муаммоларини ва реал эҳтиёжларини ҳамда ҳудудий муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш бўйича белгиланган тартибда танловлар ўтказсин.

16. Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари:

Пахтакор ҳамда Ховос туманларида илғор агрокластерларни жалб қилган ҳолда замонавий рақамли технологиялар асосида намунали автоматлаштирилган суғориш участкаларини ташкил қилиш чораларини кўрсин. Бунда Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси намунали участкаларни ташкил қилишда ҳар томонлама услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин;

3 кун муддатда мазкур қарорни самарали ижро этишга доир масалаларни халқ депутатлари вилоятлар ҳамда туман (шаҳар)лар Кенгашларида муҳокама қилсин ва тегишли қарор қабул қилсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

Ушбу қарор натижадорлиги тўғрисида 2021 йил 1 январь ва 1 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 11 август,
ПҚ-4801-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**374 Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази-
ни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Буюк мутафаккир аждодимиз, мотуридийлик таълимоти асосчиси имом Абу Мансур Мотуридий ва унинг издошлари меросини чуқур ўрганиш, уларнинг ақида ва калом илми ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу умуминсоний ғоялар руҳида тарбиялаш, уларда маънавий ва маърифий қарашларимизга ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита (кейинги ўринларда — Дин ишлари бўйича қўмита), Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида давлат муассасаси шаклидаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Марказнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ақида ва калом илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган Имом Мотуридий ва унинг издошлари бўлган алломаларнинг улкан илмий, диний-маънавий меросини чуқур ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, халқ ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилиш, ушбу мавзуларга доир илмий тадқиқотларни тизимли ташкил этиш;

ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, маърифий-маданий роли ва ривожланиш йўналишларини илмий асосда ўрганиш ва кенг афкор оммага, жумладан, халқаро жамоатчиликка етказиш;

Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий каби алломаларнинг калом илми ривожига қўшган ҳиссаси ва унинг тараққиётида тутган ўрнини чуқур тадқиқ этиш, ёш авлодни миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, тинчлик-тотувлик каби ислом динининг асл қадриятлари руҳида тарбиялаш;

мамлакатда ҳамда хорижий давлатларнинг кутубхоналари ва архив фондларида сақланаётган буюк алломаларнинг калом илмига оид мероси ҳамда ислом дунёси учун муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган қўлёзма, тошбосма асарларнинг асл ҳамда электрон нусхаларини тўплаш ва келажак авлодга етказиш учун тизимли илмий тадқиқотларни ташкил этиш;

исломий илмлар, хусусан, калом илми тарихи ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини илмий тадқиқ этиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кучай-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 12 августда эълон қилинган.

тириш мақсадида илмий-назарий ва услубий масалаларга бағишланган анжуман, конференция, симпозиум, кўргазма, илмий маъруза, семинар-тренинг ва танловлар ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;

тадқиқот натижалари юзасидан қомуслар, каталоглар, альбомлар, илмий-оммабоп ҳужжатли фильмлар, ахборот-ресурс базасини тайёрлаш ва оммавий ахборот воситалари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида эълон қилишни ташкил қилиш;

ислом тарихи ва калом илми йўналишидаги янги тадқиқотлар натижаларидан илмий жамоатчиликни кенг хабардор этиш;

«жаҳолатга қарши маърифат» ғояси асосида ислом динининг илм-маърифат, маънавий поклик, тинчлик-осойишталик, тараққиёт ва бунёдкорликка қақирувчи ғояларини халққа, айниқса, ёшларга етказиш, мутаассиблик, экстремизмнинг мақсадлари, ғоявий негизлари, замонавий кўринишлари ва фаолият услубларини ўрганиш ҳамда уларга қарши курашишнинг илмий-маърифий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш учун тавсия этиш.

3. Қуйидагилар:

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича васийлик кенгашининг таркиби 1-иловага* мувофиқ;

2020 — 2024 йилларда Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини ўрганишни қўллаб-қувватлаш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ директори Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича васийлик кенгаши Марказ фаолиятини мувофиқлаштиради, унга юкланган вазифаларни амалга оширишда қўмаклашади ҳамда фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди.

5. Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг тузилмаси ва уставини тасдиқласин;

Марказ учун зарур моддий-техник база ва инфратузилмани барпо этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин;

Марказга юқори малакали мутахассисларни жалб этиш бўйича ташкилий ишларни амалга оширсин.

7. Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Дин ишлари бўйича қўмита-

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг хорижий тадқиқотчи ва изланувчилар учун Имом Мотуридий номидаги халқаро стипендияни таъсис этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

халқаро стипендияга номзодлар Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти билан боғлиқ изланишларни амалга оширувчи хорижий тадқиқотчи ва изланувчилар орасидан саралаб олинади;

халқаро стипендия совриндорларининг Ўзбекистондаги илмий изланишлари халқаро ва хорижий ташкилотларнинг грантлари ҳисобига молиялаштирилади.

8. Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректорига:

хорижлик малакали мутахассисларни илмий тадқиқотчи сифатида жалб этиб, уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаш;

Марказ илмий тадқиқотчилари ва мутахассисларининг хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида малака ошириши ва стажировка ўташи қиймати ҳамда шу билан боғлиқ харажатлар учун тўловларни амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

9. Ўзбекистон халқаро ислом академияси Марказ ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом олами ташкилотига (ICESCO) аъзо мамлакатлар ва бошқа давлатларнинг махсус муассасалари, университетлари ўртасида самарали халқаро ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантириш бўйича аниқ чораларни кўриб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги икки ой муддатда:

Марказда ноёб қўлёзма асарларни ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси белгиланган тартибда шакллантирилишини;

илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида бажариладиган мақсадли илмий лойиҳаларга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Марказга маблағлар ажратилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати-ни ривожлантириш агентлиги қошидаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси мунтазам равишда Марказнинг асослантирилган таклифлари асосида илмий ходим ва тадқиқотчиларнинг хорижда амалиёт ўташи ва стажировкасини ташкил этиш ҳамда хорижлик илмий ходим ва тадқиқотчиларни Марказга жалб қилиш чораларини кўриб борсин.

12. Марказ илмий ходимлари ва мутахассисларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сон Фармонининг 11-банди амал қилиниши татбиқ этилсин.

13. Дин ишлари бўйича қўмита икки ой муддатда қонун ҳужжатлари-

га ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.С. Қосимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 11 август,
ПҚ-4802-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**375 Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқ-
аро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Ўзбекистон Рес-
публикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойи-
ҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, соҳага замонавий бозор механизмларини жорий этиш, ушбу йўналишда бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг кластер модели жорий этилди, натижада охириги йилларда пахта экин майдонларининг 125 минг гектари ёки 12 фоизда кооперациялар, 908 минг гектари ёки 88 фоизда кластерлар фаолият юритмоқда.

Қишлоқ хўжалигида қулай агробизнес муҳитини ва юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини тубдан ислох қилиш, уларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, соҳага жаҳон тажрибаси асосида қишлоқ хўжалигида билим, инновациялар ва агрохизматлар тизимини кенг жорий этиш, шунингдек, соҳада хизмат тур-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 12 августда эълон қилинган.

ларини такомиллаштириш, кооперация муносабатларини ривожлантириш-ни қўллаб-қувватлаш ва Жаҳон банки билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) 2020 йил 20 мартда Жаҳон банкининг Директорлар кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасига «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳасини (кейинги ўринларда — Лойиҳа) молиялаштириш учун 30 йил муддатга:

10 йиллик имтиёзли давр билан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан 181 млн АҚШ доллари миқдорида қарз ажратилиши;

10 йиллик имтиёзли давр билан Халқаро тараққиёт уюшмасининг 100 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредити ажратилиши;

5 йиллик имтиёзли давр билан Халқаро тараққиёт уюшмасининг 219 млн АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредити ажратилиши маъқулланганлиги;

б) Лойиҳанинг умумий қиймати 659,3 млн АҚШ долларига тенг эканлиги, улардан Ўзбекистон Республикасининг улуши — 159,3 млн АҚШ долларини, шу жумладан:

солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш, инвестиция даврида молиявий харажатларни тўлаш шаклидаги улуш — 124,3 млн АҚШ долларини;

Лойиҳа иштирокчиларининг (бенефициарлар) улуши эса 35 млн АҚШ доллари эквивалентини ташкил этиши;

в) Лойиҳани амалга ошириш даври 6 йилни (2020 — 2026 йиллар) ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Лойиҳа доирасида молиялаштиришнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган самарали тизимини яратиш;

қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг ишончли ва шаффоф усулларини жорий этиш;

озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда «Даладан истеъмолгача» тамойили асосида сифат назоратини кучайтириш, агрологистика, йўл ва бошқа зарур инфратузилмани яратиш;

экспортни рағбатлантириш, халқаро бозорларда рақобатбардош, экспортбop юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини диверсификациялаш, соҳада давлат иштирокини камайтириш, кооперация тизимини ривожлантириш ҳамда соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш;

ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланиш;

соҳага бошқарувнинг замонавий тизимларини жорий этиш, хизмат кўрсатиш сервисини такомиллаштириш.

3. Қуйидагилар:

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳасининг техник-иқтисодий асоси ҳамда унинг асосий кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ;

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси бўйича Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси маблағларидан фойдаланиш схемаси 2-иловага* мувофиқ;

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2а-иловага* мувофиқ;

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки қарздан фойдаланиш ва уни қайтариш, комиссия ва фоиз тўловларини амалга ошириш жадвали 3-иловага* мувофиқ;

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида Халқаро тараққиёт уюшмаси кредитдан фойдаланиш ва уни қайтариш, комиссия ва фоиз тўловларини амалга ошириш жадвали 3а-иловага* мувофиқ;

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида Халқаро тараққиёт уюшмаси имтиёзли кредитдан фойдаланиш ва уни қайтариш, комиссия ва фоиз тўловларини амалга ошириш жадвали 3б-иловага* мувофиқ;

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида 2021 — 2025 йилларда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт ҳажмларининг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида амалга оширилади;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Лойиҳанинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини ҳамда натижадорлигини таъминлайди;

Жаҳон банкidan олинган маблағлар Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда тижорат банкларига берилган ресурсларнинг қайтиши ҳисобидан қайтарилади;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги Лойиҳани ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш, уни бошқариш, Лойиҳани амалга ошириш даврида мониторинг ва ҳисоботни юритиш учун масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

кредит линиясини бошқариш, Жаҳон банкининг маблағлари ўз вақтида ўзлаштирилиши ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, шунингдек,

* 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сублойиҳаларни амалга ошириш бўйича мониторинг ва ҳисоботни юритиш функциялари Лойиҳада иштирок этувчи Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларига юклатилади.

5. «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳи) таркиби 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳи (Барноев, Ходжаев)га қўйидаги вазифалар юклатилсин:

Лойиҳанинг ўз вақтида, тўлиқ ва самарали ижросини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш;

Лойиҳа доирасида қилинадиган харажатларнинг мақбул ечимларини ва тижорат банклари томонидан молиялаштириладиган лойиҳаларни асослиги, натижадорлиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги асосида танлаб олиш;

Лойиҳа доирасида ажратилиб, иқтисод қилинган маблағларни молиялаштиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Жаҳон банки билан келишилган ҳолда ўрнатилган тартибда қайта тақсимлаш;

зарур ҳолларда, қарор иловаларига қўшимча ва ўзгартиришлар кири-тиш. Бунда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бошқармаси Ишчи гуруҳининг ишчи органи ҳисобланади.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки, қонунчиликка мувофиқ халқаро молиявий институтларнинг қарзлари ва ҳукумат ташкилотларининг халқаро қарзлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида:

агарда ушбу лойиҳалар халқаро ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари томонидан 2020 йил 1 июлга қадар маъқулланган бўлса, юридик шахслар томонидан сотиб олинadиган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланмага қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинмайди;

ушбу қарз маблағлари ҳисобидан юридик шахслар томонидан божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар божхона божи тўлашдан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган юридик шахслар фойда солиғи тўлашдан 2021 йил 1 июлгача бўлган муддатга озод этилган;

ушбу имтиёзлар натижасида иқтисод қилинган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Лойиҳани амалга оширишдаги улуши деб ҳисобланади.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳа доирасида бериладиган қарзни молиялашнинг муддатлари ва шартлари (валюта хатарини ҳисобга олган ҳолда), сублойиҳаларни танлаш ва уларни баҳолаш мезонларини белгилаган ҳолда, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг қарзидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни (кейинги ўринларда — Низом) ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси номидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоқов) ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ва

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Халқаро тараққиёт уюшмаси ўртасида «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳасини молиялаштириш тўғрисидаги қарз битими имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси номидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Лойиҳада иштирок этувчи Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари, бошқа вазирлик ва идоралар билан Жаҳон банки томонидан ажратиладиган маблағларни қайта кредитлаш битимларини имзолаш, шунингдек, зарур ҳолларда, ушбу битимларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин. Бунда, қайта кредитлаш битимларининг шартлари Низомга асосан белгилансин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги Лойиҳа асосида Инвестиция дастурларига белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

Лойиҳа доирасидаги тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш, натижадорлигини таъминлаш, жалб этилаётган маблағларни ўзлаштириш жараёнида ошкораликни таъминлаш ҳамда коррупциянинг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўрилишини;

Лойиҳа доирасида мева-сабзавотчилик кооперацияларига ер майдонларини белгиланган тартибда, шу жумладан, ҳудудларда барпо қилинадиган йирик агрологистика комплекслари учун белгиланган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари учун компенсация ундирмасдан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилишини;

ажратилган ер участкаларидаги ердан фойдаланувчилар компенсациялари (фермер хўжаликлари томонидан кўрилган зарарлар, кесилган дарахтлар, фуқароларни кўчириш ва фуқароларга кўрсатилган барча зарарлар) ва агрологистика комплексларини муҳандислик, йўл ҳамда транспорт инфратузилмаларига уланишини таъминлаш ва бошқа харажатлар маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланишини таъминласин.

11. Ташқи ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртманомалари бўйича Лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи чет эллик мутахассисларга кириш визалари консуллик ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимларни ундирмаган ҳолда расмийлаштирилишини таъминласин.

12. Ички ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртманомалари бўйича Лойиҳа доирасида жалб этиладиган чет эллик мутахассисларга кўп марталик визаларни расмийлаштириш, бериш ва муддатини узайтиришни, шунингдек, вақтинчалик яшаш жойига рўйхатга олиш ва муддатини узайтиришни давлат божи ундирмасдан таъминласин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига Лойиҳа доирасида-

ги тадбирларни самарали амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, шунингдек, Жаҳон банки ҳамда миллий қонунчилик талабларига мувофиқ зарур ҳисоботлар ва ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланиши ҳамда тақдим этилишини таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

14. Ҳисоб палатаси Лойиҳа доирасидаги маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

15. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги:

Лойиҳа доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши жараёнида очиқлик, ошкоралик ҳамда шаффофликни таъминлаш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқсин ва жорий қилсин;

Лойиҳани амалга оширишда очиқлик, ошкоралик ҳамда шаффофликни таъминлаш устидан доимий назорат ўрнатсин.

16. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Ишчи гуруҳи (Барноев, Ходжаев):

бир ҳафта муддатда ўзининг биринчи мажлисини ўтказиб, Лойиҳа доирасидаги масъул ижрочиларнинг аниқ вазифаларини белгилаб берсин;

икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари таклифлари асосида ишлаб чиқилган Лойиҳа доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳудудлар кесимида «Йўл харита»ларини тасдиқласин;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев):

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), Молия вазирлиги (Эргашев), Марказий банк (Холхўжаев) билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳани амалга ошириш учун масъул бўлган вазирлик ва идора ходимлари учун хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда икки ҳафталик семинар ташкил қилсин;

Лойиҳани амалга ошириш доирасида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тадбиркорлик субъектларини жалб этиш чораларини кўрсин;

Молия вазирлиги (Эргашев) билан биргаликда молиялаштирилган сублоийҳалар тўғрисида, шунингдек, уларнинг сифатли амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб борсин;

в) Бош вазир ўринбосари С. Умурзоқов қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт ҳажмларини ошириш мақсадида Лойиҳа доирасида экспортёр корхоналарни жалб қилиш чораларини кўрсин;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан бир ой муддатда Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан ташаббускорлар иштирокида тақдимотлар ўтказилсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида-

ги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (Ходжаев) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания ва «Дунё» ахборот агентлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида, тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда қарорда белгиланган чора-тадбирларни аҳоли орасида кенг ёритиш чораларини кўрсин.

17. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

Ушбу қарор натижадорлиги тўғрисида 2020 йил 1 декабрда ва 2021 йилнинг ҳар чораги якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 11 август,
ПҚ-4803-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

376 Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Мамлакатимизда меҳнат бозорининг самарали механизмларини жорий қилиш, аҳолининг ишчанлик фаоллигини ошириш, камбағал ва ишсиз фуқароларни замонавий касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, шу асосда уларни доимий даромад келтирадиган меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш орқали бандлигини таъминлаш мақсадида:

1. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 12 августда эълон қилинган.

2021 йил 1 январга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда «Ишга марҳамат» мономарказларини 1-иловага* мувофиқ;

бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги касб-хунарга ўқитиш марказларини 2-иловага* мувофиқ;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент шаҳри туманларида қисқа муддатли касб-хунарга ўқитиш курсларини 3-иловага* мувофиқ;

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканларини 4-иловага* мувофиқ ташкил этсин.

2. Вазирлик доимий равишда нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларини жалб қилиб, аҳолини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар, тадбиркорлик асослари ва хорижий тилларга ўқитишни ташкил этсин. Бунда, хусусий сектор имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадида:

а) нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларини ташкил этаётган хусусий инвесторларга қуйидагилар давлат ёрдами сифатида кўрсатилади:

нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларини ташкил этиш учун Вазирликнинг «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказларининг, касб-хунарга ўқитиш муассасаларининг бинолари ёки уларнинг бир қисми ҳамда маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига кўра бошқа бўш турган бинолар ёки уларнинг бир қисми оператив бошқарувга ёки узоқ муддатли имтиёзли ижарага берилади;

ўқув дастури ва ўқитувчиларни мустақил танлаш ҳуқуқи берилади;

касб-хунарга ўқитиш марказлари бинолари бир қисми берилган тақдирда мазкур марказларнинг ўқув жиҳозлари ва анжомлари имтиёзли равишда фойдаланишга топширилади;

нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларида Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан ўқитиш учун давлат буюртмасининг кафолатланган энг кам даражасини белгилаш;

б) нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасалари олинаётган давлат ёрдами эвазига қуйидагиларни таъминлайди:

касб-хунарга ўқитиш ва кўникмаларни баҳолаш сифатининг ташқи ва миллий меҳнат бозори талабларига мослигини;

ишсиз, камбағал фуқароларни касб-хунарга ўқитиш харажатларини Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан тўланаётган давлат буюртмасининг миқдоридан оширмасликни;

касбий кўникмалари баҳоланаётган фуқаролар тўғрисида маълумотларни Вазирликнинг Тасдиқланган малакага эга шахслар Миллий реестрига қўшиш учун тақдим этишни;

в) нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларида таълим олган ҳамда WorldSkills ва бошқа халқаро стандартлар даражасида касбий малака сер-

* 1 — 4-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тификатини (Skills паспорти) олган битирувчиларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидаги имтиёзлар берилади:

касб-хунарга ўқиш ва малака имтиҳонини топшириш харажатларини қоплаш;

тадбиркорликка жалб этиш ва ўзини ўзи банд қилганлик учун рағбатлантириш субсидияларини ажратиш;

ўз бизнесини бошлаши учун имтиёзли кредит ажратишга йўлланма бериш.

3. Қуйидагилар:

Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўргатиш ва уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш бўйича республика ишчи гуруҳи таркиби 5-иловага* мувофиқ;

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишчи кучининг рақобатбардошлигини ошириш дастури 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 1 ва 2-бандларига мувофиқ ўқитиш харажатлари қуйидаги манбалар ҳисобидан қопланади:

меҳнат органлари йўлланмаси билан юборилган ишсиз фуқароларни ўқитиш билан боғлиқ харажатлар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари;

бошқа фуқаролар учун — фуқароларнинг ўз маблағлари ёки ўз ишчиларини касбий малакасини ошириш учун (касбий ўқитиш, қайта ўқитишга) юборган иш берувчилар ёки янги ишчиларни касбга тайёрлаш учун буюртма берган ташкилотлар маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Молия вазирлиги бир ой муддатда ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ «Ишга марҳамат» мономарказларини ва 2-иловага мувофиқ касб-хунарга ўқитиш марказларини сақлаш, қайта таъмирлаш, асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълим усталарининг иш ҳақларини тўлаш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 2020 йил учун ажратиладиган маблағларга қўшимча равишда 150 миллиард сўм маблағ ажратсин.

6. Вазирлик 2021 йил 1 январдан бошлаб «Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари битирувчиларининг касбий малакасини WorldSkills стандартлари асосида баҳолаш, шунингдек, баҳолашдан муваффақиятли ўтган битирувчиларга мамлакатимизда ва хорижий давлатларда тан олинадиган Skills паспорти берилишини йўлга қўйсин ва касбий малакаси тасдиқланган битирувчиларнинг Ягона реестрини шакллантирсин.

«Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари томонидан битирувчиларга берилган ўқишни тамомлаганликни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда Skills паспорти ўрта махсус, касб-хунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилиб, эгаллаган билимларни меҳнат фаолиятида амалга ошириш ҳуқуқини беради, бироқ, таълимнинг кейинги турини давом эттириш учун асос ҳисобланмаслиги белгилансин.

* 5-6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Белгилансинки, «Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари:

фаолият йўналишлари Вазирлик томонидан белгиланади, уларнинг фаолияти билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан, моддий-техник таъминлаш ва сақлаб туриш харажатлари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари, хўжалик фаолияти натижасида тушган маблағлар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

таркибий тузилмаси, штатлар жадвали, раҳбар, ўқитувчи ва бошқа барча ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори Вазирлик томонидан тасдиқланади;

ўқув-методик фаолияти Вазирлик ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган тартибда мувофиқлаштирилади;

ўқув жараёнида ишлаб чиқарилган ярим тайёр, тайёр маҳсулотларни (товар, иш, хизматларни) ушбу марказлар ҳудудида жойлашган кўرғазмали павильонлар ва ярмаркалар ҳамда электрон тижорат орқали намойиш қилиши ва сотиши (тушган тушумларни ўқув жараёни учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлари ва хом ашё материалларини харид қилиш, ходимлар маалакасини ошириш ва уларни рағбатлантириш учун сарфлашга йўналтириш шарти билан) мумкин.

8. Вазирлик Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар Вазирлар Маҳкамасининг қўйидагиларни назарда тутувчи қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар бир ҳудудда камида биттадан «Энг яхши касбга тайёрлаш дастури» бўйича нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасалари ўртасида очиқ танлов ўтказиш;

танлов ғолиби сифатида таълим фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган, ҳудудларнинг асосан қишлоқ ва чекка жойлари, чегара ҳудудларини қамраб олган ҳолда ишсиз ва банд бўлмаган аҳоли, айниқса, камбағал фуқаролар, ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунарга, чет тиллари ёки тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни зиммасига олган, ўқув дастури ва қўлланмаларига эга, ўқиш жараёнида ахборот-коммуникация воситаларидан ва инновацион ўқитиш услубларидан кенг фойдаланадиган нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасасини аниқлаш.

9. Молия вазирлиги бир ой муддатда «Энг яхши касбга тайёрлаш дастури» танлови ғолибларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 2020 йил учун ажратиладиган маблағларга қўшимча равишда 50 миллиард сўм маблағ ажратсин.

Вазирлик танлов ғолиби аниқлангандан кейин уч кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига танлов ғолиблари тўғрисидаги маълумотни тақдим этсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари танлов ғолибларини, зарур ҳолларда, ўн беш кун муддатда ижара тўловлари бевосита танлов ғолиби томонидан тўланиши шарти билан уларни мақбул шарт-шароитларга эга бинолар билан таъминлаш чораларини кўриб борсин.

10. Вазирлик Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2020 йилда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида тажриба тариқасида:

ногиронлиги бўлган шахслар учун иш ўринлари яратаётган тадбиркорлик субъектларига Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали ҳар бир яратилаётган иш ўрни учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача, бироқ жами ҳар бир тадбиркорлик субъекти учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараваридан ошмаган миқдорда 3 йил муддатга, бир йиллик имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида, яратилган иш ўрнида ногиронлиги бўлган шахсларнинг камида бир йил ишлаши шарти билан микрокредитлар ажратиш тартиби жорий этилишини;

ишга лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон реестрини шакллантириш ва реестрга киритилган шахсларни бўш иш ўринларига жойлаштиришга кўмаклашишни;

тадбиркорлик субъектларига иш ўринлари ва шароитларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратилишини;

Вазирлик тизимидаги касб-хунарга ўқитиш марказларида ижтимоий ҳимояга муҳтож, айниқса, кам таъминланган ва меҳнат мигрантлари оилаларининг аъзолари, ногиронлиги бўлган шахсларни бепул ўқитиш курсларининг ташкил этилишини таъминласин.

Вазирлик Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 февралга қадар ушбу бандда белгиланган тажриба доирасида амалга оширилган ишлар мониторингини олиб борсин ҳамда тажрибанинг ижобий яқунлари бўйича уни кейинчалик доимий асосда жорий этиш юзасидан асослантирилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Солиқ ва Божхона кодексларига асосан Корея Республикаси Ҳукуматининг грантлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар, шу жумладан, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш марказларини ташкил этиш учун четдан олиб келинадиган товарлар, шу жумладан, автотранспорт воситалари, ишлар (хизматлар) божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

12. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги

«Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5812-сон Фармонида мувофиқ касб-хунарга коллежларидаги хорижий грант ва кредитлар ҳисобига сотиб олинган жихоз ва ускуналардан ушбу касбга ўқитиш марказларида ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш мақсадларида фойдаланиш;

ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини, шунингдек, ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан хорижий мамлакатларда ишлаш учун кетаётган ва «labor-migration» дастурий мажмуасида рўйхатга олинган фуқароларни тадбиркорлик кўникмалари, хорижий тиллар ва касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун кетишдан олдин давлат ёки нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларига, ишлаб чиқаришнинг ўзида ўқитиш учун ташкилот ҳамда «уста-шогирд» мактабларига Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар бир таълим олувчи учун бир ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда грантлар ажратиш;

худудий меҳнат органлари томонидан рўйхатга олинган ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш, касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни давлат ёки нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларида, бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида ўқитиш учун ташкилот ҳамда «уста-шогирд» мактаблари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш асосида амалга оширишни назарда тутовчи таклифларга розилик берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти бошлиғи Вазирлик ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда:

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари кўпчиликлари ташкил этган Россия Федерациясининг Москва, Санкт-Петербург, Қозон, Екатеринбург, Новосибирск шаҳарларида ва бошқа ҳудудларида давлат ҳамда нодавлат таълим муассасалари ва марказлари билан музокаралар олиб бориб, мазкур ҳудудларда меҳнат фаолиятини олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини касб-хунарга ва рус тилига, айниқса, кечки пайт (иш вақтидан кейин) ўқитишни ташкил этиш, шу жумладан, ўқитиш учун жой, ўқув қўлланмаси ва ўқув қўроллари билан таъминлаш бўйича ўзаро келишувларга эришиш чораларини кўрсин;

икки ой муддатда Россия халқлар дўстлиги университети (РУДН), «Молодые профессионалы (WorldSkills Russia)» иттифоқи ҳамда бошқа таълим ва касбий малакани баҳолаш муассасалари билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Россия Федерациясида касб-хунарга ва рус тилига ўқитилишини ташкил этишда ҳамкорлик ўрнатиш чораларини кўрсин;

бир ой муддатда хорижда меҳнат фаолиятини олиб бораётган Ўзбекис-

тон Республикаси фуқароларини ҳуқуқий, ижтимоий ва маданий-гуманитар қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнат фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Россия Федерациясида касб-хунарга ва рус тилига ўқитиш харажатлари Вазирлик ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

14. Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўргатиш ва уларнинг бандлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этиш мақсадида мазкур қарор қуйидаги тартибда ижро этилсин:

а) Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўргатиш ва уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш бўйича республика ишчи гуруҳи раҳбари Ж.А. Қўчқоров мазкур қарорга мувофиқ давлат ва нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларининг самарали фаолият юритишини ҳамда сифатли ва халқаро стандартларга жавоб берадиган касб-хунарга ўқитиш тизими жорий этилишини ташкиллаштирсин, шунингдек, ушбу мақсадда ажратилаётган маблағларнинг манзилли сарфланишини таъминласин;

б) бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б. Хусанов:

ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини меҳнат бозорининг жорий ҳамда истиқболдаги эҳтиёжлари асосида қисқа муддатларда замонавий касбий кўникмаларга ўқитишнинг самарали дастурларини ишлаб чиқсин;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хунарга тайёрлашда ва уларнинг бандлигини таъминлашда хусусий сектор вакиллари билан узвий ҳамкорлик қилсин ва уларни моддий қўллаб-қувватласин, шу жумладан, грантлар ажратиб борсин;

Адлия вазирлиги, оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини ижрочиларга, ташкилотларга, фуқаролик жамияти институтларига ва аҳоли эътиборига етказиш мақсадида чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин;

мазкур қарорга асосан ажратилаётган маблағлар бўйича уларнинг сарфланиш йўналишлари, самарадорлик натижалари юзасидан маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича жамоатчиликка эълон қилсин ва ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштириб борсин;

ушбу қарорнинг ижроси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ўқитиш жараёнларига юқори малакали ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълим усталари жалб этилишини таъминласин, зарур ҳолларда, уларнинг малакасини WorldSkills ва бошқа халқаро стандартларга асосан ошириб борсин;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бир ой муддатда ҳар бир туман ва шаҳар кесимида камбағал ва ишсиз фуқароларни, айниқса, моддий ёрдам ва қўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатларига («темир дафтар») киритилган оилаларни касб-хунарга ўргатиш ва уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш бўйича ҳудудий дастурларни тасдиқласин ва ижросини Вазирлик билан биргаликда таъминласин;

г) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти бошлиғи давлат ва нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларининг хорижда ишлаш нияти бўлган битирувчиларини ишга жойлаштиришга қўмаклашсин ҳамда мазкур муассасаларнинг хорижий давлатлардаги салоҳиятли иш берувчилар билан узвий ҳамкорлигини ўрнатсин;

д) Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиги мазкур қарорга мувофиқ амалга оширилаётган харажатлар самарадорлиги ҳамда қонунийлигини ўрнатилган тартибда текшириб борсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 7-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

16. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 11 август,
ПҚ-4804-сон

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**377 Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда кимё ва биология фанларини ривожлантириш, ушбу йўналишларда таълим сифати ва илм-фан натижадорлигини ошириш «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили» Давлат дастурининг устувор вазифалари қаторида белгиланган.

Зеро, ўғил-қизларимизни кимё ва биология фанлари бўйича чуқур ўқитиш ҳудудларда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, юқори қўшилган қиймат яратадиган фармацевтика, нефть, газ, кимё, тоғ-кон, озик-овқат саноати тармоқларини жадал ривожлантиришга туртки беради ҳамда пировардида халқимиз турмуш шароити ва даромадларини оширишга пухта замин хозирлайди.

Шу билан бирга, умумтаълим мактабларидаги кимё ва биология фанларини ўқитиш сифати бугунги давр талабларига жавоб бермаслигини, ўқитиш методологияси ва лабораториялар маънан эскирганлигини, ўқитувчиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш механизмлари жорий қилинмаганлигини алоҳида қайд этиш зарур.

Шунингдек, ўрта махсус, профессионал, олий таълим, илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда соҳадаги ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида кадрлар тайёрлаш ва илм-фан натижаларидан фойдаланиш борасида узвий боғлиқлик, самарали мулоқот ва ҳамкорлик йўлга қўйилмаган.

Кимё ва биология фанлари бўйича таълим сифатини тубдан ошириш, умумтаълим мактабларида ушбу фанларни ўқитишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, таълим муассасаларини замонавий лабораториялар, дарсликлар ва бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, ушбу йўналишларга малакали ўқитувчи-мураббийларни жалб этиш, кадрлар тайёрлаш ва илм-фан натижаларидан фойдаланишда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида ўзаро яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида:

1. Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик), Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, кимё, фармацевтика, нефть ва газ саноати корхоналари, кимё ва биология фанлари бўйича узоқ йиллик тажрибага эга устоз-мураббийлар, ўқитувчи ва илмий ходимларнинг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

республиканинг ҳар бир ҳудудида босқичма-босқич кимё ва биология фанларига ихтисослаштирилган 14 та таянч ихтисослаштирилган мактаб-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 августда эълон қилинган.

лар (кейинги ўринларда — таянч ихтисослаштирилган мактаблар)ни ташкил этиш, бунда Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернатини ушбу мактаблар мақомига мослаштириш;

республика туман (шаҳар)ларида босқичма-босқич кимё ва биология фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган 150 та мактаблар (кейинги ўринларда — ихтисослаштирилган мактаблар)ни ташкил этиш;

таянч ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган мактабларда кимё ва биология фанларини самарали ўқитишни мувофиқлаштириш учун уларга олий таълим муассасаларининг 55 та кафедраларини бириктириш;

ишлаб чиқариш тармоқлари учун ўрта бўғин кадрлар тайёрлаш тизимини самарали йўлга қўйиш юзасидан кимё ва биология йўналишларига тегишли мутахассисликлар бўйича ўрта бўғин кадрларини тайёрлайдиган 47 та профессионал таълим муассасаларига ишлаб чиқариш корхоналарини бириктириш;

олий таълим муассасаларида кимё ва биология йўналишларида самарали ўқув жараёнини ташкил этиш, фанларни ривожлантириш учун уларнинг 74 та кафедраларига 11 та Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари ҳамда ишлаб чиқариш тармоқларини бириктириш.

2. Ташкил этиладиган таянч ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган мактабларга олий таълим муассасаларининг кафедралари, илмий-тадқиқот муассасалари ва ишлаб чиқариш тармоқларини бириктириш рўйхати 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Таянч ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган мактабларнинг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича комиссия (Б.А. Мусаев) 2-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва унга 2020 йил 1 декабрга қадар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда умумтаълим мактабларининг салоҳияти, ўқувчиларнинг кимё ва биология фанларига бўлган қизиқиши ва ота-оналарнинг талабларини ўрганган ҳолда, улар негизида таянч ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини йўлга қўйиш;

таянч ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича манзилли дастурни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун кириш вазифаси юклансин.

3. Қўйидагилар:

Кимё ва биология йўналишларига тегишли мутахассисликлар бўйича ўрта бўғин кадрларини тайёрлайдиган профессионал таълим муассасаларига ишлаб чиқариш тармоқларини бириктириш рўйхати 3-иловага* мувофиқ;

Олий таълим муассасалари кафедраларига Фанлар академияси илмий-

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш тармоқларини бириктириш рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

2020 — 2025 йилларда кимё ва биология йўналишида узлуксиз таълим сифатини ҳамда амалга оширилаётган илмий-тадқиқотлар ва инновация ишлари натижадорлигини ошириш бўйича мақсадли дастур (кейинги ўринларда — Мақсадли дастур) 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

олий таълим муассасалари кафедралари — бириктирилган таянч ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган мактабларда ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, профессор-ўқитувчиларни ва иқтидорли талабаларни таълим жараёнига жалб этиш, маҳорат дарслари, тўғарақлар ва ёзги мактаблар ташкил этиш;

хўжалик бирлашмалари, ишлаб чиқариш корхоналари ва кластерлар — бириктирилган кимё ва биология йўналишларига тегишли мутахассисликлар бўйича ўрта бўғин кадрларини тайёрлайдиган профессионал таълим муассасаларида ўқувчиларнинг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш, «устоз-шогирд» анъаналарини ривожлантириш ва ўқувчиларга касбий таълим беришга қўмаклашиш;

Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари ҳамда хўжалик бирлашмалари, ишлаб чиқариш корхоналари ва кластерлар — бириктирилган олий таълим муассасаларида кимё ва биология йўналишларида самарали ўқув жараёнини таъминлаш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига эришиш, соҳа етук мутахассислари раҳбарлигида дипломолди амалиётларни ўташ, талаба ва профессор-ўқитувчиларни лабораториялардан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишиш учун шароит яратиш, магистрлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишда амалий раҳбарликни амалга ошириш, илмий иш натижаларини амалиётга татбиқ этишга қўмаклашиш ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш борасида ҳамкорлиги йўлга қўйилади.

Бунда, бириктирилаётган ташкилотлар таянч ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган мактаблар, олий ва профессионал таълим, илмий-тадқиқот муассасаларини дарсликлар, лаборатория жиҳозлари ва ускуналар билан таъминлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш ва стажировка ўташини ташкил этиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, хорижий мутахассисларни жалб этиш, ўқувчиларни халқаро нуфузли олимпиадаларда қатнашиш ва бошқа харажатларини қоплашда яқиндан қўмаклашади.

Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бириктирилаётган хўжалик бирлашмаларининг кузатув кенгашларида бириктирилган таянч ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган мактаблар, олий ва профессионал таълим, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини янада ривожлантиришга қўмаклашиш масалалари кўриб чиқилишини таъминласин.

* 4-5-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига бириктирилаётган хўжалик бирлашмалари томонидан ажратиладиган маблағларнинг миқдорларига ҳудуддаги таянч ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда йиллар кесимида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Кимё ва биология фанларига ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини қўшимча молиялаштириш, уларни жиҳозлаш, ўқитувчиларга устама ҳақ тўлаш ҳамда кимё ва биология фанларини ўқитиш бўйича бошқа тадбирларни молиялаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган махсус жамғармалар ташкил этилсин.

Қуйидагилар махсус жамғармаларнинг маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Давлат бюджети маблағлари;

ҳар бир ҳудуд учун камида 1 миллиард сўм (жами 14 миллиард сўм) миқдоридаги маҳаллий бюджет маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қўшимча манбалари ва бюджетдан ташқари маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Халқ таълими вазирлиги:

а) 2020/2021 ўқув йилида умумий ўрта таълим муассасаларида кимё ва биология фанларига қизиқиши бўлган ўқувчилар учун тажриба-синов сифатида жорий этилаётган табиий фанлар йўналишидаги вариатив (ўзгарувчан) ўқув режаларини босқичма-босқич ўқув жараёнида фойдаланишни йўлга қўйсин, шунингдек, ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида табиий фанлар ўқув дастурларида амалий машғулотларнинг улушини кўпайтириш чораларини кўрсин;

б) Агентлик, Молия вазирлиги ва манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ихтисослаштирилган мактабларнинг кимё ва биология фанлари ўқитувчиларининг билими ва педагогик маҳоратини баҳолаш ва саралаб олинган номзодларнинг малакасини ошириш режасини тасдиқласин.

Белгилансинки, ўтказилган баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб ихтисослаштирилган мактабларга ва ихтисослаштирилган таянч мактабларга қабул қилинган кимё ва биология фанлари ўқитувчилари ҳамда раҳбар кадрлари (директор ва ихтисослашган фан бўйича директор ўринбосари)нинг базавий тариф ставкасига нисбатан амалда белгиланган устама ҳақи миқдори 2021 йил 1 январдан бошлаб 50 фоизгача оширилсин.

Агентлик, Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган таянч мактабларга қабул қилинган кимё ва биология фанлари ўқитувчилари ҳамда раҳбар кадрлари (директор ва ихтисослаштирилган

фан бўйича директор ўринбосари)нинг базавий тариф ставкасига нисбатан устама ҳақ тўлаш тартибини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин.

7. Давлат тест маркази Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси ва «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда 2021 йил 1 февралга қадар Кимё ва биология фанларидан билимларни баҳолаш бўйича миллий сертификатлаш тизимини (кейинги ўринларда — Миллий сертификатлаш тизими) жорий қилсин.

Миллий сертификатлаш тизими доирасида қуйидагилар белгилансин:

кимё ёки биология фанларини билиш даражасини аниқлаш ва бу тўғрисида миллий малака сертификатларини (кейинги ўринларда — миллий сертификат) бериш белгиланган тартибда Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади;

кимё ёки биология фанларини билиш даражасини аниқлаш табақалаштирилган ҳолда амалга оширилади;

имтиёз бериладиган даражадаги миллий сертификатга эга умумтаълим мактаб, академик лицей ва касб-хунар мактаби ўқувчилари давлат олий таълим муассасасига ўқишга киришда кимё ёки биология фанидан тест синови топширишдан озод этилади ҳамда унга тегишлилигига кўра кимё ёки биология фани учун белгиланган максимал балл берилади.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги 2020 йил 1 декабрга қадар кимё ва биология фанлари ўқитувчиларини тайёрлаш дастурларини хорижий университетлар тажрибаси асосида таҳлил қилиб, такомиллаштириш чораларини кўрсин ва уларда, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутсин:

ўқув жараёнида замонавий педагогик технологияларни жорий этиш;

хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини амалга ошириш, стажировкаларни ташкил этиш ва хорижий мутахассисларни жалб этиш;

ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг илғор мезонларини жорий этиш.

9. Инновацион ривожланиш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда 2021 йилдан бошлаб илғор хорижий тажриба асосида таълим муассасалари учун кимё ва биология фанларидан ўқув ва илмий адабиётларни яратиш бўйича миллий танлов ташкил қилсин.

Белгилансинки, миллий танлов натижаси бўйича ғолиб деб топилган муаллифлар Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 миллион сўмдан бир марталик мукофот пуллари билан тақдирланадилар.

10. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академиясининг 2021 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир мартаба олий таълим муассасалари талабалари орасида кимё ва биология фанлари бўйича Абу Райхон Беруний номидаги халқаро фан олимпиадаларини (кейинги ўринларда — халқаро олимпиадалар) ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, халқаро олимпиадалар ғолибларини бир марталик му-

кофотлаш ҳамда тегишли мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасалари магистратурасига давлат гранти асосида имтиҳонсиз ўқишга қабул қилиш тизими жорий этилади.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

олий таълим муассасаларининг кимё ва биология таълим йўналишлари талабалари ўртасида ўтказиладиган республика фан олимпиадаси ғолиблари ҳамда кимё ва биология фанлари бўйича нуфузли халқаро олимпиадалар совриндорларини магистратурага тегишли мутахассисликлар бўйича ўқишга ажратилган квота доирасида давлат грантлари асосида имтиҳонсиз қабул қилиш;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб кимё ва биология йўналишларида кадрлар тайёрлаётган барча олий таълим муассасалари умумтаълим мактаблари битирувчи синфлари ўқувчилари ўртасида кўп босқичли (туман (шаҳар) — вилоят — олий таълим муассасаси) кимё ва биология фани бўйича ўзининг олимпиадасини ўтказиш ва 1 — 3 ўринларни эгаллаган ўқувчиларни олий таълим муассасасининг маблағлари ҳисобидан имтиҳонсиз ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

12. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги 2021 йилдан бошлаб кимё ва биология фанлари бўйича халқаро ва республика олимпиадалари ғолибларини тайёрлаган профессор-ўқитувчиларга бир маротаба ойлик маошининг 100 фоизи миқдорида, кимё ва биология фанлари бўйича талабалар учун тўғарақлар олиб бораётган профессор-ўқитувчиларга ўқув йили давомида олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик маошларига 25 фоиз миқдорида устама ҳақ белгилаш тартибини жорий этсин.

13. Белгилансинки:

олий таълим муассасаларининг кимё ва биология таълим йўналишлари бўйича имтиёзли дипломга эга бўлган битирувчилари мазкур олий таълим муассасаларининг магистратура мутахассислигига қўшимча имтиҳонларсиз тўлов-контракт асосида қабул қилинади;

олий таълим муассасаларининг кимё ва биология мутахассислигини аъло баҳолар билан тамомлаган магистрларни таянч докторантурага олий таълим муассасаларининг кенгаши қарори асосида имтиҳонларсиз тўғридан-тўғри квота доирасида қабул қилиш тартиби жорий қилинади.

14. Кимё ва биология соҳасидаги илмий ташкилотларнинг тармоқ корхоналари билан ҳамкорлигини таъминлаш манзилли дастури (кейинги ўринларда — Манзилли дастур) 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар:

Илмий ташкилотларга бириктирилган тармоқ корхоналари — Манзилли дастурга киритилган ҳар бир илмий ташкилот томонидан амалга ошириладиган тадбирлар учун кўзда тутилган маблағларни ўз муддатларида ва тўлиқ ажратилишини;

Фанлар академияси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан бирга-

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ликда — Манзилли дастур доирасида илмий ташкилотларнинг ишланмаларини тармоқ корхоналарининг талабларига мувофиқ, белгиланган тартибда тақдим этилишини ҳамда ҳар чорақда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар Вазирлар Маҳкамасига амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида таҳлилий маълумот киритиб борилишини таъминласин.

15. Кимё ва биология йўналишларидаги илмий ташкилотларнинг истиқболли илмий ишланмаларини тижоратлаштиришни ташкил этиш дастури (кейинги ўринларда — Тижоратлаштириш дастури) 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қўйидагилар:

Илмий ишланмаларни тижоратлаштиришга масъул хўжалик бошқаруви органлари — Тижоратлаштириш дастурига киритилган ҳар бир ишланмани чуқур ўрганиб чиқиб, келгусида алоҳида ишлаб чиқилган бизнес-режа ва харажатлар сметасига асосан молиялаштирилишини ва шу асосда маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилишини;

Инновацион ривожланиш вазирлиги, илмий ишланмаларни тижоратлаштиришни ташкил этишга масъул вазирлик ва идоралар — Тижоратлаштириш дастурида белгиланган тадбирларнинг ўз муддатида сифатли бажарилишини мувофиқлаштиришни таъминласин.

16. Белгилаб қўйилсинки, Тижоратлаштириш дастурига киритилган ишланмаларни молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

илмий ишланмаларни тижоратлаштиришга масъул хўжалик бошқаруви органлари ва корхоналарнинг маблағлари;

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармаси маблағлари;

ёшларнинг инновацион, амалий ва истиқболли стартап лойиҳалари учун Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган грант маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

17. Инновацион ривожланиш вазирлиги:

Фанлар академиясининг олим ва мутахассисларини мунтазам равишда фан йўналишлари бўйича тегишли илмий-техник кенгашлар таркибига ва соҳага оид эксперт гуруҳларига жалб этиш;

илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида яқунланган амалий ва инновацион лойиҳалар натижаларини иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг эҳтиёжларига мувофиқ тижоратлаштиришда қўмаклашиш чораларини кўрсин.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Фанлар академияси ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ рўйхатда белгиланган мувофиқлаштирувчи илмий ташкилотларнинг таклифлари асосида кимё ва биология йўналишидаги илмий-техник муаммолар ечимига йўналтирилган илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурларни

* 7-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ишлаб чиқиб, 2021 йилдан бошлаб ҳар йили 10 январга қадар тасдиқлаш учун Фан ва технологиялар бўйича республика кенгашига киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3953-сон қарори билан тасдиқланган Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати қуйидаги мазмундаги банд билан тўлдирилсин:

«38. Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари лойиҳаларини бажаришда иштирок этувчи бюджет ташкилотлари томонидан тадқиқотлар ўтказиш мақсадида реактивлар ва реагентлар харид қилиш».

20. Молия вазирлиги ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни 2021 йилда тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида ажратсин, 2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

21. Белгилаб қўйилсинки:

Мақсадли дастурда белгиланган топшириқларни сифатли ва ўз вақтида бажарилишини мувофиқлаштириш ҳамда тизимли равишда мониторинг қилиш масъул вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари томонидан амалга оширилади ҳамда ҳар чоракда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасига қадар Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган таҳлилий маълумотлар тақдим этиб борилиши таъминланади.

Бунда:

Халқ таълими вазирлиги, Агентлик — умумий ўрта таълим муассасаларида кимё ва биология фанларини ўқитиш сифатини ошириш, ҳудудларда ушбу фанларга ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини ривожлантириш ҳамда янги таянч ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган мактабларни ташкил этиш;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тегишли олий таълим муассасалари ректорлари — ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида, фаолият юритаётган ва янги ташкил этиладиган кимё ва биология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларига ўқув-услубий ёрдам кўрсатилишини ва уларда кимё ва биология фанларини самарали ўқитишни мувофиқлаштириш;

Фанлар академияси, тегишли илмий ташкилотлар раҳбарлари — кимё ва биология йўналишларига ихтисослашган факультетлар, кафедралар ва лабораторияларда самарали ўқув жараёнини таъминлашга илмий-услубий ёрдам кўрсатиш;

Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, тегишли илмий ва олий таълим муассасалари раҳбарлари — ишлаб чиқариш тармоқлари мавжуд муаммоларининг илмий ечимига қаратилган илмий ҳажмдор маҳсулотлар яратилишини, мазкур тузилмаларнинг илмий-кадрлар салоҳиятини оширишга қўмаклашиш юзасидан мунтазам равишда тегишли ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин.

22. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ушбу қарор натижадорлиги тўғрисида 2021 йил 1 январь ва 1 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 12 август,
ПҚ-4805-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

378 Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида*

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасига мувофиқ:

1. 2016 йил 28 октябрда Минск шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг Ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилишида имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг меҳнат, миграция ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича Маслаҳат кенгашини ташкил этиш тўғрисида 1992 йил 13 ноябрдаги Битимга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги Баённомага қўшилисин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мазкур халқаро шартномани амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига мазкур халқаро шартномани амалга оширишда қўмаклашсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Рес-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 12 августда эълон қилинган.

публикасининг мазкур халқаро шартномага қўшилиши ҳамда уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган ҳақидаги тегишли билдириш-номани депозитарийга юборсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга кирганидан кейин унинг қоидалари амалга оширилиши устидан ўрнатилган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 12 август,
ПҚ-4806-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**379 Тошкент вилоятида қуввати 240 МВт бўлган иссиқ-
лик электр станцияси қурилишини ташкил этиш
чора-тадбирлари тўғрисида***

Электр энергетика тармоғига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ҳамда иқтисодиёт тармоқларини ва аҳолини энергия ресурслари билан барқарор ва сифатли таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Хукумати номидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва «AKSA ENERJI URETIM A.S.» (Туркия Республикаси) (кейинги ўринларда — Инвестор) ўртасида Тошкент вилоятида қуввати 240 МВт бўлган буғ-газ электр станциясини қуриш инвестиция лойиҳасини (кейинги ўринларда — инвестиция лойиҳаси) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга ошириш бўйича инвестор мажбуриятларини назарда тутувчи инвестиция битими (кейинги ўринларда — Инвестиция битими) тузилганлиги;

б) «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва Инвестор ўртасида

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 14 августда эълон қилинган.

Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим (кейинги ўринларда — Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим) тузилганлиги, унга мувофиқ:

Инвестор ишлаб чиқарилган электр энергиясини кафолатланган тарзда ягона харидор — «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖга сотиш мажбуриятини олганлиги;

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим шартларига мувофиқ 25 йил давомида электр энергиясини кафолатланган тарзда харид қилиш мажбуриятини олганлиги ва электр энергияси учун тўловни миллий валютада амалга ошириши;

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ электр энергиясини уч ой мобайнида сотиб олишни қоплаш учун мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида Инвестор фойдасига чет эл валютасида тасдиқланган, тикланадиган, қайтариб берилмайдиган ва шартсиз банк кафолатини тақдим этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Инвестор ўртасида тузилган Инвестиция битими тасдиқлансин.

Белгилансинки, Инвестиция битими мазкур қарор имзоланган кундан эътиборан кучга кирази.

3. «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва Инвестор ўртасида тузилган Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим маъқуллансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва Тошкент вилояти ҳокимлигига Инвестор ва инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда иштирок этаётган кредиторлар билан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида имзоланган битимлар бўйича мажбуриятлар Инвестор томонидан бажарилмаган тақдирда, Инвестор ҳуқуқларини кредиторларга бериш юзасидан битимлар тузиш ҳуқуқи берилсин.

5. Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимга мувофиқ «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖга:

Инвестор томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясини уч ой мобайнида сотиб олишни қоплаш учун мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида Инвестор фойдасига Ўзбекистон Республикасининг рейтинги юқори даражада бўлган тижорат банкининг чет эл валютасида тасдиқланган, тикланадиган, қайтариб берилмайдиган ва шартсиз банк кафолати тақдим этилсин;

инвестиция лойиҳаси эҳтиёжи учун табиий газ ва техник сув етказиб берувчи сифатида иштирок этишга ҳамда жалб қилинадиган чет эл инвестициялари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларини, истисно тариқасида, чет эл валютасига боғлаган ҳолда белгилашга рухсат берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва «Ўзтрансгаз» АЖ «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ билан Электр энергия-

сини сотиб олиш тўғрисидаги битимда назарда тутилган ҳажмларга ва параметрларга мувофиқ Инвесторга табиий газ ва техник сув етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар имзоланишини таъминласин.

7. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Инвесторга чет эллардаги хорижий банкларда банк ҳисобварақлари очиш ҳамда республикада тўланиши лозим бўлган барча солиқлар ва мажбурий тўловлар амалга оширилгандан кейин республикада очилган банк ҳисобварақларидан чет элларда очилган банк ҳисобварақларига пул маблағларини ўтказишга рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Инвесторга Инвестиция битими ва Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимда кўрсатилган шартларда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш муддатига ер участкасини белгиланган тартибда ажратсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Инвестиция битими қоидаларига мувофиқ имзоланган битимлар юзасидан юридик ҳулосалар берсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги лойиҳа ҳужжатлари белгиланган тартибда давлат экология экспертизасидан ўтказилишини ҳамда инвестиция лойиҳасини амалга оширишда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонунчиликка риоя этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида қурилиш-монтаж ишлари сифати устидан белгиланган тартибда архитектура-қурилиш назоратини амалга оширсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши, шунингдек, томонларнинг Инвестиция битими ва Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим доирасидаги мажбуриятларни бажариши устидан доимий назорат ўрнатсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Инвесторнинг буюртманомаларига асосан инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этадиган хорижий мутахассисларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига кириш визалари расмийлаштирилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Инвестор буюртманомаларига асосан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш даврида иштирок этадиган хорижий мутахассисларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига кўп марталик визалар расмийлаштирилишини, берилишини (муддати узайтирилишини) ҳамда вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатга олинишини ва унинг муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Инвестор буюртманомаларига асосан Ўзбекистон Республикасига хорижий ишчи кучини (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаганлар орасидан) жалб этишга рухсатномалар берилишини (муддати узайтирили-

шини), шунингдек, хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 13 август,
ПҚ-4807-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ****380 Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий
рўйхатга олишни ташкил этиш ва юритиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3272*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги 119-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олишни ташкил этиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**Б. КУРБАНОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 6 июнь,
390-сон

Ўзбекистон Республикаси
мудофаа вазирининг 2020 йил 6 июндаги
390-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга
олишни ташкил этиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги 119-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларини (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) ҳарбий рўйхатга олишни ташкил этиш ва уни юритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг захираси ва резервида турувчи фуқаролар — «ҳарбий хизматга мажбурлар» деб, ҳарбий хизматга чақириладиган ва туман (шаҳар) чақирув участкаларида қайд этилган фуқаролар — «чақирилувчилар» деб аталади.

2. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга олиш давлатдаги мавжуд ва ҳарбий хизматга яроқли чақирилувчилар ресурсларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилишнинг умумдавлат тизими ҳисобланади.

Ҳарбий рўйхатга олиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мудофаа ишлари бўлимлари, идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотлар, шу жумладан, таълим муассасалари (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳарбий хизматга мажбурлар ҳамда чақирилувчиларнинг яшаш, ишлаш ва ўқиш жойлари бўйича юритилади.

3. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги 119-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ҳамда мазкур Йўриқномага мувофиқ ташкил этилади ва юритилади.

4. Ҳарбий хизматга мажбурлар ўз навбатида резервдаги ва захирадаги ҳарбий хизматга мажбурлар таркибига бўлинади.

Резервдаги ҳарбий хизматга мажбурлар таркибига муддатли ҳарбий хизматни, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни, контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган ва хизматни ўташ даврида ҳарбий ҳисобдаги ихтисосликни эгаллаган, шунингдек, олий таълим муассасаларининг ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмаларида (ҳарбий таълим факультетлари, ҳарбий тайёргарлик ўқув марказлари, ҳарбий кафедралар, цикллар ва курсларни) офицерлар тайёрлаш дастури асосида таълимнинг тўлиқ курсини тугатган фуқаролар киради.

Захирадаги ҳарбий хизматга мажбурлар таркибига муддатли ҳарбий хизматга чақирилишдан (саломатлигига кўра ҳарбий рўйхатдан чиқарилганлардан ташқари) ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматдан озод этилганлар, ҳарбий хизматни ўтамаган офицерлар, ҳарбий ҳисобдаги ихтисослиги бўлган аёллар, шунингдек, муқобил хизматни ўтаган фуқаролар киради.

5. Туман (шаҳар) чақирув участкаларида қайд этилган фуқаролар қайд

этилган кундан бошлаб, муддатли ҳарбий хизматга чақирилгунга ёки белгиланган тартибда захирага ўтказилгунга қадар чақирилувчилар ҳарбий рўйхатида туради.

Чақирилувчиларнинг ҳарбий рўйхатда туришининг белгиланган ёши йигирма етти ёш ҳисобланади.

**2-боб. Ташкилот ва муассасаларда ҳарбий хизматга
мажбурлар ва чақирилувчилар, сафарбарлик чақируви
резерви хизмачилари ҳамда муқобил хизмат хизматчиларини
рўйхатга олишни ташкил этиш**

6. Ташкилотларда ишчилар, хизматчилар ва ўқувчилардан иборат ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни рўйхатга олиш ишлари мазкур Йўриқноманинг 1-илоvasида* кўрсатилган шахсий варақа (Т-2 намунавий шакл) (бундан буён матнда шахсий варақа деб юритилади) бўйича олиб борилади.

7. Ташкилотларда ишлайдиган ва ўқийдиган ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар шахсий варақаларининг II бўлими қуйидаги ҳарбий ҳисоб ҳужжатларига асосан тўлдирилади:

ҳарбий хизматга мажбурлар учун — ҳарбий гувоҳнома, захирадаги офицер гувоҳномаси;

муқобил хизмат хизматчилари учун — муқобил хизмат хизматчисининг гувоҳномаси;

сафарбарлик чақируви резерви хизматчилари учун — ҳарбий гувоҳнома ёки мудофаа ишлари бўлими томонидан берилган сафарбарлик чақируви резервида хизматни ўтаётганлик тўғрисидаги маълумотнома;

чақирилувчилар учун — чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.

8. Резервдаги ва захирадаги оддий аскар, матрос, сержантлар шахсий варақаларининг II бўлими қуйидаги тартибда тўлдирилади:

а) «Ҳисоб гуруҳи» сатрида «А» ёки «БК», «ДХХ», «ИИВ», «ДХХ ЧҚ» (ҳарбий гувоҳноманинг 21-банди) кўрсатилади;

б) «Ҳисоб тоифаси» сатрида — резерв ёки захира деб (ҳарбий гувоҳноманинг 20-банди) кўрсатилади;

в) «Таркиби» сатрида — оддий аскар, матрос, сержантлар (ҳарбий гувоҳноманинг 22-банди) кўрсатилади;

г) «Ҳарбий унвони» сатрида — оддий аскар, матрос, кичик сержант, старшина, III даражали сержант, III даражали старшина, II даражали сержант, II даражали старшина, I даражали сержант, I даражали старшина, катта сержант, бош старшина (ҳарбий гувоҳноманинг 16-банди) кўрсатилади;

д) «Ҳарбий ҳисоб мутахассислиги ____ -сон» сатрининг суръатида учта рақамдан иборат ҳарбий ҳисоб мутахассислигининг сони ёзилади (ХХМ), махражида эса ҳарбий ҳисоб мутахассислигининг тўлиқ рақамли белгиси (ҳарбий гувоҳноманинг 25-банди) кўрсатилади;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

е) «Ҳарбий хизматга яроқлилиги» сатрида қуйидагилар кўрсатилади:

агар ҳарбий гувоҳноманинг II бўлим 7-бандида ва V бўлимида ҳарбий хизматга яроқлилиги кўрсатилган ёзув бўлса, «ҳарбий хизматга яроқли» деб ёзилади;

агар ҳарбий гувоҳноманинг V бўлимида «вақтинча ҳарбий хизматга яроқсиз (чекланиш даражаси — 5)», «тинчлик даврида ҳарбий хизматга яроқсиз», «уруш даврида чекланган равишда ҳарбий хизматга яроқли (чекланиш даражаси — 6)», «ҳарбий ҳисобдан чиқарилган ҳолда ҳарбий хизматга яроқсиз (чекланиш даражаси — 7)» каби ёзувлар бўлса, «яроқсиз» деб ёзилади;

агар ҳарбий гувоҳноманинг 28-бандида «ҳарбий ҳисобдан чиқарилган ҳолда ҳарбий хизматга яроқсиз (чекланиш даражаси — 7)» деган ёзув бўлса, у ҳолда «яроқсиз» деб ёзилади;

ж) «Турар жойидаги мудофаа ишлари бўлимининг номи» сатрида ҳарбий хизматга мажбурларнинг ҳарбий рўйхатда турадиган мудофаа ишлари бўлимининг номи кўрсатилади;

з) «Махсус ҳарбий рўйхатда турадими» сатрида қалам билан чакирув муддати кечиктирилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг серияси ва сони, ҳарбий хизматга мажбурларнинг бронлаштирилган рўйхатининг сони, бўлими, банди ҳамда мудофаа ишлари бўлимининг чакирув муддатини кечиктириш кунининг санаси ёзилади.

9. Резервдаги, захирадаги генерал ва офицерларнинг шахсий варақаларида ҳарбий рўйхат тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги алоҳида хусусиятларини инобатга олган ҳолда мазкур Йўриқноманинг 7-бандида кўрсатилган тартибда тўлдирилади:

а) «Ҳисоб гуруҳи» сатри тўлдирилмайди;

б) «Ҳисоб тоифаси» сатрида «резерв» ёки «захира» деб кўрсатилади;

в) «Таркиб» сатрида захирадаги офицер ҳарбий гувоҳномасининг 7-бандида кўрсатилган ихтисослик (қўмондонлик, муҳандислик ва техник, шахсий таркиб билан ишлаш, юридик, тиббий, ветеринария ва ҳоказолар) кўрсатилади;

г) «Ҳарбий ҳисоб мутахассислиги» сатрида мутахассислиги олти хонали рақам билан белгиланади (захирадаги офицер гувоҳномасининг 9-банди);

д) «Ҳарбий хизматга яроқлилиги» сатри ҳарбий рўйхатда турган резервдаги ва захирадаги офицерлар учун тўлдирилмайди. Ҳарбий рўйхатдан умуман ўчирилган офицерлар учун бу сатр захирадаги офицер гувоҳномасининг 22-бандидаги ёзувга асосланиб тўлдирилади.

10. Чакирилувчиларнинг шахсий варақаларини тўлдиришда «Ҳисоб гуруҳи» сатрига «чакирилувчи» деб, «Турар жойидаги МИБ номи» сатрида ҳарбий рўйхатда турган мудофаа ишлари бўлимининг номи, «Махсус рўйхатда турадими» сатрида чакирилувчи чакирув муддатини кечиктириш ҳуқуқидан ва қанча муддатга фойдаланиши кўрсатилади.

11. Сафарбарлик чакируви резерви хизматчиларининг шахсий варақаларини тўлдиришда «Ҳисоб гуруҳи» сатрида «СЧР хизматчиси» деб, «Ту-

рар жойидаги мудофаа ишлари бўлимининг номи» сатрида у ҳарбий рўйхатда турган мудофаа ишлари бўлимининг номи кўрсатилади.

12. Резервда ва захирада бўлиш ёшининг чегарасига етган шахсларнинг шахсий варақаларида мудофаа ишлари бўлимларининг кўрсатмасига асосан жорий йилнинг 1 январидан кейин ҳарбий рўйхат ҳақидаги маълумотлар устига чизик тортиб ўчирилади ва «ёши бўйича ҳарбий рўйхатдан чиқарилди» деб белги қўйилади.

13. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг шахсий варақалари қуйидаги саккиз гуруҳга бўлинadиган алоҳида картотекада қатъий алфавит тартибida сақланади:

биринчи — резервдаги генерал ва офицерларнинг шахсий варақалари;

иккинчи — захирадаги генерал ва офицерларнинг шахсий варақалари;

учинчи — резервдаги оддий аскар ва сержантларнинг шахсий варақалари;

тўртинчи — захирадаги оддий аскар ва сержантларнинг шахсий варақалари;

бешинчи — ҳарбий хизматга мажбур аёлларнинг шахсий варақалари;

олтинчи — чақирилувчиларнинг шахсий варақалари;

еттинчи — сафарбарлик чақируви резерви хизматчиларининг шахсий варақалари;

саккизинчи — муқобил хизмат хизматчиларининг шахсий варақалари.

Уруш даврида чақирув муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлган ҳарбий хизматга мажбурларнинг шахсий варақалари ҳар бир гуруҳда алоҳида ажратилиб қўйилади.

Ёши бўйича ёки соғлиғининг ҳолатига кўра ҳарбий рўйхатдан чиқарилган фуқароларнинг шахсий варақалари ташкилотларнинг умумий картотекасида сақланади.

Айрим ташкилотларда шахсий варақалардан тузилган картотека юқорида келтирилган саккиз гуруҳга бўлинган ҳолда юритилиши мумкин.

Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг шахсий варақаларидан иборат картотека «Хизмат доирасида фойдаланиш учун» грифи билан расмийлаштириладиган ҳужжатларга қўйиладиган талаблар асосида сақланади.

14. Ҳарбий рўйхат масалалари бўйича тадбирларни бажариш жараёнида ташкилотларнинг маъмурияти қуйидагиларга мажбурдир:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланadиган шаклда ва тартибда ташкилот ва муассасаларнинг барча ҳарбий хизматга мажбурлари ва чақирилувчиларини тўлиқ ва сифатли рўйхатга олинишини таъминлашга;

захирадаги офицерлар гувоҳномалари, ҳарбий гувоҳномалар, чақирилувчиларнинг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва муқобил хизмат хизматчиларининг гувоҳномаларидаги ёзувларни уларнинг шахсий варақаларидаги ёзувлар билан доимий равишда аниқлаштириб бориш ҳамда ушбу

шахсий варақаларни солиштириш учун ҳар йили камида бир марта мудофаа ишлари бўлимларига тақдим этишга;

ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг оилавий аҳволи, яшаш манзили, хизмат мавқеи, таълим тури, техник тайёргарлигидаги ўзгаришларни мунтазам равишда ҳисобга олиб бориш ҳамда беш кун муддатда ушбу ўзгаришларни уларнинг шахсий карточкаларига киритиш, бу тўғрида тегишли ҳарбий рўйхатга олиш органларига улар томонидан белгиланадиган муддатларда, лекин ҳар ойда камида бир марта маълум қилишга;

рахбарлар, муҳандис-техник ходимлар ва малакали ишчилар таркибидан бўлган ҳарбий хизматга мажбурларни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ сафарбарлик ва уруш даври учун Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларига бронлаштириб қўйилишини ўз вақтида расмийлаштиришга;

ҳар йили февраль ойида тегишли мудофаа ишлари бўлимларига мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига* мувофиқ шаклдаги ҳарбий хизматга тайёрлаш лозим бўлган чақирикқача ёшдаги ўсмирлар рўйхатини ва мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига* мувофиқ шаклдаги туман (шаҳар) чакирув участкаларида қайд этилиши лозим бўлган ўсмирлар рўйхатини тақдим қилишга;

мудофаа ишлари бўлимларининг талабига асосан ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни мудофаа ишлари бўлимларига келишлари ҳақида хабардор қилиш ҳамда ўз вақтида етиб келишларида қўмаклашишга;

ишга (ўқишга) янги қабул қилинган ёки ишдан бўшатиш (ўқув юртидан четлаштирилган) барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар тўғрисида етти кунлик муддатда мудофаа ишлари бўлимларига хабар қилишга;

фуқароларни ишга (ўқишга) қабул қилишда уларда ҳарбий-ҳисоб ҳужжатлари (ҳарбий хизматга мажбурлар учун — захирадаги офицер гувоҳномаси, ҳарбий гувоҳнома, чақирилувчилар учун — чакирув участкасида қайд этилганлиги ҳақидаги гувоҳнома) мавжудлигини текшириш ҳамда уларнинг ҳарбий ҳисобда туришини аниқлашга;

мудофаа ишлари бўлимига тақдим қилиш учун ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилардан ҳарбий-ҳисоб ҳужжатларини мазкур Йўриқноманинг 4-иловасига* мувофиқ шаклдаги тилхат билан қабул қилиб олишга;

ташкilotларда ҳарбий хизматга мажбурларни бронлаштириб қўйиш ҳолатини мудофаа ишлари бўлимлари ва юқори турувчи ташкilotлар томонидан текшириш журналини мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига* мувофиқ шаклда юритишга.

Қонунчиликка мувофиқ ишга (ўқишга) қабул қилинаётган фуқаролар турар жойи бўйича ҳарбий ҳисобга киритилиши лозим.

* 2 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**3-боб. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида
ҳарбий хизматга мажбурлар, чақирилувчилар, сафарбарлик
чақируви резерви ва муқобил хизмат хизматчиларини
ҳарбий рўйхатга олиш ишларини ташкил қилиш**

1-§. Умумий қоидалар

15. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳарбий хизматга мажбурлар, чақирилувчилар, сафарбарлик чақируви резерви ва муқобил хизмат хизматчиларининг мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига* мувофиқ шаклдаги бошланғич ҳисоб варақаси қуйидаги саккиз гуруҳга бўлинадиган картотекада алфавит тартибида сақланади:

биринчи гуруҳ — резервдаги генерал ва офицерларнинг бошланғич ҳисоб варақалари;

иккинчи гуруҳ — захирадаги генерал ва офицерларнинг бошланғич ҳисоб варақалари;

учинчи гуруҳ — резервдаги оддий аскар ва сержантларнинг бошланғич ҳисоб варақалари;

тўртинчи гуруҳ — захирадаги оддий аскар ва сержантларнинг бошланғич ҳисоб варақалари;

бешинчи гуруҳ — ҳарбий хизматга мажбур аёлларнинг бошланғич ҳисоб варақалари;

олтинчи гуруҳ — чақирилувчиларнинг бошланғич ҳисоб варақалари;

еттинчи гуруҳ — сафарбарлик чақируви резерви хизматчиларининг бошланғич ҳисоб варақалари;

саккизинчи гуруҳ — муқобил хизмат хизматчиларининг бошланғич ҳисоб варақалари.

Сафарбарлик кўрсатмасига эга бўлган резервдаги ҳарбий хизматга мажбурларнинг бошланғич ҳисоб варақалари алоҳида ажратилиб, командалар бўйича тахланади. Картотекаларнинг ҳарбий ҳисоб хусусиятлари ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг мўлжалланганлиги бўйича тахланиши мудофаа ишлари бўлимлари бошлиқлари томонидан ва ишлаш учун қулайлигига қараб бошқача тартибда белгиланиши ҳам мумкин.

16. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни бошланғич ҳарбий рўйхатга олиш масалалари бўйича тадбирларни бажариш жараёнида қуйидагиларга мажбур:

фаолият юритаётган ҳудудда яшовчи барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар рўйхатининг тўла қамраб олинганлигини ва сифатлилигини таъминлаш;

ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни бошланғич рўйхатга олиш карточкаларини захирадаги офицер гувоҳномаси ва ҳарбий гувоҳнома, чақирув участкасида қайд этилганлик ҳақидаги гувоҳнома ва муқобил хизмат хизматчисининг гувоҳномасидаги ёзувлар билан мунтазам ра-

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вишда солиштиришга ҳамда ушбу карточкаларни ҳар йили камида бир марта солиштириш учун мудофаа ишлари бўлимларига тақдим этишга;

ҳарбий рўйхатга қўйилган ва рўйхатдан чиқарилган барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ҳақида ўн кун муддат ичида мудофаа ишлари бўлимларига маълумот тақдим этишга;

доимий ёки бир ярим ойдан ортиқ муддатга вақтинча яшаш учун келган ҳарбий хизматга мажбурларни уч кун муддат ичида ҳарбий рўйхатга қўйиш, чақирилувчиларни эса рўйхатга олиш ҳамда бошқа жойга доимий ёки вақтинча (бир ярим ойдан ортиқ муддатга) яшаш учун, уч ойдан ортиқ муддатга хизмат сафарига, таътилга ёки даволанишга кетаётган ҳарбий хизматга мажбурларни ҳарбий рўйхатдан, чақирилувчиларни эса чақирилувчилар рўйхатидан чиқаришга;

доимий ёки вақтинча яшаш учун келиб ҳарбий рўйхатда турмаган ҳарбий хизматга мажбурларни ва чақирув участкаларида қайд этилмаган чақирилувчиларни аниқлаш ҳамда уларни ҳарбий рўйхатга қўйиш ва қайд этиш учун мудофаа ишлари бўлимларига юборишга;

мудофаа ишлари бўлимлари бошлиқларининг сўровига асосан ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни мудофаа ишлари бўлимига келишлари ҳақида хабардор қилиш ҳамда уларнинг ўз вақтида етиб келишларига ёрдам кўрсатишга;

ҳарбий хизматга мажбурларнинг мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига мувофиқ шаклдаги бошланғич ҳисоб варақаси ва чақирилувчиларнинг мазкур Йўриқноманинг 7-иловасига* мувофиқ шаклдаги номма-ном рўйхатига маълумоти, иш жойи, лавозими, оилавий аҳволи ва турар жойи бўйича ўзгаришларни киритиб бориш ҳамда бу ҳақда ҳар ойда мудофаа ишлари бўлимларига маълумот тақдим этишга;

ҳар йили камида бир марта ҳарбий хизматга мажбурларнинг ҳисоб варақаси ва чақирилувчилар рўйхатидаги маълумотларни қайд қилиш варақалари билан солиштириш ҳамда уйма-уй юриб ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг ҳақиқий сонини аниқлашга ва аниқлик киритилган бошланғич ҳисоб варақаларини мудофаа ишлари бўлимларидаги ҳисоб маълумотлари билан солиштиришга;

ҳисобда турувчи чақирилувчилар рўйхатини мудофаа ишлари бўлимларидаги ҳисоб маълумотлари билан чақириққача ёшдаги ўсмирлар чақирув ҳудудларида қайд қилинган, фуқаролар муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши олдидан ҳамда мудофаа ишлари бўлимлари бошлиқларининг кўрсатмасига асосан бошқа муддатларда таққослаб чиқишга;

ҳар йили февраль ойида ҳарбий хизматга тайёрланиши лозим бўлган ўсмирларнинг рўйхатини ва чақирув участкаларида қайд этилиши лозим бўлган ўсмирларнинг рўйхатини тузиб, мудофаа ишлари бўлимларига тақдим қилишга;

соғлиғида рўй берган ўзгаришлар ҳақида арз қилган ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳисобга олиш ва ҳар ойда бир марта бу ҳақда мудофаа ишлари бўлимларига маълумот беришга;

* 7-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фуқароларга амалдаги ҳарбий рўйхат қоидаларига риоя қилишлари ва бу борада қонун билан зиммасига юклатилган бурчларини бажаришлари лозимлигини тушунтиришга;

фаолият юритаётган ҳудуддаги ҳарбий рўйхат ҳолати ҳамда ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар томонидан ҳарбий рўйхат қоидаларининг бузилиш ҳолатлари ҳақида туман (шаҳар) ҳокимликларига маълумотлар тақдим этишга.

17. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини мазкур Йўриқноманинг 1 — 12-иловаларида кўрсатилган ҳужжатлар бланкалари билан мудофаа ишлари бўлимлари, муҳр (штамп) ва канцелярия моллари билан туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан белгиланган тартибда таъминланади.

18. Ҳарбий рўйхатга тааллуқли бўлган номма-ном рўйхатлар, ҳисоб ва алфавит варақалари, муҳрлар (шамплар), китоблар, ҳисоб журнали қулфланадиган сейфларда ёки темир қопламали шкафларда сақланиши керак.

Қулфланадиган сейфлар ва темир қопламали шкафларни очишга фақат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси ва бевосита ҳарбий ҳисоб ишларини юритувчи шахсларга рухсат этилади.

2-§. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга олиш

19. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳисобга олади ва қуйидагиларнинг ҳисобини юритади:

бошқа мудофаа ишлари бўлимларидан доимий ёки бир ярим ойдан ортиқ муддатга вақтинча яшаш учун келганларни;

муддатли ҳарбий хизматни ўтагандан сўнг резервга бўшатирилганларни;

турли сабабларга кўра захирага ўтказилган ва мудофаа ишлари бўлимларидан ҳарбий гувоҳнома олган чақирув ёшидаги эркак фуқароларни.

20. Мудофаа ишлари бўлими мавжуд бўлмаган, лекин ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бўлган туман (шаҳар)га доимий ёки бир ярим ойдан ортиқ муддатга вақтинча яшаш учун келган ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий рўйхатга туришни расмийлаштириш учун уй-жой мулкдорлари ширкатига шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан бирга ҳарбий гувоҳномаларини ҳам топширадилар. Қишлоқ жойларига борган ёки у ердан жўнаб кетаётган ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ҳарбий-ҳисоб ҳужжатларини тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширишлари керак.

Баъзи жойларда иш фаолияти доимо кўчиб юриш билан боғлиқ бўлган ҳарбий хизматга мажбурларни туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғининг рухсати билан ҳарбий рўйхатга олиш ва чиқариш уларни мудофаа ишлари бўлимига келтирмасдан амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳарбий гувоҳнома, захирадаги офицерлар гувоҳномаси, чақирув участкасида

қайд этилганлик гувоҳномаси мудофаа ишлари бўлимига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан етказиб борилади.

Чақирилувчилар ҳарбий рўйхатдан чиқиш учун туман мудофаа ишлари бўлимига шахсан келишлари ва янги турар жойига боргач, уч кунлик муддат ичида ҳарбий рўйхатдан ўтишлари шарт.

Чақирилувчиларни уй дафтарлари (қайд этиш варақалари) бўйича рўйхатга қўйиш фақат чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасида мудофаа ишлари бўлими томонидан рўйхатга олинганлиги ҳақидаги ёзувлар бўлгандагина амалга оширилади. Фаолият юритилаётган ҳудудга бир ярим ойгача хизмат сафари, ўқиш, таътил ёки даволанишга эса, уч ойгача муддатга келган чақирилувчилар чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасида илгари яшаган ҳудуддаги мудофаа ишлари бўлимининг рўйхатдан чиқарилганлиги тўғрисидаги белгиси бўлса, вақтинча рўйхатга қўйилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ушбу чақирилувчилар ҳақида туман мудофаа ишлари бўлимларига маълум қилишлари лозим.

21. Ҳарбий хизматга мажбурларни ҳарбий рўйхатга олиш ва чақирилувчиларни ҳисобга киритиш бўйича қуйидаги ишлар бажарилади:

а) ҳарбий гувоҳномалар, захирадаги офицерлар гувоҳномаси ва чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқийлиги синчиклаб текширилади. Ҳарбий-ҳисоб ҳужжатлари ўз эгасига тегишли эканлиги ҳарбий гувоҳнома, захирадаги офицер гувоҳномаси ва чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномадаги фотосурат шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги фотосурат ҳамда ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчининг ташқи қиёфаси билан солиштириб кўриш орқали аниқланади. Бундан ташқари, ҳарбий-ҳисоб ҳужжатларида барча варақларнинг мавжудлиги, уларни қалбакилаштириш, изоҳланмаган тўғрилашлардан ҳолислиги ҳамда ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчини аввалги турар жойидаги ҳарбий ҳисоб органидан рўйхатдан чиқарилганлиги, чақирилувчининг шу жойдаги мудофаа ишлари бўлимида рўйхатга олинганлиги ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўз муддатида келганлиги текширилади. Ҳарбий-ҳисоб ҳужжатларида турли хил тафовутлар, ноаниқликлар ва қалбакилаштиришлар ҳамда алоҳида варақларнинг йўқолганлиги аниқланса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бу ҳақда туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғига маълум қилади ва унинг кўрсатмасига биноан тегишли чораларни қўллайди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳарбий-ҳисоб ҳужжатларини қолдириш зарурати туғилганда ҳарбий хизматга мажбурларга (чақирилувчиларга) мазкур Йўриқноманинг 4-иловасида кўрсатилган шаклда тилхат берилади;

б) барча ҳарбий хизматга мажбурларга мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига мувофиқ шаклда бошланғич ҳисоб варақаси тўлдирилади, чақирилувчилар эса, мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги чақирилувчилар рўйхатига киритилади ва уларга мазкур Йўриқноманинг 8-иловасига* мувофиқ шаклда алфавит варақалари тўлдирилади. Резерв-

* 8-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

даги сержант, старшина, аскар ва матросларга, бундан ташқари, мазкур Йўриқноманинг 9-иловасига* мувофиқ шаклдаги ҳисоб варақаларни мазкур Йўриқноманинг 21-бандида кўрсатилган тартибда ҳарбий гувоҳнома, захирадаги офицерлар гувоҳномаси ва чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномадаги ёзувларга тўла мос равишда тўлдирилади. Бунда маълумоти, иш жойи, лавозими, турар жойи ва оилавий аҳволи ҳақидаги маълумотлар улар аниқлангандан сўнг ёзилади. Баъзи ҳисоб белгиларида нотўғри ёзувлар бўлса, ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ҳарбий рўйхатга олиб, расмийлаштирилгандан сўнг уларнинг ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун мудофаа ишлари бўлимига юборилади;

в) мудофаа ишлари бўлимига учрагандан сўнг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига келган, туман ичида турар жойини ўзгартирган ҳарбий хизматга мажбурларга фамилияси, исми, отасининг исми, турар жойи, иш жойи, лавозими кўрсатилган мазкур Йўриқноманинг 7-иловасига мувофиқ шаклдаги номма-ном рўйхат тўлдирилади ва мудофаа ишлари бўлимига юборилади. Туман ичида турар жойини ўзгартирган шахсларга эса, бундан ташқари, аввал ҳарбий рўйхатда турган ҳарбий ҳисоб ташкилотларининг номи кўрсатилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бундай ҳарбий хизматга мажбурларга мазкур Йўриқноманинг 9-иловасига мувофиқ шаклдаги ҳисоб варақалари тўлдирилмайди;

г) ҳарбий рўйхатга олинган ҳарбий хизматга мажбурларнинг ҳарбий гувоҳномаларидаги VIII бўлимида ва мазкур Йўриқноманинг 9-иловасига мувофиқ шаклдаги ҳисоб варақасида (уй дафтарида) муҳр билан уларнинг рўйхатга олинганлиги ҳақидаги белги қўйилади;

д) бошқа туманлардан сафарбарлик гувоҳномаси билан келган ҳарбий хизматга мажбурлар ҳақида мудофаа ишлари бўлимига маълумот берилади. Сафарбарлик гувоҳномасини олиш мудофаа ишлари бўлими бошлиғининг кўрсатмаси билан амалга оширилади ва бу ҳақда ҳарбий гувоҳноманинг VI бўлимига мазкур Йўриқноманинг 10-иловасига* мувофиқ махсус муҳр билан белги қўйилади;

е) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига янги келган ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ҳақидаги маълумотлар ўн кунда бир марта белгиланган тартибда мудофаа ишлари бўлимига юборилади;

ж) рўйхатга олинган ҳарбий хизматга мажбурларнинг бошланғич ҳисоб варақалари картотекага жойлаштирилади.

3-§. Ҳарбий хизматга мажбурларнинг ҳисоб варақаларини тўлдириш тартиби

22. Оддий аскар ва сержантлар таркибининг мазкур Йўриқноманинг 9-иловасига мувофиқ шаклдаги ҳисоб варақаси фуқаролар йиғинларида ҳарбий гувоҳномадаги маълумотлар билан бир хил тартибда ва мос равишда

* 9-10-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тўлдирилади. Ҳисоб варақасида етишмаётган маълумотлар ҳарбий хизматга мажбурлар билан шахсий суҳбат жараёнида тўлдирилади.

Ҳисоб варақалари фақат қора ва бинафша рангли сиёҳда, чиройли ёзув билан тўлдирилади.

Мазкур Йўриқнома 9-иловасининг 5 — 7-бандлари (иш жойи, лавозими, турар жойи, оилавий аҳволи ва оиласининг турар жойи ҳақидаги маълумотлар) фақат оддий, юмшоқ қалам билан тўлдирилади.

23. Мазкур Йўриқноманинг 9-иловасида кўрсатилган ҳисоб варақаси қуйидаги тартибга амал қилган ҳолда тўлдирилади:

«Ҳарбий гувоҳнома серияси ва рақами» катаги ҳарбий хизматга мажбурларнинг ҳарбий гувоҳномасидаги серияси ва рақамига мос равишда ёзилади, VII бўлимининг охирида эса, ҳисоб варақаси қачон ва қайси мудофаа ишлари бўлими томонидан берилганлиги кўрсатилади; юқоридаги чап катакдаги «туғилган йили», «фамилияси, исми, отасининг исми», «туғилган жойи ва йили, ойи, куни», «миллати» (1 ва 2-бандлар) сатрлари шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва гувоҳномадаги маълумотлар бўйича тўлдирилади. Туғилган жойи қуйидаги тартибда тўлдирилади: вилоят, туман (шаҳар), қишлоқ;

«Ҳарбий хизматга яроқлилиги» катаги ҳарбий хизматга мажбурларнинг ҳарбий хизматга яроқлилиги (яроқсизлиги) ҳақидаги тиббий кўрсатмаларга мувофиқ тўлдирилади:

агар ҳарбий гувоҳноманинг II бўлим, 7-бандида ва V бўлимида ҳарбий хизматга яроқли (чекланиш даражаси — 1, 2), айрим чекланишлар билан ҳарбий хизматга яроқли (чекланиш даражаси — 3), чекланган равишда ҳарбий хизматга яроқли (чекланиш даражаси — 4), деб ёзилган бўлса, «яроқли» деб;

агар ҳарбий гувоҳноманинг V бўлимида вақтинча ҳарбий хизматга яроқсиз (чекланиш даражаси — 5), тинчлик даврида ҳарбий хизматга яроқсиз, уруш даврида чекланган равишда ҳарбий хизматга яроқли (чекланиш даражаси — 6), ҳарбий ҳисобдан чиқарилган ҳолда ҳарбий хизматга яроқсиз (чекланиш даражаси — 7) каби ёзувлар бўлса, «яроқсиз» деб;

агар ҳарбий гувоҳноманинг ҳарбий ҳисобдан чиқарилган ҳолда ҳарбий хизматга яроқсиз (чекланиш даражаси — 7), деган ёзуви бўлса, у ҳолда «яроқсиз» деб ёзилади;

2-бандда миллатига оид маълумот шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги ёзувга асосланиб ёзилади;

3-бандда олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган шахслар учун таълим муассасасининг тўлиқ номи, қайси йили ва қандай мутахассислик билан тамомлаганлиги кўрсатилади. Агар олий ёки ўрта махсус таълим муассасасини тамомламаган бўлса, қайси босқични (курс, синф) тугаллаганлиги кўрсатилади. Агар ҳарбий хизматга мажбурлар бир нечта таълим муассасасини тамомлаган бўлса, у ҳолда энг юқори маълумот берадиган таълим муассасаси кўрсатилади. Академик лицей ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаларини тамомлаган шахслар учун ҳисоб варақасини тўлдиришда таълим муассасасининг номи, қачон ва қандай мутахассис-

лик бўйича тамомлаганлиги кўрсатилади, ўқувчиларга эса умумтаълим мактабининг қайси синфида, олий ёки ўрта махсус таълим муассасасининг қайси босқичида (курсида) таҳсил олаётганлиги кўрсатилади. Масалан: «умумтаълим мактабининг 11-синфида ўқийди» ёки «Тошкент давлат университетининг амалий математика факультетида 3-босқичда ўқийди», «Туризм коллежининг 2-босқичида ўқийди». Фақат умумтаълим маълумотига эга бўлганлар учун «умумтаълим мактабининг 11-синфини тамомлаган»;

4-бандда асосий фуқаролик мутахассислиги, малакаси бўйича даражаси ва тоифаси кўрсатилади. Ҳарбий хизматга мажбурлар бир нечта фуқаролик мутахассислигига эга бўлса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун устувор бўлган мутахассислик тури ёзилади. Автомобил-транспорт воситалари (енгил автотранспорт, трактор, мотоцикл ва бошқалар) ҳайдовчилари учун ушбу автомобил-транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳноманинг рақами ва берилган санаси ёзилади;

5-бандда иш жойи ва мансаби уй-жойлардан фойдаланиш ташкилоти, ташкилот тўғрисидаги маълумотлар ёки ҳарбий хизматга мажбурларнинг сўзидан ташкилотнинг тўлиқ номи, манзили ва ходимлар бўлимининг телефон рақами кўрсатилган ҳолда ёзилади;

6-бандда ҳақиқатда яшаб турган жойнинг тўлиқ манзили ва уй телефони рақами, қишлоқ жойларида эса аҳоли яшаш пунктининг номи ва қайси фуқаролар йиғинига қарашли эканлиги кўрсатилади (ёзилади). Турар жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан ҳарбий рўйхатга олинган ҳарбий хизматга мажбурларнинг ҳисоб варақаларида ички ишлар органи томонидан улар рўйхатдан ўтмасдан яшаётган яшаш жойларининг тўлиқ манзили ёзилади;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотларига асосланган ҳолда 7-бандда «уйланмаган» (турмушга чиқмаган), агар уйланган (турмушга чиққан) бўлса, оиласининг таркиби (турмуш ўртоғининг исми, фамилияси ва отасининг исми, фарзандларининг туғилган санаси) кўрсатилади. Ҳарбий хизматга мажбурларнинг сўзи бўйича оиласининг турар жойи ёки уй-жойдан фойдаланиш ташкилотининг аниқ маълумотлари бўйича ёзилади;

8-банд ҳарбий гувоҳномадаги ёзувлар (8, 9-бандлар) асосида тўлдирилади;

20-бандда ҳарбий хизматга мажбурларга муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёки захирада бўлган вақтида берилган охириги ҳарбий унвони кўрсатилади. Муддатли ҳарбий хизматни ўтамаган ва ҳарбий унвонга эга бўлмаган ҳарбий хизматга мажбурларга «оддий аскар» деб ёзилади;

23-бандда ҳисоб тоифаси «Р» ёки «З» (ҳарбий гувоҳноманинг 21-банди) ҳарфлари билан кўрсатилади;

24-бандда ҳисоб гуруҳи «А», «БК», «ХДФ», «ДХХ», «ИИВ», «ДЧҚҚ» (ҳарбий гувоҳноманинг 22-банди);

25-бандда «таркиби» ҳарбий хизматга мажбурларга берилган ҳарбий унвонга мувофиқ тўлдирилади (ҳарбий гувоҳноманинг 23-банди);

26-бандда «ХХМ рақами»ни тўлдиришда уч рақамдан иборат ҳарбий ҳисоб мутахассислигининг рақами кўрсатилади, «ХХМ рақами»ни тўлдиришда эса, ҳарбий ҳисоб мутахассислигининг олти рақам ва ҳарф белгиси-

дан иборат рақамли ифодаланиш кўрсатилади (ҳарбий гувоҳноманинг 24-банди);

27-бандда ҳарбий хизматга мажбурларнинг олти хонали рақам билан белгиланган ХХМга мос келадиган лавозими бўйича малакаси ёзилади (ҳарбий гувоҳноманинг 26-банди);

ҳисоб варақасининг 15-банди ҳарбий гувоҳноманинг 10-бандидаги ёзувлар асосида тўлдирилади. Ҳарбий қисм рўйхатига киритилганлиги ва чиқарилганлиги ҳақидаги буйруқнинг сони ҳисоб варақасининг 15-бандида кўрсатилмайди. Ойларнинг номланиши араб рақамлари билан ёзилади. Муддатли ҳарбий хизматни ўтамаган ҳарбий хизматга мажбурлар учун «хизмат қилмаган» деб ёзилади;

12-банд ҳарбий гувоҳноманинг 9-бандидаги ёзувлар асосида тўлдирилади;

16-бандда ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий гувоҳномасининг 11-бандида ҳарбий қисм командири томонидан уни уруш даврида ишлатиш бўйича берилган хулосаси ёзилади. Агар ҳарбий гувоҳномада мазкур ёзув бўлмаса, у ҳолда ҳисоб варақасининг ушбу ёзуви назарда тутилган 16-банди тўлдирилмайди.

Ҳисоб варақасининг орқа томонида ҳарбий хизматга мажбурларнинг бўйи, бош айланаси, газниқоб ўлчови, пойабзал ва кийим-кечак ўлчамлари ҳақидаги ёзувлар ҳарбий хизматга мажбурларнинг сўзидан тўлдирилади;

18-19-бандлар ҳарбий гувоҳноманинг тегишли бандларидаги ёзувлар асосида тўлдирилади. Ватанга қасамёд қабул қилмаган ва жанговар ҳаракатларда иштирок этмаган шахсларнинг ҳисоб варақасида мазкур бандлар тўлдирилмайди;

21-банд ҳарбий хизматга мажбурларнинг давлат мукофотлари, кўкрак нишонлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланганлигини тасдиқловчи орден дафтарчаси, гувоҳномаси ва бошқа ҳужжатлари асосида тўлдирилади. Бу бандда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервида ва захирасида хизматни ўтаган даврида олган барча орден, медаль, кўкрак нишонлари ва қимматбаҳо совғалар санаб ўтилади ва улар олинган сана кўрсатилади. Мукофотлар олмаган, совғалар билан тақдирланмаган бўлса, мазкур банднинг бу устуни тўлдирилмайди;

22-бандда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан, олинган жароҳатлар (контузиялар)нинг хусусияти ва аниқ санаси ёзилади, агар жароҳатлар (контузиялар) олмаган бўлса, «олмаган» деб ёзиб қўйилади;

28-бандда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари захирасидаги хизмат давомида ўқув йиғинлари ва қайта тайёргарликдан ўтганлиги ҳақидаги маълумотлар ёзилади. Мазкур банд ҳарбий гувоҳноманинг 27-бандидаги ёзувлар асосида тўлдирилади;

V бўлимда «Тиббий текширув ҳақидаги маълумотлар» тиббий комиссиялар қуйидаги тоифа ва чекланиш даражаси (соғлиғи ва жисмоний ривожланиши ҳолатининг кўрсаткичлари) бўйича ҳарбий хизматга яроқлилиқ

тўғрисида хулоса қабул қилади ва тинчлик даврида ҳарбий хизматга яроқсиз, уруш даврида чекланган равишда ҳарбий хизматга яроқли (чекланиш даражаси — 6) ҳамда учиб хизматларига ва ҳаво-десант қўшинларида «хизматга яроқсиз» деб топилган шахсларга нисбатан чиқарган қарорлари ёзилади. Ёзувлар ҳарбий гувоҳноманинг 15-бетида ёзилган тиббий текширишлар ҳақидаги маълумотлар асосида ёзилади;

ҳарбий гувоҳноманинг тегишли бўлимидаги ёзувлар VII бўлимидаги «алоҳида белгилар» асосида тўлдирилади;

VIII бўлимидаги «ҳарбий рўйхатга қўйиш ва чиқариш белгилари»даги ёзувлар ҳарбий гувоҳноманинг саккизинчи бўлимида кўрсатилган ҳарбий рўйхатга қўйиш санаси кўрсатилган белгига мос келиши лозим. Мазкур бўлимида ҳарбий хизматга мажбурларнинг чегара ёшига етганлиги сабабли ҳарбий рўйхатдан чиқарилганлиги ҳақидаги ёзув ҳам ёзилади.

4-§. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатдан чиқариш ва рўйхатдан ўчириш

24. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қуйидагиларни ҳарбий рўйхатдан чиқарадилар:

- а) тиббий комиссиялар томонидан ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилиб, ҳарбий рўйхатдан чиқарилган фуқароларни;
- б) резервда ва захирада бўлиш ёшининг чегарасига етганларни;
- в) доимий яшаш учун чет элга жўнаб кетаётган фуқароларни;
- г) вафот этган ёки қонунда белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилган фуқароларни.

Бошқа барча ҳолатларда ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни рўйхатдан чиқариш ва рўйхатдан ўчириш фақат мудофаа ишлари бўлими бошлиғининг рухсати билан амалга оширилади.

25. Мудофаа ишлари бўлими бўлмаган, бироқ ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими мавжуд бўлган туман (шаҳар)дан бошқа жойларга доимий ёки вақтинча (бир ярим ойдан ортиқ муддатга) яшашга, хизмат сафарига, ўқишга, таътилга ёки даволанишга — уч ойдан ортиқ муддатга кетаётган ҳарбий хизматга мажбурлар уй-жойдан фойдаланиш ташкилотларига шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳарбий рўйхатдан чиқиш ва уни расмийлаштириш учун ҳарбий гувоҳнома, захирадаги офицерлар гувоҳномаси, чақирилувчининг қайд этилганлиги ҳақидаги гувоҳномани топширадилар.

26. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатдан чиқариш бўйича қуйидаги ишлар бажарилади:

а) ҳарбий гувоҳноманинг VIII бўлимида ва уй дафтарида (қайд этиш варақасида) муҳр билан ҳарбий рўйхатдан чиқарилганлик ҳақида белги қўйилади;

б) мудофаа ишлари бўлими масъулиятига бириктирилган ҳудуддан ташқарига чиқиб кетаётган ҳарбий хизматга мажбурлардаги сафарбарлик гу-

воҳномаси олиниб, бу ҳақда ҳарбий гувоҳноманинг VI бўлимида мазкур Йўриқноманинг 10-иловасига мувофиқ шаклда штамп билан белги қўйилади. Мудофаа ишлари бўлими бошлиғининг кўрсатмасига асосан баъзи командаларга киритилган ҳарбий хизматга мажбурлардан сафарбарлик гувоҳномаси олиб қўйилмаслиги мумкин;

в) бошланғич ҳисоб варақасида ҳарбий рўйхатдан чиқиш сабаби ва санаси кўрсатилади;

г) ҳарбий рўйхатдан чиқарилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг рўйхати тузилиб, олинган сафарбарлик гувоҳномалари билан биргаликда ўн кунда бир марта мудофаа ишлари бўлимига юборилади. Мазкур Йўриқноманинг 7-иловасида кўрсатилган чақирилувчилар рўйхатида рўйхатдан чиқарилганлик ҳақида белги қўйилади.

27. Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари резервида ва захира-сида бўлиш ёшининг чегарасига етган ҳарбий хизматга мажбурлар фақат мудофаа ишлари бўлими бошлиғининг рухсати билан ҳар йили январь-февраль ойларида рўйхатдан чиқарилади.

28. Вафот этган ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатдан чиқариш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларидан ҳарбий гувоҳнома, захирадаги офицер гувоҳномаси ва чақирилувчининг қайд этилганлиги ҳақидаги гувоҳнома берилгандан сўнг амалга оширилади. Фуқаролар йиғинларида ўлимни қайд этишда ушбу ҳужжатлар ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни бошланғич ҳарбий ҳисобини юритиш юклатилган мансабдор шахсларга бевосита топширилади.

Ҳарбий гувоҳнома, захирадаги офицер гувоҳномаси ва чақирилувчининг қайд этилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг биринчи бетида «Вафот этган» 20____ й. «____» _____ ўлим ҳақидаги _____-сон ёзув далолатномаси» белгиси қўйилиб фуқаролар йиғини раисининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади ҳамда ҳарбий гувоҳнома ва чақирилувчининг қайд этилганлиги ҳақидаги гувоҳнома мудофаа ишлари бўлимига юборилади, ФХДЁ органидан ёки вафот этган шахснинг қариндошларидан ҳарбий гувоҳнома, захирадаги офицер гувоҳномаси ва чақирилувчининг қайд этилганлиги ҳақидаги гувоҳномани олишининг иложи бўлмаса, бу ҳақда мудофаа ишлари бўлимига хабар берилади.

Бошланғич ҳисоб варақасида ўлим ҳақидаги далолатнома рақами кўрсатиб белгиланади, шундан сўнг, варақа рўйхатдан чиқарилганлар картотекасига қўйилади. Бу варақалар мудофаа ишлари бўлими маълумотлари билан навбатдаги таққослашдан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

4-боб. Резервдаги, захирадаги генерал ва офицерларни ҳарбий рўйхатга олишнинг ўзига хос хусусиятлари

29. Резерв ва захирадаги генерал ва офицерларни ҳарбий рўйхатга олиш мудофаа ишлари бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Мудофаа ишлари бўлиmidан олисда жойлашган ҳудудларда яшовчи резервдаги, захирадаги генерал ва офицерларни ҳарбий рўйхатга қўйиш, рўйхатдан чиқариш ишлари мудофаа ишлари бўлими бошлиғининг қарори билан ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ҳарбий рўйхатини юритиш вазифаси юклатилган фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан резервдаги, захирадаги генерал ва офицерлар гувоҳномаларида уларнинг рўйхатга қўйилганлиги ва чиқарилганлиги ҳақида ёзиб қўйилади ва гербли муҳр билан тасдиқланади.

Резервдаги, захирадаги генерал ва офицерларнинг ҳарбий рўйхати мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига мувофиқ шаклдаги бошланғич ҳисоб варақалари бўйича олиб борилади.

30. Резервдаги, захирадаги генерал ва офицерларни ҳисобга олиш масалалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қуйдагиларни амалга оширади:

фаолият юритаётган ҳудудга доимий ёки вақтинча (бир ярим ойдан ортиқ муддатга) яшаш учун, шунингдек, хизмат сафари, ўқиш, таътил ёки даволаниш учун уч ойдан ортиқ муддатга келган барча резервдаги, захирадаги генерал ва офицерларни уч кунлик муддатда ҳарбий ҳисобга олади;

мудофаа ишлари бўлимига мазкур Йўриқноманинг 11-иловасига* мувофиқ шаклда маълумотнома юборади;

резервдаги, захирадаги генерал ва офицерларга ҳарбий рўйхатга олишни батамом ҳал қилиш учун мудофаа ишлари бўлимида ҳозир бўлишлари лозимлигини етказди, мазкур Йўриқноманинг 28-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Агар ҳарбий рўйхатга олишни расмийлаштириш учун резервдаги, захирадаги генерал ва офицерларни мудофаа ишлари бўлимига келишлари шарт бўлмаса, мазкур Йўриқноманинг 11-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотномада уларнинг шахсий йиғмажилдини қаердан сўраб олиш лозимлиги кўрсатилади;

мудофаа ишлари бўлими бошлиғининг кўрсатмасига асосан резервдаги, захирадаги генерал ва офицерларни ҳарбий рўйхатдан чиқаради ва рўйхатдан ўчиради. Бунда кўчиб кетган захирадаги генерал ва офицерларнинг бошланғич ҳисоб варақаларида рўйхатдан чиқариш ёки рўйхатдан ўчиришнинг сабаблари кўрсатилади. Ҳарбий рўйхатдан чиқарилган ёки рўйхатдан ўчирилган резервдаги, захирадаги генерал ва офицерларнинг бошланғич ҳисоб варақалари бир йил давомида сақланади, шундан сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади;

ҳар йили камида бир марта резервдаги, захирадаги генерал ва офицерларнинг бошланғич ҳисоб варақаларини уй дафтарлари (қайд этиш варақалари), ташкилотларнинг шахсий варақалари билан, шунингдек, резервдаги, захирадаги генерал ва офицерларнинг аниқлик киритилган бошланғич ҳисоб варақаларини мудофаа ишлари бўлимидаги ҳисоб маълумотлари билан солиштиради;

ҳар ойда туман мудофаа ишлари бўлимига резервдаги, захирадаги ге-

* 11-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нерал ва офицерларнинг маълумоти, иш жойи, лавозими, оилавий аҳволи, соғлигининг ҳолати, шунингдек, судланганлиги ёки вафот этганлиги тўғрисидаги маълумотларни мазкур Йўриқноманинг 11-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотномада кўрсатган ҳолда юборади.

5-боб. Ҳарбий рўйхат қоидаларини бузганлик ва ҳарбий-хисоб ҳужжатларини йўқотганлик учун жавобгарлик

31. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»-ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган ҳарбий рўйхат қоидаларини бажаришлари керак.

32. Мудофаа ишлари бўлими томонидан ҳарбий мутахассисликлар бўйича ўқитиш учун жалб қилинган чақирилувчиларнинг машғулотларга қатнашишлари мажбурий ҳисобланади.

33. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар оилавий аҳволи, соғлигининг ҳолати, яшаш жойи, маълумоти, иш жойи, лавозими ўзгарган тақдирда, ҳарбий рўйхатда турган жойидаги мудофаа ишлари бўлимлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бу ҳақда етти кунлик муддат ичида шахсан маълум қилишлари керак.

34. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар мудофаа ишлари бўлимига узрли сабабларсиз келмаганлик, ҳарбий рўйхатда турган мудофаа ишлари бўлимларига турар жойи, ўқиш жойи, иш жойи ва лавозими ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида хабар қилмаганликлари учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ҳарбий-хисоб ҳужжатларини (ҳарбий гувоҳнома), муқобил хизмат хизматчисининг гувоҳномаси ҳамда чақирув участкасида қайд этилганлик ҳақидаги гувоҳномани) қасддан яроқсизлантириш ёки бепарволик билан сақлаш туфайли йўқотилишига олиб келса, фуқаролар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Туман (шаҳар) чақирув участкаларида рўйхатдан ўтиш учун мудофаа ишлари бўлимининг чақирувига биноан узрли сабабларсиз келмаган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

35. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг бошланғич ҳарбий рўйхатини юритиш вазифаси юкланган мансабдор шахслари мазкур Йўриқноманинг 12-иловасига* мувофиқ шаклда ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида маълумотнома тузиб, чора кўриш учун мудофаа ишлари бўлимига тақдим этишлари лозим.

Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчиларнинг иш (ўқиш) жойига, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига, ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчиларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилганлиги тўғрисида белгиланган тартибда маълум қилади.

* 12-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**6-боб. Кўчиб юриш билан боғлиқ ишларда ишлайдиган
ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ҳарбий
рўйхатининг ўзига хос хусусиятлари**

36. Чекка ҳудудлардан навбатдаги таътилга кетаётган ҳарбий хизматга мажбурлар таътилнинг муддатидан қатъи назар ҳарбий рўйхатдан чиқарилмайди. Бунда ҳарбий хизматга мажбурлар шахсан ёки ўзлари ишлайдиган ташкилот ва муассасалар маъмурияти орқали ҳарбий рўйхатда турган мудофаа ишлари бўлимига навбатдаги таътилга кетаётганлиги ҳақида маълум қилишлари керак.

37. Дала шароитида геологик ва топо-геодезик ташкилотлар, кидирув, разведка, суратга олиш, гидрогеологик, геофизик, ўрмон барпо этиш ва ер тузиш экспедициялари, партия ва отрядлари, йўналишдаги қурилиш-монтаж ва махсус поездлар, йўл машина станциялари, кўчма механизациялашган ва махсус колонналар, ер ости йўллари, кўприк қуриш ва сузиб юривчи отрядлар ва участкалар, қурилиш-монтаж ва ишга тушириш ташкилотлари, механизация ва сувости-техник ишлар бошқармалари, шунингдек, шу каби, фаолият тури кўчиб юриш билан боғлиқ тенглаштирилган ташкилотларда ишлайдиган ва доимий турар жойига эга бўлмаган ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар уларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлган асосий базалари, қурилиш-монтаж ва бошқа ташкилотлари жойлашган ҳудуддаги ҳарбий рўйхатга олиш органларида рўйхатга олинадилар.

Ушбу ташкилотларга ишга қабул қилинаётган ва ишдан бўшатилаётган ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш учун ушбу ташкилотлар маъмурияти ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг қайд этиш варақаси (уй дафтари) ва ҳарбий-ҳисоб ҳужжатларини тегишли ҳарбий рўйхат органларига тақдим қилишлари лозим.

**7-боб. Ҳарбий хизматга мажбурлар, чақирилувчилар ва
мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва
жавобгарлиги**

38. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунига асосан идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклларида қатъи назар ташкилотлар маъмурияти ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг ҳарбий рўйхатда туриши, чақирув участкаларида қайд қилиниши, муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилиши, ҳарбий йиғинлар ҳамда мудофаа ишлари бўлими томонидан ўтказиладиган ўқув машғулотларида қатнашиши учун қонунда белгиланган тартибда уларни иш жойини (лавозимини) сақлаган ҳолда ишдан озод қиладилар. Бунда ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг доимий иш жойи бўйича ўртача иш ҳақи сақланади.

Мудофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги Чақирилувчиларни ҳарбий-

техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш марказларида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда тайёргарликдан ўтаётган чақирилувчиларнинг иш жойи, лавозими ва ўртача иш ҳақи уларнинг бутун тайёргарлик даврида, шу жумладан, ўқиш (йиғинлар) ўтказиладиган жойга бориш ва у ердан қайтиб келиш даврида сақланиб қолади.

Чақирилувчиларга уларнинг таълим олиш (йиғинлар) даврида уй-жой ижарасига кетган харажатлари қопланиши, ўқиш ўтказиладиган жойга бориш ва у ердан қайтиб келиш (агар бу бошқа аҳоли пунктига бориш билан боғлиқ бўлса) йўл ҳақи ҳамда ўртача иш ҳақи тўланиши уларнинг асосий иш жойида амалга оширилади.

39. Муддатли ҳарбий хизматга, контракт бўйича ҳарбий хизматга, офицерлик мансабида ишлатиш учун сафарбарлик чақирув резервидаги муддатли ҳарбий хизматга чақириладиганда, ҳарбий билим юртига қабул қилинаётганда ишчи хизматчиларга ҳамда стипендия олувчи таълим муассасалари ўқувчиларига қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ўқишдан бўшатиш пули тўланади.

40. Ҳарбий йиғинларга жалб этилган ҳарбий хизматга мажбурлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган тартибда ва миқдорларда пул ҳамда бошқа турдаги таъминот оладилар.

Ҳарбий йиғинлар даврида, шу жумладан, улар ўтказиладиган жойга бориш ва у ердан қайтиб келиш даврида ҳарбий хизматга мажбурларнинг иш жойи (лавозими) ва иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

Мазкур шахслар билан тузилган меҳнат шартномаси чақирув қоғози олинган кундан ҳарбий йиғинлардан қайтилгунга қадар бўлган даврда иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин эмас, ташкилот тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

Ташкилот ўз фаолиятини батамом тугатган тақдирда ҳарбий хизматга мажбурларга ўқув йиғинга (машғулотга) қатнашиши давомидаги муддат учун иш ҳақи ва бошқа моддий таъминотлар қонунчиликда белгиланган тартибда тўлаб берилади.

Агар ҳарбий хизматга мажбур ҳарбий йиғинлар вақтида касал бўлиб қолса ва ҳарбий йиғинлар тугаганидан кейин ҳам касаллиги давом этса, унинг иш жойи (лавозими) сақланиб қолади, ҳарбий йиғинлар тугаган кундан бошлаб иш ҳақи ўрнига қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади.

41. Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларига мутахассислар тайёрлаш учун мудофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги Чақирилувчиларни ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёрлаш марказларининг ўқув муассасаларига жалб қилинган ўсмирлар учун ўқув давомида қисқартирилган иш куни жорий қилинади, имтиҳонларга тайёрланиш ва топшириш вақтида эса, уларга ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда асосий иш жойларидан 7 — 15 кунлик таътил (мутахассислиги ва ўқув дастурига боғлиқ равишда) берилади.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун жалб қилинган чақирилувчиларнинг ўқиш давомида ва ўқишга бориб келиш вақтида иш жойи,

лавозими сақланади ва ўртача иш ҳақи тўланади. Чақирилувчилар ўқиш давомидаги турар жойи учун тўланадиган ижара ҳақи харажатлари ҳамда ўқишга бориб келиш йўл харажатлари улар доимий ишлаётган ташкилот томонидан тўланади.

42. Мудофаа вазирлиги органлари томонидан диспансер ёки стационар текширувига юборилган фуқароларнинг тиббий муассасада бўлган бутун даври мобайнида иш жойи, эгаллаган лавозими, ўртача иш ҳақи сақланиб қолади ҳамда текширув жойига бориш ва у ердан қайтиб келишга кетган харажатлари иш (ўқиш) жойида қопланади. Стационар даволанишга юборилганда уларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш жойида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

43. Чақирилувчилар ҳарбий рўйхатдан чиқиш учун мудофаа ишлари бўлимларига шахсан келишлари ва янги яшаш жойларига боргач, уч кун муддат ичида рўйхатга туришлари шарт.

44. Захирадаги офицерлар рўйхатга туриш учун мудофаа ишлари бўлимларига шахсан келишлари лозим. Мудофаа ишлари бўлиmidан олисда яшовчи захирадаги офицерларни рўйхатга қўйиш ва рўйхатдан чиқариш ҳарбий ҳисобни юритиш вазифаси юкланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ўтказилиши мумкин.

45. Ҳарбий хизматга мажбурлар, чақирилувчилар оилавий ахволи, саломатлиги, турар жойи, маълумоти, иш жойи ва лавозими ўзгарган тақдирда ўзлари ҳарбий рўйхатда турган жойдаги органларга бу ҳақда етти кунлик муддат ичида шахсан маълум қилишлари шарт.

46. Агар ҳарбий рўйхат қоидаларининг бузилиши маълум бўлса, у ҳолда қонундан бузган фуқаролар ва мансабдор шахслар қонунларда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

8-боб. Яқуний қоида

47. Ушбу Йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

382 **Халқаро шартнома лойиҳасини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани ишлаб чиқиш ҳақидаги услубий кўрсатмаларни тасдиқлаш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3273*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги СҚ-350-III-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Халқаро шартнома лойиҳасини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани ишлаб чиқиш ҳақидаги услубий кўрсатмалар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 июнь,
54-сон

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 июнь,
1-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазирлиги ва Адлия
вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги
54, 1-сон қарорига
ИЛОВА

**Халқаро шартнома лойиҳасини тайёрлаш ва Ўзбекистон
Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада
иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги
масалани ишлаб чиқиш ҳақидаги
УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

Мазкур Услубий кўрсатмалар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонунига (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) мувофиқ халқаро шартнома лойиҳасини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани ишлаб чиқиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Услубий кўрсатмалар халқаро шартнома лойиҳасини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва экспертлар даражасида ишлаб чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани экспертлар даражасида ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг матнларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган.

2. Мазкур Услубий кўрсатмалар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўлмаган халқаро ҳужжатларни ишлаб чиқишда ҳам қўлланилади.

3. Мазкур Услубий кўрсатмаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аҳдлашувчи томон — халқаро шартноманинг мустақил томони сифатида иштирок этаётган ҳамда у кучга кирганлигидан ёки кирмаганлигидан қатъи назар, ушбу халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилик билдирган давлат (давлатлар), халқаро ташкилот (халқаро ташкилотлар) ва (ёки) халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект (бошқа субъектлар);

ваколатлар — битта шахснинг ёки бир нечта шахснинг Ўзбекистон Республикаси вакили бўлиш ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг (мансабдор шахсининг) қарори асосида амалга оширилади ва музокараларда иштирок этаётган томонга ёки депозитарийга: музокаралар олиб бориш ва халқаро шартноманинг матнини қабул қилиш ёки унинг аутентиклигини белгилаш;

ҳалқаро шартномани имзолаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилигини билдириш;

ҳалқаро шартномага тааллуқли бошқа ҳаракатни амалга ошириш мақсадида бериладиган ваколатлар тўғрисидаги гувоҳнома билан тегишли тарзда расмийлаштирилади;

давлат органи — Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқи берилган Ўзбекистон Республикаси вазирлиги, давлат қўмитаси, шунингдек, бошқа органи;

депозитарий — халқаро шартнома қоидаларига мувофиқ ушбу халқаро шартноманинг асл нусхаси ўзига сақлаш учун топшириладиган ва мазкур халқаро шартномага нисбатан ушбу халқаро шартномада ва халқаро ҳуқуқда назарда тутилган вазифаларни бажарадиган давлат, халқаро ташкилот ёки унинг бош ижрочи мансабдор шахси;

музокараларда иштирок этаётган томон — халқаро шартноманинг матнини тузиш ва қабул қилишда иштирок этаётган давлат, халқаро ташкилот ва (ёки) халқаро шартномаларни тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект;

ратификация ёрлиғи — халқаро шартнома Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан қўриб чиқилганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи ва халқаро шартноманинг Ўзбекистон Республикаси учун мажбурий эканлигига бўлган розиликни ифодаловчи махсус ҳужжат;

ҳалқаро ташкилот — ўзининг таъсис ҳужжатида мувофиқ халқаро хусусиятга эга муайян вазифаларни бажариш учун ташкил этилган ва халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўлиш ҳуқуқига эга бўлган давлатлараро (ҳукуматлараро) ташкилот;

ҳалқаро шартнома иштирокчиси — халқаро шартноманинг мустақил томони сифатида иштирок этаётган, халқаро шартноманинг ўзи учун мажбурий эканлигига розилик билдирган ва ўзи учун халқаро шартнома кучга кирган давлат, халқаро ташкилот ва (ёки) халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси — битта ҳужжатдан, иккита ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир нечта ҳужжатдан иборат бўлишдан, шунингдек, ўзининг муайян номидан ва тузилиш усулидан (шартнома, битим, конвенция, акт, пакт, баённома, хатлар ёки ноталар алмашинуви ҳамда халқаро шартноманинг бошқача номлари ва тузилиш усулларида) қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси томонидан чет давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект билан ёзма шаклда тузилган, халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган халқаро келишув;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини имзолаш — халқаро шартномани тузиш босқичи ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига бўлган розилигини, агар халқаро шартномада имзолаш шундай кучга эга эканлиги назарда тутилган бўлса ёки Ўзбекистон Республикасининг ва музокараларда

иштирок этаётган бошқа томонларнинг имзолаш шундай кучга эга бўлиши кераклиги ҳақидаги келишуви бошқача тарзда белгиланган бўлса ёки имзолашга шундай куч бериш мақсади музокараларда иштирок этаётган томон вакилининг ваколатларидан келиб чиқса ёхуд музокаралар вақтида билдирилган бўлса, билдириш шакли;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тузиш — халқаро шартноманинг мазмунини шакллантириш, унинг матнини қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилигини билдиришга доир тартиб-таомиллар кетма-кетлиги;

қўшимча шарт — Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномани имзолаш, ратификация қилиш, тасдиқлаш, қабул қилиш ёки унга қўшилиш чоғида қилинган ҳар қандай таърифдаги ва ҳар қандай номдаги бир томонлама расмий ёзма баёноти бўлиб, у орқали халқаро шартнома муайян қоидаларининг Ўзбекистон Республикасига нисбатан қўлланилиши борасида бу қоидаларни истисно қилиш ёки уларнинг юридик кучини ўзгартириш истаги ифодаланади.

4. Халқаро шартнома қуйидаги асосий белгиларга эга:

халқаро шартнома ёзма шаклда тузилган бўлиши лозим;

Ўзбекистон томонидан давлат, ҳукумат ёхуд давлат органи, чет эл томонидан — давлат, ҳукумат ёки давлат органи, халқаро ташкилот ёхуд халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект халқаро шартнома томонлари бўлиши мумкин;

халқаро шартномада юридик мажбурият юкловчи қоидалар келтирилиши лозим, яъни унинг томонлари учун халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар яратиши лозим. Ҳужжат, агар давлатлардан бирининг ички ҳуқуқи билан тартибга солинса, у халқаро шартнома ҳисобланмайди.

5. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш бўйича давлат органи ваколатлари унинг низомида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланади.

2-боб. Халқаро шартнома лойиҳасини тайёрлашни ташкил этиш

6. Халқаро шартнома лойиҳасини тайёрлашда давлат органи:

халқаро шартнома тузиш орқали тартибга солишни талаб қиладиган муаммо ёки масалаларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаши;

Ўзбекистон Республикаси учун халқаро шартномани тузиш мақсадга мувофиқлиги ва амалий аҳамиятини аниқлаши;

тегишли соҳада ҳуқуқий тартибга солишнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиши (Ўзбекистон Республикасининг амалдаги халқаро шартномаларини ва миллий қонунчилигини ўрганиши);

халқаро шартнома тузиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган молиявий-иқтисодий оқибатларнинг ёки бошқа оқибатларнинг баҳоланиши;

халқаро шартнома лойиҳаси қоидаларининг Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқлигини аниқлаши;

янги халқаро шартнома тузилиши муносабати билан илгари тузилган халқаро шартномаларнинг қоидаларига ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилиши ёки унинг иштирокчилари ўртасидаги бошқа халқаро шартномаларнинг амал қилиши тугатилиши лозимлигини аниқлаши;

халқаро шартнома тузилиши муносабати билан қабул қилиниши, ўзгартирилиши, қўшимча киритилиши ва (ёки) ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқлаши зарур.

7. Халқаро шартнома лойиҳаси қуйидаги талабларга мос келиши керак:

халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига зид келмаслиги;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қоидаларини такрорламаслиги (айни бир масала бўйича иккита ёки ундан ортиқ шартнома тузишга йўл қўйилмайди);

мазмунининг унинг объекти ва мақсадларига мос келиши;

ўз кучини йўқотган халқаро шартномаларга ҳаволалар келтирилмаслиги;

халқаро шартномалар тузиш ва расмийлаштириш амалиётига мос келиши.

8. Халқаро шартнома лойиҳасини тайёрлашда давлат органи халқаро шартнома тузиш даражасидан (давлатлараро, ҳукуматлараро, идоралараро) қатъи назар, халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан унинг иштирокчилари давлатлар ҳисобланишига эътибор қаратиши лозим. Идоралараро халқаро шартнома билан юкланадиган мажбуриятлар нафақат номидан шартнома тузилган давлат органларининг, балки тегишли давлатларнинг ҳам мажбуриятлари ҳисобланади.

9. Халқаро шартнома бўйича ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бузилиши халқаро ҳуқуқ доирасида уларни бузган томон учун ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Қуйидагилар аниқланган ҳолларда давлат органи халқаро шартнома тузишдан тийилиши ёки уни халқаро шартнома бўлмаган халқаро ҳужжат сифатида ишлаб чиқиши лозим:

халқаро шартноманинг мавжуд эмаслиги чет эл томони билан юзага келган масалаларни ҳал этишга ёки ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари ва шакллари амалга оширишга тўсқинлик қилмаса;

лойиҳа халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келишини назарда тутмаса.

10. Халқаро шартнома лойиҳаси экспертлар даражасида ишлаб чиқиш бошлангунга қадар давлат органининг юридик хизмати томонидан Қонунга, мазкур Услубий кўрсатмаларга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

**3-боб. Халқаро шартнома лойиҳасини юридик-техник
жиҳатдан расмийлаштириш**

11. Халқаро шартнома лойиҳасига қўйиладиган умумий талаблар қуйидагилар ҳисобланади:

халқаро шартнома лойиҳасининг ўзида зиддиятли қоидаларнинг йўқлиги;
халқаро шартнома лойиҳасини баён қилиш тилининг аниқлиги, оддийлиги ва тушунарлилиги;

халқаро шартнома лойиҳаси матнидаги мантикий изчиллик ва қоидаларнинг ўзаро боғлиқлиги;

халқаро шартнома лойиҳасидаги қоидаларнинг қисқалиги, норматив кўрсатмалар такрорланишини истисно қилиш;

халқаро шартнома лойиҳасида берилган таърифларнинг аниқлиги ва равлонлиги, матнда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамаларнинг бир хиллиги.

12. Зарур ҳолларда халқаро шартнома лойиҳасига айни бир хил масала бўйича халқаро шартноманинг (унинг бир қисмининг) аввалги ва (ёки) кейинги халқаро шартномалар билан ўзаро нисбатини, шунингдек, халқаро шартномаларни янги халқаро шартнома иштирокчилари ўртасида қўллашни давом эттириш ёки амал қилишини тугатишни белгилайдиган қоидалар киритилади.

13. Халқаро шартнома лойиҳасининг матнини компьютер воситасида босиб чиқаришда «Times New Roman» 14 ёки 15 ўлчамли шрифтини қўллаган ҳолда Microsoft Word матн редакторидан фойдаланиш тавсия қилинади.

Қоида тариқасида, А4 форматдаги стандарт қоғоз варағида, ҳар бир бетнинг хошиялари барча томондан 3 см, қатор оралиғи 1 интервалда, биринчи қатор хатбошиси 1,27 см, белгилараро интервал оддий, кўлами (масштаб) 100 фоиз, силжишларсиз бўлиши лозим.

Саҳифанинг тартиб рақами варақнинг пастки марказидан 2 рақамидан бошлаб ёзилади, чеккасида колонтитулгача масофа 1 см бўлади ҳамда биринчи бетида 1 рақами қўйилмайди.

14. Халқаро шартноманинг номи ва унинг таркибий бирликлари сарлавҳалари ярим қора шрифтда, матн марказга тўғирланган ҳолда, қўштирноқларсиз, қаторлараро бирлик интервалда ва хатбошисиз ёзилади.

15. Имзоланиши режалаштирилаётган халқаро шартномалар матнлари (бундан идоралараро шартномалар мустасно) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги буюртмасига кўра ихтисослаштирилган ташкилот томонидан тайёрланадиган, «сув белгиси»га эга махсус шартнома қоғозида чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиши режалаштириладиган, халқаро шартнома бўлмаган икки томонлама халқаро ҳужжатлар матнлари ҳам форматлашга доир талабларни инобатга олган ҳолда махсус шартнома қоғозида чоп этилади.

Идоралараро халқаро шартномалар ва халқаро шартнома бўлмаган бошқа халқаро ҳужжатлар матнларини тайёрлашда А4 форматидаги стан-

дарт қоғоздан ёки музокараларда иштирок этаётган томонлар билан келишилган ҳолда қоғознинг исталган бошқа туридан фойдаланиш мумкин.

4-боб. Халқаро шартноманинг тили ва атамаларига оид талаблар

16. Халқаро шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ва бошқа ахдлашувчи томоннинг тилида баён этилади. Бошқа ахдлашувчи томон билан келишувга кўра ўзга тил халқаро шартноманинг тили деб танланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартноманинг матни Ўзбекистон Республикасининг давлат тилига норасмий таржима қилиниши лозим.

17. Халқаро шартнома лойиҳасини ёки кўп томонлама халқаро шартнома матнини давлат тилига таржима қилиш уларни экспертлар даражасида қайта ишлаш босқичида ваколатига халқаро шартнома билан тартибга солинадиган масалалар кирадиган давлат органи томонидан мустақил равишда ёки таржима қилиш хизматлари билан шуғулланувчи юридик ёки жисмоний шахслар жалб қилинган ҳолда таъминланади (қонун ҳужжатларига мувофиқ ёхуд музокараларда иштирок этаётган томон билан келишувга кўра учинчи шахслар фойдаланиши учун чеклов белгиланган ҳоллар бундан мустасно).

18. Халқаро шартнома лойиҳасида фойдаланиладиган атамалар ва тушунчалар маъноси ва мазмунига кўра айнан мос бўлиши ҳамда бир хилда қўлланилиши лозим, шунингдек, уларга берилган таърифлар қоида тариқасида, матннинг асосий қисми бошига жойлаштирилган ҳолда унинг алоҳида таркибий қисмида келтирилади. Халқаро шартноманинг бир қисми учун аҳамиятга эга атамаларнинг таърифлари унинг ушбу қисмида келтирилади.

19. Халқаро шартномадаги атамалар умум қабул қилинган сўзлар ва сўз бирикмаларидан фойдаланган ҳолда шакллантирилади. Айни бир тушунчаларни белгилаш учун халқаро шартнома лойиҳасида айнан бир хил атамалардан фойдаланилади, турли тушунчалар эса мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳар хил атамалар билан белгиланади. Қўлланиладиган атамалар бир нечта маънога ёки одатдагидан бошқача маънога эга бўлса, халқаро шартнома лойиҳасида фойдаланилаётган атаманинг қандай маънони англатиши кўрсатиб ўтилади.

20. Тушунчалардан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларидан, халқаро ҳужжатларда ва изоҳли (энциклопедик) луғатларда келтирилган умум қабул қилинган таърифлардан келиб чиқиш лозим. Халқаро шартнома лойиҳасида унчалик таниш бўлмаган ва махсус атамаларнинг, шунингдек, турлича талқин қилинадиган сўзларнинг таърифларини бериш мақсадга мувофиқ.

21. Халқаро шартнома лойиҳасида ноаниқ таърифлардан, умумлаштирилган фикрлардан, қисқартмалардан фойдаланишга йўл қўйилмайди, бундан умум қабул қилинган қисқартмалар мустасно.

22. Халқаро ташкилотлар ва уларнинг органлари, давлат органлари, ташкилотлар, шунингдек, халқаро шартнома лойиҳасида фойдаланиладиган ҳужжатлар номлари уларнинг расмий номларга мос ҳолда аниқ ва тўлиқ кўрсатилади.

Халқаро шартнома лойиҳасида номни бир неча марта кўрсатиш талаб қилинса, шунингдек, сўз бирикмаси билан ифодаланадиган у ёки бу тушунча бир неча бор қўлланилса, ном ёки тушунча у илк бор фойдаланилган таркибий қисмда тўлиқ келтирилади. Бунда қисқартма (шартли) ифода бош келишиқда қавс ичида кўрсатилади ва кейинги қоидаларда айнан ундан фойдаланилади.

Мисол:

«Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (кейинги ўринларда — ШХТ МАТ)».

23. Қоида тариқасида, халқаро шартнома қоидалари бирлик сондан фойдаланган ҳолда шакллантирилади.

1-мисол:

«...Томонлардан ҳар бирининг ваколатли органи ўз давлати ҳудудида унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ... амалга оширади»;

2-мисол:

«Ваколатли органлар рўйхати ҳар бир Томон тарафидан аниқланади ва Битим кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганлик тўғрисидаги хабарнома топшириляётганда депозитарийга тақдим қилинади».

24. Ҳукуматлараро ва идоралараро шартномалар лойиҳаларида «қонунчилик» ва «ҳудуд» атамаларидан фойдаланганда уларни тегишинча «Томонлар давлатларининг қонунчилиги», «Томон давлатининг қонунчилиги» ва «Томонлар давлатларининг ҳудуди», «Томон давлатининг ҳудуди» сўз бирикмалари орқали қўллаш лозим. Давлатлараро шартномаларда «Томонлар қонунчилиги», «Томон қонунчилиги» ва «Томонлар ҳудуди», «Томон ҳудуди» шакллари қўлланилади. Бунда «қонунчилик» атамаси фақат бирликда қўлланилади.

25. Халқаро шартнома лойиҳасининг асосий матнида томонларнинг хошиш-истаклари ёки мақсадлари баён этилмаслиги лозим (халқаро шартнома бўлмаган халқаро ҳужжатлар матнлари бундан мустасно). Халқаро шартнома қоидалари мажбуриятлар сифатида шакллантирилиши лозим ҳамда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини баён этишда ҳозирги замоннинг аниқлик майлидаги феъллардан фойдаланилади.

Мисол:

«Томонлар қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ҳамкорлик қиладилар...», «Томонлар ... қоидалар амалга оширилишини таъминлайдилар» ва ҳоказо.

26. Қоида тариқасида, халқаро шартномаларда ва халқаро шартнома бўлмаган халқаро ҳужжатларда турли атамалардан фойдаланилади.

Халқаро шартномаларда ҳамда халқаро шартнома бўлмаган халқаро

ҳужжатларда энг кўп фойдаланиладиган айрим сўзлар ва атамалар мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 1-илоvasида* келтирилади.

5-боб. Халқаро шартномаларда ҳаволаларни қўллаш

27. Халқаро шартноманинг моддалари, бандлари, кичик бандлари ёки хатбошиларидаги унинг бошқа моддалари, бандлари, кичик бандлари ёки хатбошиларига ҳаволалар уларнинг ўзаро алоқасини кўрсатиш ёхуд так-
рорланишларнинг олдини олиш зарур бўлганда қўлланилади.

Мисол:

«Низоли вазиятларда реализация қилиш тақиқланган маҳсулот мазкур Битимнинг 3-моддасига мувофиқ аккредитациядан ўтган лабораторияларда мустақил экспертизадан ўтказилади».

28. Бошқа халқаро шартноманинг ёки бошқа ҳужжатнинг муайян қоидаларига ҳаволада унинг расмий номи, қабул қилинган санаси келтирилиши, шунингдек, ҳавола қилинаётган қоида аниқ кўрсатилиши керак.

Мисол:

«1974 йил 12 декабрдаги Давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари хартиясининг 27-моддаси 1-бандига мувофиқ ҳар бир давлат жаҳон савдоси келтирадиган фойдадан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга».

29. Халқаро шартномада «мазкур» сўзидан фойдаланган ҳолда фақат халқаро шартноманинг ўзига ёки унинг қоидаcига ҳавола қилинади.

Мисол:

«Томонлар мазкур Битимнинг 3-моддаси 1-бандига кўрсатилган товарлар бўйича божхона расмийлаштирувининг соддалаштирилган тартибини белгилайдилар».

30. Халқаро шартнома лойиҳаларида ўз навбатида бошқа нормага ҳаволани акс эттирган нормага ҳавола қилишдан тийилиш лозим.

6-боб. Халқаро шартноманинг номи ва тузилиши

1-§. Халқаро шартноманинг номи ва таркибий қисмлари

31. Шартномавий-ҳуқуқий амалиётда халқаро шартномалар кўпинча шартнома, битим, конвенция ва баённома каби кенг тарқалган номларда тузилиши мумкин.

Халқаро шартнома бўлмаган халқаро ҳужжатлар, қоида тариқасида, декларациялар, баёнотлар, коммюнике, англашув меморандумлари, ахдлашув баённомалари, ҳамкорлик режалари ва дастурлари шаклида қабул қилиниши мумкин.

Бундай халқаро ҳужжатларда юридик мажбурият юкловчи қоидалар келтирилмаслиги ва улар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартно-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

малари, Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги лозим. Улар, қоида тариқасида, халқаро ҳамкорликнинг турли тармоқларида биргаликда фаолият олиб бориш бўйича томонларнинг мақсадларини ва (ёки) сиёсий иродасини ифодаловчи ҳужжатлар сифатида қаралади.

Халқаро шартнома бўлмаган халқаро ҳужжат лойиҳасига, қоида тариқасида, ҳужжатнинг юридик кучи ҳақидаги қоида киритилади.

1-мисол:

«Мазкур Меморандум халқаро шартнома ҳисобланмайди ва Томонлар зиммасига халқаро ҳуқуққа мувофиқ юридик мажбуриятлар юкланмайди»;

2-мисол:

«Мазкур Меморандум халқаро шартнома ҳисобланмайди ва Томонлар учун халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган бирор-бир ҳуқуқ ва мажбуриятлар келтириб чиқармайди».

32. Халқаро шартноманинг номи унинг мазмунини ва ҳуқуқий тартибга солиш предметини ўзида акс эттириши лозим.

33. Икки томонлама халқаро шартноманинг номида унинг томонлари кўрсатилади:

давлатлараро шартноманинг номида шартнома *«Ўзбекистон Республикаси билан ... (бошқа томон давлатининг ёки халқаро ташкилотнинг расмий номи) ўртасида»* тузилиши кўрсатилади;

ҳукуматлараро шартноманинг номида *«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан ... (бошқа томон давлатининг расмий номи) Ҳукумати ёки (халқаро ташкилотнинг расмий номи) ўртасида»* тузилиши кўрсатилади;

идоралараро шартноманинг номида *«(Ўзбекистон Республикаси давлат органининг тўлиқ номи) билан ... (бошқа томон давлати идорасининг тўлиқ номи ёки халқаро ташкилотнинг расмий номи) ўртасида»* тузилиши кўрсатилади.

Агар халқаро шартноманинг номига томонлар тилга олинган бошқа халқаро шартноманинг номи киритилса, халқаро шартноманинг номидан кейин томонлар номини тушириб қолдириш мумкин.

Мисол:

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2006 йил 20 мартдаги Халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги Битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённома» (яъни қуйидагича бўлмайди: *«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2006 йил 20 мартдаги Халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги Битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Баённома»*).

34. Диагонал халқаро шартномаларни тузиш (масалан, бир тарафдан давлат номидан ва бошқа тарафдан ҳукумат номидан) шартнома амалиётига хос эмас. Агар халқаро шартнома билан тартибга солинадиган масалалар Ўзбекистон Республикасида ҳукумат ваколатларига кирса, ҳамкор дав-

латда эса унинг ҳукумати ваколатларига кирмаса ёки аксинча бўлса, халқаро шартнома давлатлараро даражада тузилиши лозим.

35. Халқаро шартнома, қоида тариқасида, муқаддима, асосий қисм, яқунловчи қоидалар ва зарур ҳолларда, иловалардан иборат бўлади.

2-§. Халқаро шартноманинг муқаддимаси

36. Халқаро шартномани тузишдан кўзланган сабаблар, мақсад ва вазифаларни тушунтириш лойиҳасининг мустақил қисми ҳисобланувчи кириш қисм — муқаддимада акс эттирилади.

Муқаддима халқаро шартнома лойиҳасининг номидан кейин жойлаштирилади. Муқаддима хатбошиларга бўлинади.

Муқаддима ҳуқуқий норматив кўрсатмаларни ўз ичига олмаслиги, моддаларга ёки бандларга бўлинмаслиги ва рақамланмаслиги керак.

Халқаро шартнома лойиҳасининг таркибий бирликларида муқаддима бўлиши мумкин эмас.

37. Икки томонлама халқаро шартномада муқаддима ҳажми, қоида тариқасида, уч-тўрт хатбошидан ошмайди. Кўп томонлама халқаро шартномада муқаддима бу ҳажмдан кўп бўлиши мумкин.

Муқаддимага халқаро шартномада фойдаланиладиган атамалар таърифларини киритиш керак эмас.

38. Муқаддиманинг бошланиши қуйидаги тарзда шакллантирилади:

икки томонлама халқаро шартнома бўлса:

давлатлараро шартнома учун — *«Ўзбекистон Республикаси ва ... (бошқа томон давлатининг ёки халқаро ташкилотнинг расмий номи), кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар»;*

ҳукуматлараро шартнома учун — *«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва ... (бошқа томон давлатининг номи) Ҳукумати ёки (халқаро ташкилотнинг расмий номи), кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар»;*

идоралараро шартнома учун — *«... (Ўзбекистон Республикаси давлат органининг тўлиқ номи) ва ... (бошқа томон давлати идорасининг тўлиқ номи ёки халқаро ташкилотнинг расмий номи), кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар».*

Кўп томонлама халқаро шартномада муқаддима *«Аҳдлашувчи Томонлар»* ёки *«Томонлар»* сўзлари билан бошланади.

39. Кўп томонлама халқаро шартноманинг муқаддимасида, шунингдек икки томонлама халқаро шартноманинг муқаддимасида, қоида тариқасида, шартнома имзолашга ваколатли шахслар фамилиялари ва лавозимлари кўрсатилмайди. Шунингдек, *«мазкур Шартноманинг иштирокчи-давлатлари номидан ҳукуматлар ...»* ёхуд *«Мазкур Шартнома иштирокчи-давлатларининг Ҳукуматлари...»* каби шакллардан фойдаланишдан тийилиш тавсия этилади.

40. Халқаро шартноманинг муқаддимасига, шунингдек, асосий матнига ҳужжатларга ҳаволалар киритилганда бундай ҳужжатларнинг номлари

тўлик, қисқартмаларсиз, улар имзоланган (қабул қилинган) сана кўрсатилган ҳолда келтирилади. Улар тегишли ҳужжатлар номлари билан солиштирилиши лозим.

41. Томонлар учун кучга кирмаган халқаро шартномаларга, шунингдек, улар томонидан мажбурий деб тан олинмайдиган ҳужжатларга ҳавола қилинганда «*(ҳужжатнинг расмий номи)га амал қилиб*», «*(ҳужжатнинг расмий номи)га асосланиб*» каби иборалардан фойдаланмаслик зарур. Бундай ҳолларда «*(ҳужжатнинг расмий номи) қоидаларини эътиборга олиб*», «*(ҳужжатнинг расмий номи)ни инобатга олган ҳолда*» каби иборалардан фойдаланиш мумкин.

42. Муқаддиманинг охирги хатбошиси қуйидагича шакллантирилади: шартнома лойиҳасида — «... *қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:*»;

битим, баённома ва ҳоказолар лойиҳасида — «... *қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:*»;

англашув меморандуми ва аҳдлашув баённомаси лойиҳасида — «... *қуйидагилар тўғрисида ўзаро англашувга эришдилар:*».

3-§. Халқаро шартноманинг асосий матни

43. Халқаро шартномада матнни моддаларга бўлиш тавсия этилади. Халқаро шартноманинг матни кичик ҳажмда (бир нечта хатбошидан иборат) бўлганда ёхуд халқаро шартнома хатлар ёки ноталар алмашинуви орқали тузилганда халқаро шартнома матнини бандларга бўлишга йўл қўйилади.

Модда халқаро шартноманинг асосий таркибий элементи ҳисобланади ва унда яқунланган ҳуқуқий қоида келтирилади. Зарур ҳолларда, модда бандлар, кичик бандлар, хатбошиларга бўлинади. Ўз навбатида бандлар ҳам кичик бандлар ёки хатбошиларга, кичик бандлар эса, хатбошиларга бўлиниши мумкин.

44. Моддалар ўз мазмунини акс эттирадиган номга эга бўлиши мумкин. Бандлар номларга эга бўлмайди.

45. Агар халқаро шартнома матни моддаларга бўлиниб, улар ҳам ўз навбатида бандларга бўлинса, бундай бандлар изчил кетма-кетликда эмас, балки модда доирасида рақамланади. Кичик бандлар бандлар таркибида ажратилади.

Турли тиллардаги халқаро шартнома матнларида бандларни (кичик бандларни) ифодалашда ҳарфли белгилардан фойдаланилганда, айнан бир хил алифбодан (масалан, лотин алифбосидан) фойдаланиш лозим.

46. Халқаро шартнома лойиҳасининг ўз тузилишига кўра катта ҳажмли ва мураккаб бўлган матни одатда бўлимлар ва бобларга бўлинади, улар номга эга бўлиши мумкин.

47. Халқаро шартнома лойиҳасининг матнидаги ҳар бир гап, қоида тариқасида, 3-4 қатордан ошмаслиги керак.

4-§. Халқаро шартноманинг якунловчи қоидалари ва иловалари

48. Халқаро шартноманинг якунловчи қоидаларига унинг бошқа халқаро шартномалар билан ўзаро нисбати, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, низоларни тартибга солиш, халқаро шартноманинг кучга кириш шартлари, амал қилиш муддати, уни тугатиш мумкинлиги ва тартиби тўғрисидаги қоидаларни киритиш зарур. Жумладан:

а) бошқа халқаро шартномалар билан ўзаро нисбати.

Мисол:

«Мазкур Битим Томонларнинг давлатлари иштирокчилар бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди»;

б) ўзгартириш ва қўшимчалар.

Мисол:

«Томонларнинг келишувига кўра мазкур Битимга унинг ажралмас қисмлари ҳисобланадиган ҳамда алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин».

Бунда «халқаро шартномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги баённомалар халқаро шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади» деган қоидалар киритилмайди.

Агар халқаро шартномада унга ўзгартиришлар киритиш тартиби мавжуд бўлмаса, Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси асосида халқаро шартномага иштирокчилар ўртасидаги келишув бўйича ўзгартиришлар киритилиши мумкин;

в) низоларни тартибга солиш.

Мисол:

«Мазкур Битимни қўллаш ва талқин қилиш билан боғлиқ ҳар қандай низолар Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар ва музокаралар орқали ҳал этилади»;

г) кучга кириши.

1-мисол:

«Мазкур Битим у имзоланган санадан бошлаб кучга киради»;

2-мисол:

«Мазкур Битим Томонлар тарафидан Битим кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедуралари бажарилганлиги ҳақида сўнгги ёзма хабарнома дипломатик каналлар орқали олинган санадан бошлаб кучга киради»;

3-мисол:

«Мазкур Шартнома ратификация қилиниши лозим ва ратификация ёрлиқлари алмашилган кундан бошлаб кучга киради».

Айни бир халқаро шартномада унинг кучга киришининг биттадан ортиқ усулидан бир вақтда фойдаланилмайди.

Масалан, қуйидаги нотўғри:

«Мазкур Битим имзоланган санадан эътиборан кучга киради ёхуд

агар бир Томон давлатининг қонун ҳужжатларида Битим кучга кириши учун давлат ички процедуралари бажарилиши назарда тутилса, бундай процедуралар бажарилганидан кейин Томон давлатининг қонун ҳужжатларига мувофиқ кучга киради»;

д) вақтинчалик қўлланилиши.

Томонларнинг келишувига қўра халқаро шартнома лойиҳасига имзоланган санадан ёки томонлар билан келишилган исталган бошқа вақтдан эътиборан халқаро шартномани ёки унинг айрим қоидаларини вақтинчалик қўллаш тўғрисидаги қоида киритилиши мумкин.

1-мисол (қўп томонлама халқаро шартномада):

«Мазкур Битим имзоланган санадан бошлаб вақтинчалик қўлланилади ва депозитарий томонидан уни имзолаган Томонлар тарафидан Битим кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедуралари бажарилганлиги тўғрисида ёзма хабарнома олинган санадан бошлаб 30 кун ўтгач кучга киради.

Давлат ички процедураларини кечроқ бажарган Томонлар учун мазкур Битим депозитарий томонидан тегишли ҳужжатлар олинган санадан бошлаб 30 кун ўтгач кучга киради».

2-мисол (икки томонлама халқаро шартномада):

«Мазкур Битим имзоланган кундан эътиборан вақтинчалик қўлланилади ва Томонлар тарафидан Битим кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедуралари бажарилганлиги тўғрисида сўнги ёзма хабарнома дипломатик каналлар орқали олинган санадан эътиборан кучга киради».

Халқаро шартноманинг ёки унинг бир қисмининг вақтинчалик қўлланилиши халқаро шартномада фақатгина истисно ҳолларда, халқаро шартнома кучга киргунга қадар унинг қоидаларини қўллаш учун ҳақиқатда ва асосланган зарурат мавжуд бўлганда назарда тутилади. Халқаро шартноманинг вақтинча қўлланилиши тўғрисидаги қоида халқаро шартнома бутунлигича ёхуд унинг аниқ қоидалари муайян вақтдан бошлаб вақтинча қўлланилиши кўрсатилган ҳолда шакллантирилиши керак. Вақтинча қўлланилиши лозим бўлган қоидалар ҳажмини аниқ белгилаш имконини бермайдиган шакллардан фойдаланмаслик лозим.

Масалан, қуйидаги нотўғри:

«Мазкур Битимнинг Томонлар давлатлари қонунчилигига зид бўлмаган қисми у имзоланган санадан бошлаб вақтинча қўлланилади»;

е) қўшилиш.

Мисол:

«Мазкур Битим у кучга киргандан сўнг депозитарийга қўшилиши тўғрисидаги ҳужжатни бериш орқали исталган давлатнинг қўшилиши учун очиқ.

Қўшилаётган давлат учун Битим депозитарий томонидан қўшилиши тўғрисидаги ҳужжат олинган санадан бошлаб 30 кун ўтгач кучга киради».

Халқаро шартномада унинг объекти ва мақсадларига қараб, шунингдек,

томонлар келишувига кўра, кўп томонлама халқаро шартномага унинг иштирокчилари розилиги билангина қўшилиш мумкинлиги ҳақидаги қоида келтирилиши мумкин. Бунда халқаро шартноманинг тегишли қоидаларида қўшилишга розиликни ифодалаш механизми белгиланиши керак.

Мисол:

«Мазкур Битим барча Томонларнинг розилиги билан унинг мақсадлари ва принципларини қўллаб-қувватлайдиган бошқа давлатларнинг депозитарийга қўшилиш ҳақида ҳужжатлар бериш орқали қўшилиши учун очиқ. Депозитарий Томонларнинг бундай қўшилишга розилиги ҳақидаги сўнги хабарномасини олган кундан бошлаб қўшилиш кучга кирган ҳисобланади»;

ж) амал қилиш муддати, амал қилишини тугатиш, чиқиш.

Халқаро шартномалар маълум муддатга, номаълум вақтга тузилиши мумкин ёки умуман муддатсиз бўлиши мумкин.

Мисол:

«Мазкур Битим номаълум муддатга тузилади. Томонларнинг ҳар бири депозитарийга мазкур Битимдан чиқиш истаги тўғрисида чиқишдан камида 12 ой олдин ёзма хабарнома юбориб ҳамда Битим амал қилган вақтда юзага келган молиявий ва бошқа мажбуриятларни тартибга солган ҳолда, ундан чиқишга ҳақли».

Зарур ҳолларда, халқаро шартнома лойиҳасига ундан чиқиш ёки унинг амал қилишини тугатишнинг алоҳида шартлари киритилади;

з) қўшимча шартлар.

1-мисол:

«Мазкур Битимга доир қўшимча шартларга йўл қўйилмайди»;

2-мисол:

«Мазкур Битимнинг 5 ва 6-моддаларига доир қўшимча шартларга йўл қўйилмайди».

Бундай қоидалар мавжуд бўлмаганда, халқаро ҳуқуқда тақиқланмаган ҳар қандай қўшимча шартларни қўйиш мумкин деб ҳисобланади.

49. Агар халқаро шартнома лойиҳасида жадваллар, графиклар, харталар, схемалар, рўйхатлар келтирилса, улар иловалар шаклида расмийлаштирилиши лозим, тегишли моддалар (бандлар) эса ушбу иловаларга ҳаволаларга эга бўлиши керак. Иловалар, қоида тариқасида, имзоланмайди.

Мисол:

«Илова мазкур Шартноманинг ажралмас қисмини ташкил этади».

Халқаро шартномага иловалар араб рақамлари билан «№» белгиси қўйилмасдан рақамланади. Бир нечта иловага ҳаволалар келтирилса, қуйидагича кўрсатилади: «1 — 4-иловаларга мувофиқ».

Иловада уни халқаро шартноманинг асосий матни билан боғлайдиган сарлавҳа ва белги бўлиши керак. Мазкур реквизитлар у қайси шартномага тааллуқлилигини кўрсатувчи белги билан илованинг юқори ўнг бурчагига жойлаштирилади.

Мисол:

*«Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан
Озарбайжон Республикаси Хукумати ўртасида
Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон
Республикаси фуқароларининг визасиз сафар
қилишлари тўғрисида Битимга
1-ИЛОВА».*

Иловалари мавжуд халқаро шартноманинг бетлари, қоида тариқасида, изчил кетма-кетликда рақамланади.

50. Ратификация қилиш тўғрисидаги қоида, агар унда ратификация қилиш учун асослар мавжуд бўлса, халқаро шартнома лойиҳасига киритилади.

Халқаро шартномалар лойиҳаларига ратификация қилиш тўғрисидаги қоидалар томонлардан бири шартнома ратификация қилиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган ҳолларда ҳам киритилиши мумкин, бундан идоралараро шартномалар мустасно.

51. Худди шунингдек, музокараларда қатнашувчи томонларнинг келишуви бўйича халқаро шартномалар лойиҳаларига уларни тасдиқлаш (қабул қилиш) тўғрисидаги шартлар киритилиши мумкин.

52. Агар томонлар халқаро шартнома кучга кириши учун турли юридик тартиб-таомиллар ўтказиши зарур деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлса (масалан, шартнома бир томон тарафидан ратификация қилинадиган, бошқа томон тарафидан эса тасдиқланадиган бўлса), қоида тариқасида қуйидаги ифодадан фойдаланилади: *«Шартнома Томонлар тарафидан унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедуралари бажарилганлиги тўғрисида сўнгги ёзма хабарнома олинган санадан бошлаб кучга киради».*

53. Икки томонлама халқаро шартноманинг амал қилиш муддатини аниқлашда унинг амал қилиш даврлари тўғрисидаги шартдан фойдаланиш мумкин.

Мисол:

«Мазкур Битим имзоланган вақтдан эътиборан кучга киради ва беш йил давомида амалда бўлади. Унинг амал қилиши, агар Томонларнинг ҳеч бири навбатдаги беш йиллик давр тугашидан камида олти ой аввал бошқа Томонни мазкур Битимнинг амал қилишини тугатиш истаги ҳақида хабардор қилмаса, кейинги беш йиллик даврларга ўз-ўзидан узаяверади».

Бундай ифода халқаро шартнома бошланғич ёки ҳар қандай навбатдаги давр тугаганидан кейингина бир томонлама тартибда тугатилиши мумкинлигини англатади. Ҳар бир белгиланган даврлар давомида уни томонларнинг ўзаро розилиги билангина тугатиш мумкин. Шу сабабли бундай қоидаларни халқаро шартноманинг амал қилишини исталган вақт бир томонлама тартибда тугатиш мумкинлиги тўғрисидаги шартлар билан боғлаб бўлмайди. Шунингдек, томонларнинг мақсадига қараб халқаро шартноманинг амал қилиши ҳам бир марта, ҳам бир неча марта ўз-ўзидан узайтирилиши мумкинлигини ҳам инобатга олиш зарур.

Матнда тегишли мақсад аниқ шакллантирилиши зарур: «...мазкур Битимнинг амал қилиши, агар Томонларнинг ҳеч бири бошқа Томонни унинг амал қилишини тугатиш истаги тўғрисида дастлабки давр тугашидан камида олти ой аввал ёзма равишда хабардор қилмаса, ўз-ўзидан беш йилга узаяди» (бир марта узайтирилганда) ёхуд «мазкур Битимнинг амал қилиши, агар Томонларнинг ҳеч бири бошқа Томонни Битимнинг амал қилишини тугатиш истаги тўғрисида унинг амал қилишининг бошланғич ёки ҳар қандай кейинги даври тугашидан камида олти ой аввал ёзма равишда хабардор қилмаса, кейинги беш йиллик даврларга ўз-ўзидан узаяверади» (кўп марта узайтирилганда).

54. Халқаро шартномада унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаслиги, агар унинг бошқа қоидаларидан ўзгача англашилмаса, шартнома номаълум муддатга тузилишини англатади.

55. Халқаро шартномадаги якуний жумла жой ва сана, асл нусхалар сони ва унинг матнлари тузилган тиллар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади:

1-мисол (икки тилда халқаро шартнома тузишда):

«_____ да 20__ йил « _____ икки нусхада, ҳар бири ўзбек ва рус тилларида имзоланди, бунда иккала матн ҳам бир хил кучга эга»;

2-мисол (уч тилда халқаро шартнома тузишда):

«_____ да 20__ йил « _____ икки нусхада, ҳар бири ўзбек, рус ва инглиз тилларида имзоланди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга»;

3-мисол (устувор тилни аниқлаш зарур бўлса):

«Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги матндан фойдаланилади» ёки «Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Томонлар рус тилидаги матнга мурожаат қилдилар».

56. Икки томонлама халқаро шартнома ва меморандумнинг якунловчи қисми намунавий қоидалари мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 2 ва 3-иловаларида* келтирилган.

7-боб. Халқаро шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

57. Халқаро шартномани ўзгартириш (унга тузатишлар киритиш) халқаро шартнома шартларига ҳамда халқаро ҳуқуққа мувофиқ унинг иштирокчилари ўртасидаги келишувга биноан амалга оширилади.

58. Таркибий бирликни жиддий ўзгартириш талаб этилган тақдирда, унинг таҳририда баён этиш зарур.

Мисол:

«4-модданинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Томон давлатининг марказий органи ваколати ... Низом билан белгиланади».

59. Агар таркибий бирликларни янги таҳрирда тўлиқ баён қилиш зарурати бўлмаса, уларнинг матнига айрим сўзлар, иборалар, бошқа рақамлар ва белгиларни қўшиш, уларни чиқариб ташлаш ёки алмаштириш орқали аниқликлар киритилади.

Мисол:

«5-модданинг иккинчи хатбошисидан «...» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«12-модданинг иккинчи хатбошиси «ҳисоблансин» деган сўздан кейин «тегишли равишда» деган сўзлар билан тўлдирилсин»;

«4-модда учинчи хатбошисининг иккинчи гапи «чегаралар» деган сўздан кейин «Аҳдлашувчи томонларнинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«3-банднинг иккинчи хатбошиси «тартиби» деган сўздан кейин «давлат» деган сўз билан тўлдирилсин;

«2-модда «тартибини» деган сўздан кейин «тайинлаш» деган сўз билан тўлдирилсин.

60. Агар халқаро шартнома янги моддалар (бандлар), рақамли белгига эга бошқа таркибий бирликлар билан тўлдирилса, янги моддалар (бандлар), рақамли белгига эга бошқа таркибий бирликлар учун белги қўшган ҳолда, моддаларнинг (бандларнинг), бошқа таркибий бирликларнинг аввалги рақамланишини сақлаб қолиш лозим.

Мисол:

«... қуйидаги мазмундаги 10.1-модда билан тўлдирилсин:

«...»

«...1-банд қуйидаги мазмундаги 1.2.1 кичик банд билан тўлдирилсин:

«...»

61. Халқаро шартнома матнидан рақамли белгига эга таркибий бирликлар чиқариб ташланганда халқаро шартнома матнида қолган рақамли белгига эга таркибий бирликларнинг аввалги рақамланиши ўз ҳолида сақланиб қолади.

62. Халқаро шартнома моддаси (банди) хатбошилар билан тўлдирилса ёки халқаро шартномадан хатбошилар чиқариб ташланса, таркибий бирликлар янги таҳрирда, қоида тариқасида, қўшилган (чиқариб ташланган) бирликларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади.

Мисол:

«6-моддада:

иккинчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги янги хатбоши билан тўлдирилсин:

«...»;

учинчи — бешинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин»;

«5-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — бешинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин».

Агар қўшилган ёки чиқариб ташланган хатбошилар модда (банд) матнида охириги таркибий бирликлар бўлса, улардан аввалги хатбошилар санилишини ўзгартириш тўғрисида кўрсатиб ўтилмайди.

Мисол:

«6-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин: «...»;

«7-модданинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин».

63. Киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг, янги таҳрирдаги моддаларнинг (бандлар, кичик бандлар, хатбошиларнинг) матни қўштирноқ ичида ва қоида тариқасида курсив билан ажратиб кўрсатилади.

**8-боб. Халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон
Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада
иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги
масалани келишиш**

64. Давлат органи ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани экспертлар даражасида ишлаб чиқишни бошлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган материаллар билан бирга ташаббус таклифи кирилади.

Агар халқаро шартнома тузиш тўғрисидаги таклиф дипломатик каналлар орқали чет эл томонидан ташаббус қилинган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги уни давлат органига юбориш билан бир вақтда халқаро шартнома лойиҳасини экспертлар даражасида ишлаб чиқишни бошлаш ҳақида ўз фикрини тақдим этиши мумкин.

Бундай ҳолда давлат органи Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган материалларни тайёрлайди ва халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани экспертлар даражасида ишлаб чиқишга киришади.

65. Юқори турувчи органларнинг принципиал розилигини талаб қиладиган айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги давлат органига экспертлар даражасида ишлаб чиқишни бошлаш ҳақида қарор қабул қилиш учун ташаббус таклифини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёки Ўзбекистон Республикаси Президентига киритишни таклиф қилиши мумкин.

Юқори турувчи органларнинг принципиал розилигини талаб қиладиган айрим ҳоллар мавжуд шартномавий-ҳуқуқий амалиётдан, шунингдек, тартибга солиш предметидан ва халқаро шартнома билан тартибга солинадиган масалалар хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади (масалан, мудофаа қобилияти масалаларига дахл қиладиган, стратегик объектлар қурилиши-

ни назарда тутувчи ёки амалга ошириш катта молиявий харажатлар талаб қиладиган халқаро шартномалар ва ҳоказолар).

66. Қонунга мувофиқ халқаро шартномалар лойиҳаларини ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишиш икки босқичли тартибда амалга оширилади.

67. Биринчи босқичда давлат органи томонидан Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ манфаатдор давлат органлари билан бирга халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани экспертлар даражасида ишлаб чиқиш амалга оширилади.

Бунда, Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ экспертлар даражасида ишлаб чиқишни бошлаш ҳақида ташаббус таклифини келишишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги халқаро шартнома лойиҳаси бўйича ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала бўйича ўз таклифлари ва фикр-мулоҳазаларини бир вақтда тақдим этган бўлса, экспертлар даражасида ишлаб чиқиш босқичида халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига такроран киритиш талаб этилмайди.

Давлат органи манфаатдор давлат органларига халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартноманинг матнини киритаётганда Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган барча зарур материалларни ҳам илова қилади.

Халқаро шартнома лойиҳасига ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалага тушунтириш хати давлат органи томонидан тайёрланади ва ушбу орган раҳбари (унинг йўқлигида — биринчи ўринбосари томонидан) томонидан имзоланиши керак.

Бунда шунга эътибор қаратиш лозимки, халқаро шартнома лойиҳасини тайёрлаш ёки кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиш масаласини экспертлар даражасида ишлаб чиқишнинг бутун жараёни учун, шу жумладан, тайёрланадиган илова материалларнинг ҳамда давлат тилидаги ва бошқа тилдаги халқаро шартнома лойиҳаси аутентик таржималарининг сифати учун жавобгарлик ваколатига халқаро шартномада тартибга солинадиган масалалар кирадиган давлат органи раҳбарига юкланади.

68. Халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани экспертлар даражасида ишлаб чиқиш чоғида манфаатдор давлат органлари:

хужжат матни бўйича юзага келиши мумкин бўлган ўз таклифлари ва фикр-мулоҳазаларини тақдим этган ҳолда халқаро шартнома лойиҳасини ишлаб чиқишни давом эттириш;

ёхуд кўп томонлама халқаро шартномани ратификация қилиш, тасдиқлаш, қабул қилиш ёки унга қўшилиш мақсадга мувофиқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида фикрлар тақдим этади.

69. Халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартноманинг матнини экспертлар даражасида ишлаб чиқиш уларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказган ҳолда амалга оширилади.

70. Иккинчи босқичда (экспертлар даражасида қайта ишлаш якунланганидан кейин) ҳужжат Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ қуйидагилар илова қилинган ҳолда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига киритилади:

давлат тилидаги ёки зарур ҳолларда, бошқа тилдаги халқаро шартнома лойиҳаси ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матни;

Қонуннинг 9-моддаси талабларига мос бўлган тушунтириш хати;

манфаатдор давлат органлари билан экспертлар даражасида ишлаб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий экспертизаси натижалари қиёсий жадвал тарзида.

71. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўриб чиқиладиган масала предметига оид қуйидаги зарурий материалларни ҳам талаб қилиб олишга ҳақли:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар, юқори турувчи орган топшириғининг ёки халқаро шартнома лойиҳасини ёхуд кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани ишлаб чиқиш назарда тутилган бошқа ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари;

манфаатдор давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг экспертлар даражасида қайта ишлаш чоғида тақдим этилган хатларидан кўчирма нусхалар;

хорижий ҳамкорнинг салоҳияти, ҳамкорликнинг жорий ҳолати, ўзаро ҳамкорликдаги истиқболли режалар ва лойиҳалар ҳақида ахборот, халқаро шартнома тузишнинг амалий аҳамиятини пухта ўрганиш учун зарур бўлган статистик ва бошқа маълумотлар;

агар халқаро шартнома лойиҳасида ёки кўп томонлама халқаро шартнома матнида бошқа халқаро шартномаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилса, қиёсий жадвал;

мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 4-иловасига* мувофиқ шаклда кўп томонлама халқаро шартнома қоидаларининг миллий қонунчилик нормала-

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рига ва Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд амалиётга мос келишини моддама-модда таҳлил қилиш бўйича қиёсий жадвал.

72. Халқаро шартномани тартибга солиш предметининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш босқичида давлат органидан халқаро шартнома тузишнинг ёки кўп томонлама халқаро шартномада Ўзбекистон Республикаси иштирок этишининг мақсадга мувофиқлиги бўйича батафсил тақдимот тайёрлаган ҳолда эксперт учрашуви ўтказишни сўрашга ҳақли.

73. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ҳуқуқий экспертиза яқунлари бўйича берган ижобий хулосаси давлат органи томонидан халқаро шартнома тузиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёки Ўзбекистон Республикаси Президентига таклиф киритиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тегишли хулосаси олинганидан сўнг давлат органи Қонуннинг 13-моддасида кўрсатилган барча ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёки Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиш учун киритади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига халқаро шартнома тузиш тўғрисидаги таклифни мустақил равишда киритиш ҳақида қарор қабул қилинганда, давлат органи Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги сўровномаси бўйича ҳуқуқий экспертиза яқунлари юзасидан таклифларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланган зарур материалларни тақдим этади.

74. Вазирлар Маҳкамаси ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўп томонлама халқаро шартномада Ўзбекистон Республикасининг иштироки мақсадга мувофиқлиги ҳақида маъқуллаши олингандан кейин давлат органи халқаро шартномани ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки Ўзбекистон Республикасининг қўшилишини назарда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда унинг келишилишини амалга оширади.

**9-боб. Халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон
Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп
томонлама халқаро шартноманинг матнини ҳуқуқий
экспертизадан ўтказиш**

75. Халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартноманинг матнини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш — бу Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тегишли хулоса тайёрланган ҳолда халқаро шартнома лойиҳасининг қоидаларини ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонла-

ма халқаро шартноманинг матнини ўрганиш ва баҳолаш бўйича фаолият ҳисобланади.

76. Ҳуқуқий экспертиза натижалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ва Ташқи ишлар вазирлигининг махсус бланкаларида расмийлаштирилади.

77. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан халқаро шартнома лойиҳаси ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқлиги борасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ҳамда ишлаб чикувчига тегишли хулоса тақдим этилади.

Халқаро шартнома лойиҳаси ёки кўп томонлама халқаро шартнома матни қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан ишлаб чикувчига қайтарилади:

ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Қонуннинг 8-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилмаса;

халқаро шартнома лойиҳасининг ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартноманинг давлат тилидаги матни билан унинг бошқа тиллардаги матнлари ўртасида номувофиқликлар бўлса.

Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш рад этилганлиги ҳақида ишлаб чикувчига ёзма равишда маълум қилинади.

78. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро шартнома лойиҳаси ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матни Қонуннинг 11-моддасида назарда тутилган тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

Халқаро шартнома лойиҳаси ёки кўп томонлама халқаро шартнома матни қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан ишлаб чикувчига қайтарилади:

илова қилинган материаллар асосида тегишли халқаро шартномани имзолаш, ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки унга қўшилишнинг мақсадга мувофиқлигини ва амалий аҳамиятини аниқлаш имкони бўлмаса;

халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани экспертлар даражасида ишлаб чиқиш яқунланмаган бўлса ёхуд улар бўйича барча манфаатдор органларнинг фикри олинмаган бўлса;

лойиҳага Қонуннинг 9 ва 11-моддалари, шунингдек мазкур Услубий кўрсатмалар талабларига мос келадиган зарур материаллар илова қилинмаган бўлса;

халқаро шартнома лойиҳасини жиддий қайта ишлаш талаб этилса ва бу унинг матни тубдан ўзгаришига олиб келса;

давлат тилидаги ва чет тилидаги халқаро шартнома матнлари ўртасида мувофиқликни таъминлаш учун лингвистик экспертиза, шунингдек бошқа турдаги экспертизалар ўтказиш зарурати аниқланган бўлса.

Хуқуқий экспертизадан ўтказиш рад этилганлиги ҳақида ишлаб чиқувчига ёзма равишда маълум қилинади.

79. Хуқуқий экспертизадан ўтказишда тегишли хуқуқий муносабатларни тартибга солиш устуворлигидан ва уларнинг амалий аҳамиятидан, халқаро шартнома турини танлаш асослилигидан, шартномани имзолаш томонларнинг ваколатига дахлдорлиги ва улар бундай ҳуқуққа эгаллигидан келиб чиқиш тавсия этилади.

80. Агар хуқуқий экспертизадан ўтказишда халқаро шартнома лойиҳасининг ёки кўп томонлама халқаро шартнома матнининг ва илова қилинган материалларнинг билдирилган талабларга мос келмаслиги аниқланса, ушбу номувофиқлик тегишли асослар билан бирга ҳулосада акс эттирилади.

Бундай номувофиқликларни бартараф этиш тўғрисидаги таклифлар: халқаро шартнома лойиҳасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги халқаро шартномасига ёки норматив-хуқуқий ҳужжатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

халқаро шартнома лойиҳасига ёки кўп томонлама халқаро шартнома матнига илова қилинган материалларни маромига етказиш юзасидан расмийлаштирилиши мумкин.

81. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома бўлмаган халқаро ҳужжатлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлигида хуқуқий экспертизадан ўтказилмайди.

10-боб. Музокаралар олиб бориш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолаш ваколатлари тўғрисидаги гувоҳнома

82. Музокаралар олиб бориш ва халқаро шартномалар имзолаш ваколатлари тўғрисидаги гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Қонуннинг 15 ва 16-моддалари талабларини ҳисобга олган ҳолда расмийлаштирилади.

83. Ваколатлар тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун давлат органлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан халқаро шартномани имзолаш тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин энг қисқа муддатда, бироқ Ўзбекистон Республикасида музокаралар бошланадиган, халқаро шартнома имзоланадиган санадан ёхуд делегация шу мақсадда хорижга чиқиб кетишидан камида 10 кун аввал уларни расмийлаштириш илтимоси билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига сўровнома юборади.

84. Сўровнома Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги но-

мига сўраётган давлат органининг бланкасидаги расмий хатни ўзида ифодалайди. Сўровномада ваколатлар тўғрисидаги гувоҳнома кимнинг номига сўралаётган бўлса, бу шахснинг ёки шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, эгаллаб турган лавозимлари ва улар расмий делегация таркибига ким сифатида киритилганлиги тўғрисида маълумотлар тўлиқ кўрсатилади. Шунингдек, бўлажак тадбирнинг тўлиқ номи, у ўтказиладиган жой ва муддатлар, имзолаш учун тайёрланаётган халқаро шартноманинг тўлиқ расмий номи кўрсатилади.

Халқаро ташкилотлар ва бошқа тузилмаларнинг халқаро конференциялари, кенгашлари, сессияларига делегацияларни юбораётганда, делегациянинг ваколатлари ҳақидаги гувоҳномага тааллуқли тартиб-таомил қоидаларидан кўчирма сўровномага илова қилиниши лозим.

85. Ваколатлар тўғрисидаги гувоҳнома, қоида тариқасида, музокаралар ёки тадбирлар бошлангунига қадар, халқаро шартнома имзоланишидан олдин ёки имзоланаётган вақтда берилади. Икки томонлама халқаро шартномалар имзоланаётганда, музокараларда иштирок этаётган томон билан ваколатлар тўғрисида гувоҳномалар алмашилади. Кўп томонлама халқаро шартномалар имзоланаётганда ваколатлар тўғрисидаги гувоҳнома депозитарийга топширилади.

11-боб. Яқунловчи қоида

86. Мазкур Услубий кўрсатмаларни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ
КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

383 Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғриси-
даги низомнинг 5-иловасига ўзгартириш киритиш
хақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2893-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги ПҚ-4096-сон «Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/3-сон қарори (рўйхат рақами 2893, 2017 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 25-сон, 568-модда) билан тасдиқланган Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомнинг 5-илоvasи 11-бандидаги «Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази» деган сўзлар «Судьялар олий мактаби» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

А. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 июль,
01-15/1106-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2020 йил 6 июндаги 390-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олишни ташкил этиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3272.

2. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2020 йил 6 июндаги 389-сон «Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олишни ташкил қилиш ва уни юритиш тартиби бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1259-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 54, 1-сон «Халқаро шартнома лойиҳасини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани ишлаб чиқиш ҳақидаги услубий кўрсатмаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3273.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2020 йил 30 июлдаги 01-15/1106-сон «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомнинг 5-илоvasига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2893-3.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олишни ташкил қилиш ва уни юри-

тиш тартиби бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1259, 2003 йил 18 июль).

2020 йил 30 июнда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.